

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

УДК 349.3 (576.1)

ББК 67.405 (590)

Т 91

ТУРСУНОВ ЮЛДАШ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ
ҲУҚУҚИ
(Дарслик)**

Т О Ш К Е Н Т – 2012

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Ю. ТУРСУНОВ.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи
(Дарслик)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан юридик институти ва факультетларининг талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинган. *(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи КЕНГАШНИНГ 2011 йил 9 сентябрдаги йиғилиши 3-сонли БАЁННОМАСИ. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг нашр этишига рухсат бериш тўғрисидаги 2011 йил 17 сентябрдаги 392-сонли БУЙРУҒИ)*

ТУРСУНОВ Ю.,
Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи.. Дарслик - Т.: ТДЮИ кичик нашриёти.
2012 й. 295 бет.

Право на получения социального обеспечения и социальной помощи находится в центре внимание нашего общества и государства, которое методично проводить социальную политику, направленное на социальной поддержки уязвимых слоев населения, так как гарантированность основных прав и свобод граждан, создание благоприятного условия для жизни является благородной целью нашего развития.

Учебник написан в соответствие с учебной программой по курсу «Право социального обеспечения» для студентов, обучающихся по направлению бакалавриата 380 100 – юриспруденция.

Учебник так же может быть полезен и для учащихся профессиональных колледжей, специалистам-юристам, широкому кругу читателей.

The right to receptions of social security and the social help is in the centre of the attention of our society and the state which methodically to spend the social policy, directed on social supports of vulnerable levels of population as гарантированность fundamental laws and freedom of citizens, creation of a favorable condition for life is a noble purpose of our development.

The textbook is written to conformity with the curriculum at the rate «the social security Right» for the students trained in a direction of a bachelor degree 380 100 – jurisprudence.

The textbook as can be useful and for pupils of professional colleges, to experts-lawyers, a wide range of readers.

Тақризчилар:

МУРОДОВА Г. М. - Бюджетдан ташиқари песия жамғармаси Сергели туман бўлими бошлиғи.

ГАЗИЕВ Ш. М. – ТДЮИ “Меҳнат ва ижтимолий ҳимоя ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси, ю.ф.н.

© Ю. Турсунов.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

УМУМИЙ ҚИСМ

1- БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ ЎҚУВ КУРСИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи ва унинг амалга оширилиши
- 1.2. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ўқув курси, унинг предмети, вазифалари ва услуги.
- 1.3. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ўқув курси ва қонунчилик тармоғининг тизимлари.
- 1.4. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи курсининг бошқа ҳуқуқий ва иқтисодий фанлар билан ўзаро муносабати.

2-БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.

- 2.1. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига оид тамойиллар ва уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида акс этиши.
- 2.2. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва уларнинг таснифи.
- 2.3. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбаи сифатида.
- 2.4. Ижтимоий таъминотга оид қонун ҳужжатларининг вақт, ҳудуд ва шахслар ўртасида амал қилиш хусусиятлари.

3-БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

- 3.1. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва умумий тавсифи.
- 3.2. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари. Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати.
- 3.3. Якка тадбиркорлик субъектлари, ўзини ўзи иш билан таъминловчи фуқаролар ва якка деҳқон хўжалиги аъзолари ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти сифатида.

- 3.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва унинг жойлардаги органлари ижтимоий таъминот ҳуқуқ субъекти сифатида.
- 3.5. Корхона ва ташкилотлар ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти сифатида.
- 3.6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти сифатида.
- 3.7. Ижтимоий таъминот ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари.

4-БОБ. НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ СУБЕКТЛАРИ.

- 4.1. Нодавлат пенсия таъминоти ва уни ривожлантириш истиқболлари.
- 4.2. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати.

5-БОБ. МЕҲНАТ СТАЖИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

- 5.1. Меҳнат стажини ҳисоблаш.
- 5.2. Айрим турдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнат стажини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 5.3. Узоқ йиллик хизмат даври ва унинг пенсия таъминотини амалга оширилишидаги аҳамияти.

МАХСУС ҚИСМ

6 БОБ. ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР.

- 6.1. Ёшга доир пенсиялар тушунчаси, турлари ва тайинланишининг умумий асослари.
- 6.2. Умумий асосларда ёшга доир пенсия тайинлаш.
- 6.3. Имтиёзли шартлардаги ёшга доир пенсия тайинлаш.
- 6.4. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш.

7- БОБ. НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ.

- 7.1. Ногиронлик пенсиялари ва уни тайинлаш асослари.
- 7.2. Ногиронлик тушунчаси ва ногиронлик гуруҳлари, ногиронлик юз бериш сбаблари ногиронликни белгилаш.
- 7.3. Умумий асосларда ногиронлик пенсияси тайинлаш.
- 7.4. Меҳнатда майибланиш ёки жароҳат олиш, касб касалликларига чалиниш туфайли ногиронлик пенсиси тайинлаш.
- 7.5. Тўлиқсиз меҳнат стажини билан ногиронлик пенсияси тайинлаш.

8 – БОБ. БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

- 8.1. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тушунчаси ва уни тайинлаш асослари.
- 8.2. Қарамоғдаги шахслар тушунчаси ва доираси.
- 8.3. Умумий асосларда боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тайинлаш.
- 8.4. Касб касалликлари ёки меҳнат жароҳатлари туфайли вафот этган шахслар қарамоғидагиларга пенсия тайинлаш.

9-БОБ. ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ

- 9.1. Давлат пенсияларини тайинловчи органлар ва уларнинг ваколатлари.
- 9.2. Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш ва талаб этиладиган ҳужжатлар.
- 9.3. Корхона ва ташкилотлар маъмуриятининг персия тайинлаш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этиш юзасидан вазифалари.
- 9.4. Пенсия тайинлаш ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.
- 9.5. Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишнинг умумий қоидалари. Пенсиларнинг таянч миқдори. Пенсия тайинлаш чоғида ҳисобга олинмайдиган ва ҳисобга олинмайдиган даромадлар.
- 9.6. Пенсияларни қайта ҳисоблаш.
- 9.7. Пенсияларни тўлашнинг умумий тартиби. ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш. Пенсиялардан ушлаб қолишни чекланиши.
- 9.8. Пенсия тўлаш учун сарфланган маблағларни корхона ва ташкилотлардан қайтариб олиш асослари ва тартиби. Регресс даъво.

10 БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДЛИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ.

- 10.1. Жамғариб бориладиган пенсия тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари.
- 10.2. Жамғариб бориладиган пенсия олишга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши ва амалга оширилиши. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси.
- 10.3. Жамғариб бориладиган пенсия олиш ҳуқуқи ва уни амалга оширилиши.

11- БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ НАФАҚАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

11.1. Нафақалар тушунчаси ва уларни фуқаролар ижтимоий таъминотида тутган ўрни.

11.2. Давлат ижтимоий суғуртаси нафақалари, уларнинг тавсифи ва таснифи.

11.3. Давлат ижтимоий суғуртаси нафақаларини тайинлаш ва тўлашнинг умумий қоидалари.

11.4. Бюджет ҳисобидан тайинланадиган нафақалар ва бошқа моддий ёрдамлар.

11.5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ва тўланадиган.

11.6. Нафақа тайинлаш билан боғлиқ низолар ва уларни кўриб ҳал этиш.

11.7. Ишсизлик нафақаси. Талабаларга стипендия тўлаш. Нафақаларнинг бошқа турлари.

12- БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

12.1. Ижтимоий ҳимоя чоралари ва уларнинг умумий тавсифи.

12.2. Натурал кўринишдаги ижтимоий ҳимоя ва уни амалга оширилиши.

12.3. Ота-она тарбияси ва таъминотсиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш. Меҳрибонлик уйлари.

12.4. Ногиронлар ва қарияларни ижтимоий ҳимоялаш. Мурувват ва Саҳоват уйлари.

12.5. Ёлғиз қариялар ва ёлғиз ногиронларга кўрсатиладиган натурал ёрдамлар.

12.6. Тиббий ва фармацевтика хизматлари кўрсатиш соҳасида ижтимоий ҳимоялаш. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга дучор бўлган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш.

12.7. Ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш соҳасидаги низолар ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиниши.

13-БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ .

13.1. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид хорижий мамлакатлар қонунчилиги тизимларига умумий тавсиф.

13.2. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя.

13.3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзоси бўлган давлатларнинг ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя қонунчилиги.

Х У Л О С А.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

И Л О В А Л А Р

К И Р И Ш

Мамлакатимизда барпо қилинаётган янги жамият ўз идиалларидан бири сифатида фуқаролар учун тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт қарор топган буюк келажакни тасаввур қилади. Бу жамият моддий-турмуш кўрсаткичлари бўйича ҳам, маънавий-маданий тараққиёт даражасига кўра ҳам, инсонлар учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий макон барпо этилгани жиҳатидан ҳам жаҳондаги энг тараққий топган мамлакатлар даражасидан ортиқ бўлса-бўладики, аммо кам бўлмайди.

Ана шундай олий мақсад ва идиалларимиз томон жадал ривожланиб борар эканмиз, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тарзимизга бозор муносабатлари тамойилларини чуқур сингдириш билан бирга инсон ҳуқуқларини янада кўпроқ қафолатлаш ва ишончли муҳофаза қилиш, ўтиш дврида аҳолининг ижтимоий заиф ва давлат ҳамда жамият қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари чуқур ҳурмат қилинадиган ва олий қадриятлардан бири сифатида эътироф қилинадиган демократик социал давлат сифатида мустақил тараққиётнинг дастлабки кунлариданок бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуришнинг бош тамойилларидан бири сифатида кучли ижтимоий сиёсат юритилишини бутун жаҳонга эълон қилди ҳамда шунга мос келадиган кенг қамровли чоратadbирларни изчил амалга оширишга киришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид,

маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир”¹ деб кўрсатиб ўтди. Шунингдек, мазкур маърузада қайд этилганидек: қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил етгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганлиги биз кўзлаган мақсадимиз томон тўғри йўлдан илдам одимлар билан олға бораётганимизни тасдиқлайди. Буларнинг барчаси ҳаётимиз сифат жиҳатдан яхшилана бошлагани, мухтож аҳоли табақаларини моддий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш янги босқичга ўтганидан дарак беради.

Жаҳон миқёсида юз берган ва давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз туйғили барча ресурслардан, шу жумладан молиявий маблағлардан ҳам тежаб-тергаб, ўринли фойдаланиш заруратини олға сурмоқда. Шу

¹ Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. «Халқ сўзи». 2010 йил 12 ноябрь.

сабабли ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам боқимандаликка йўл қўймаган ҳолда аниқ мақсадли ва самарали иш олиб борилиши долзарб вазифа сифатида тақоза этилмоқда.

Шу муносабат билан фуқароларни пенсия таъминотини амалга оширувчи давлат оргнлари тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди ва бунда молиявий ресурслар аниқ ҳисобга олинадиган, улардан ўринли ва самарали фойдаланиш устидан самарали мониторинг ўрнатиш имконини берадиган янгича таркибий ўзгаришлар содир бўлабошлади².

Юқорида белгиланган стратегик тараққиёт йўлига мос равишда давлатимиз томонидан изчиллик билан аҳолининг ижтимоий заиф ва ҳимояга мухтож қатламларини ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан комплекс чора тадбирлар амалга ошириб келинмоқда ҳамда бу тадбирлар 1997 йилдан буён ҳар бир келаётган йилни муайян номлар билан номланишида, фуқароларнинг айрим қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Республикаимиз Президенти И.А. Каримов қайд этиб ўтганидек: “Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўяётган қадамлари барчамизни қувонтиради. ... Лекин ҳаммамизга маълум – ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамнафас бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қоқоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу – ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидир”³.

2 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864- сонли “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора- тадбирлар тўғрисида”ги фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 12-сон, 105-модда. Шунингдек: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йл 30 декабрдаги ПФ-4161-сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони. “Халқ сўзи”, 2009 йил 31 декабрь

³ Каримов И.А. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгалаши лозим. “Ўзбекистон овози”, 2003 йил 9 октябрь.

Мамлакатимизда “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинган 2007 йилнинг ўзида аҳолининг мухтож табақаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли Давлат дастури амалга оширилди⁴.

Аҳолининг реал пул даромадлари бир йилда 27 фоиздан зиёд кўпайди. Статистика идоралари маълумотларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечирини учун минимум даражада зарур бўлган маблағнинг 99 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.⁵

2009 йилда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Аҳолининг реал даромадлари шу йил давомида 26,5 фойизга кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 40 фойизга оширилди.

Яна шуни қайд этиб ўтиш лозимки, кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг мухтож табақаларини манзилли қўллаб-қувватлаш кеинги ўн йиллик тарихий тараққиётимиз марказий йўлини ташкил этиб келмоқда ва ҳар бир келаётган йилни анашу мақсадга қаратилган муайян номлар билан атаб, шунга мос келувчи тадбирлар мажмуини изчил рўёбга чиқариб келмоқдамиз.

Мамлакатимиз раҳбари ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Давлат ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади.

...Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин”⁶.

⁴ Қаранг :. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 4-6-сон, 39-модда.

⁵ Қаранг: «Халқ сўзи». 2008 йил 8 февраль

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 119-бет.

“Баркамол авлод йили“ деб эълон қилинган ушбу-2010 йилда ҳам ёшларимиз ва аҳолининг бошқа мухтож табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун катта ҳажмдаги давлат ва жамият маблағларини сарфлаш белгилаб қўйилгандир⁷.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётининг муҳим жиҳати эканлиги ва бу масалага мунтазам эътибор қаратиб келинаётганлиги инсон манфаатларининг устувор аҳамиятга эгалигини сўзсиз исботлаб турибти. Ана шундай шароитда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотнинг ҳуқуқий асосларидан яхши хабардор, бу соҳадаги қонунчилик тизими ҳамда уларни амалга татбиқ этиш юзасидан амалий кўникмаларга эга бўлган, юксак интеллектуал салоҳиятли, юксак ахлоқий ва инсонпарварлик фазилатларига эга бўлган мутахасси кадрлар тайёрлаш нечоғлик катта аҳамиятга эга эканини ҳеч ким инкор этаолмайди.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фуқароларнинг қариганлари, ногирон бўлиб қолганлари, боқувчисидан жудо бўдиб қолганлари холларда ва қонунларда назарда тутилган бошқа холларда ижтимоий таъминот олишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишига таъллукли фанлар сирасига киради ва шу сабабли бу соҳада ишловчи мутахассисларнинг билимли бўлишлари, юқори инсоний фазилатга эгаликлари муҳим аҳамиятга эга. “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фани бўлғуси юрист мутахассис кадрларга ҳуқуқий билимлар бериш билан бирга ана шундай юксак инсоний хислатларни сингдиришга ҳам қаратилгандир.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 февралдаги 805-сонли қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2010., 10-11 сон, 56- модда.

УМУМИЙ ҚИСМ

1- БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ ЎҚУВ КУРСИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи ва унинг амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” деб эълон қилинган. Ушбу конституциявий ҳуқуқ фуқароларимизнинг энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларидан бири сифатида давлатимиз томонидан ҳар томонлама қафолатлаб қўйилган. Мамлакатимизда 3 млн. 400 мингга яқин фуқаро давлат пенсиялари билан таъминланганлари, миллионлаб оилалар ва бошқа моддий ҳамда ижтимоий ёрдамлар билан қамраб олинганлари, ана шу мақсадлар учун бюджет маблағларидан салмоқли молиявий маблағлар сарф-харажат қилинаётгани, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоянинг зарур инфратузилмаси шакллантирилгани ва самарали ишлаб тургани, бу соҳада махсус ваколатли марказий ва маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритаётганлари ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишларимиз кўлами нақадар кенг эканини аниқ-равшан кўрсатиб турбди.

2010 йилда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг даромадлари 5,326 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 3,322 трлн сўми ягона

ижтимоий тўлов ҳисобидан, 975,8 млрд сўм товарлар реализациясидан олинадиган мажбурий бадаллардан, 532,5 млрд сўм фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисобидан ташкил топган.

Шуни қайд этиш жойизки, 2011 йилги давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий таъминот ва ижтимоий муҳофаза мақсадларига мўлжалланган маблағлар муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя кўлами мунтазам ортиб бораётган ва шу мақсадлар учун маблағлар ажратилиши кўпаяётган шароитда бу маблағлардан тежаб-тергаб, ўринли фойдаланиш, бу соҳада қонунбузарлик ва талон-тарожликларга йўл қўймаслик, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъмин этилиши фуқароларимизнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари кафолатларидан саналади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фан соҳаси сифатида фуқароларни турли шаклларда ижтимоий таъминлаш, ижтимоий таъминотнинг амалга оширилиши билан машғул бўлган давлат органлари тизими, уларнинг ишлаш режими, аҳолини ижтимоий таъминлаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг хусусиятлари, бу жараённинг ривожланиш тенденциялари, муаммолари, бу муаммоларни ҳал этилиш масалалари, ижтимоий таъминот ва ёрдам шакллари, уларнинг янада такомиллаштирилиши, ижтимоий таъминотнинг амалга оширилиш усулларини ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига мослаштириш каби назарий масалалар ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этиш муаммолари билан шуғулланади.

Аввало, «ижтимоий таъминот» ва «ижтимоий таъминот ҳуқуқи» тушунчалари тўғри англаб олинмоғи лозим.

Ижтимоий таъминот деганда асосан давлат йўли билан фуқароларни таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, давлат ижтимоий таъминот тизимлари назарда тутилади. Аммо, бугунги кунда ижтимоий таъминотнинг бошқа кўринишлари ҳам юзага кела бошлади. Хусусан, Ўзбекистонда «Нуроний»,

«Соғлом авлод учун», «Маҳалла», Болалар ва бошқа ижтимоий жамғармаларнинг ташкил этилганлиги, турли корхоналар, ташкилотлар, айрим фуқаролар томонидан хайр-эҳсон тарзида турли ёрдамлар, тадбирлар уюштирилаётганлиги нодавлат ижтимоий таъминот тизимларини ҳам аста-секин шакллантириб борилаётганлигидан, аҳолининг ёрдамга муҳтож, заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишда уларнинг ўрни, салмоғи ортиб бораётганлигидан дарак беради.

Буларнинг барчаси «ижтимоий таъминот» тушунчаси мазмунан кенгайиб ва бойиб бораётганлигидан, ўзида бозор муносабатларидан келиб чиқувчи хусусиятларни тўлароқ акс эттираётганлигидан нишонадир.

«Ижтимоий таъминот ҳуқуқи» тушунчасига келсак, бу тушунча «ижтимоий таъминот» тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг бир қиррасини, яъни ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишига оид ташкилий-ҳуқуқий шаклларни, қонунчилик тизимини, ижтимоий таъминотни амалга оширувчи давлат органлари, тегишли ҳолларда эса жамоат органлари тизимини ўзида акс эттиради.

1.2. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ўқув курси, унинг предмет, вазифалари ва услуги.

Ижтимоий таъминотни амалга оширилиши соҳасида юз берувчи ижтимоий муносабатлар ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанининг предмети саналади. Аммо, бунинг учун ушбу ижтимоий муносабатлар ижтимоий таъминот соҳасидаги қонунчилик актлари билан тартибга солиниши, яъни қонун ҳужжатларининг «таъсир доираси»га кириши лозим.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани предмети саналувчи ижтимоий муносабатлар таснифи ва тавсифи, уларнинг юзага келиш, барҳам топиш хусусиятлари, бу муносабат иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларни ҳимояланиш усуллари ва воситаларига оид масалалар тегишли бобларда атрофлича ёритилиши боис уларга бу ўринда батафсил тўхтаб ўтириш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай бўлса-да, фуқароларни пенсиялар, моддий ёрдамлар билан таъминлаш, уларга турли ижтимоий натурал ёрдамлар кўрсатиш, ижтимоий имтиёзлар

бериш пайтида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга шахслар билан бундай ёрдамни кўрсатиш вазифаси юклатилган давлат ёки бошқа жамоат органлари ўртасида вужудга келувчи ҳуқуқий муносабатлар; фуқаролар, корхона ва ташкилотлар, ижтимоий таъминот органлари ҳуқуқий мақомининг белгиланиши, ижтимоий таъминот шакллариининг амалга оширилиши асослари, шартлари, тартибларининг белгиланиши кабилар ижтимоий таъминот ҳуқуқи предмети саналади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани предмети жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1). Фуқароларни давлат ижтимоий суғурталаш ва шу асосда уларнинг меҳнат фаолиятини ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажи сифатида тан олиш ва ҳисобга олишга оид муносабатлар;

2). Фуқароларни пенсиялар билан таъминлаш ва пенсия тўлаш билан боғлиқ муносабатлар;

3). Фуқароларни турли нафақалр ва моддий ёрдамлар билан таъминлашга оид муносабатлар;

4). Фуқароларга ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар;

5). Фуқароларнинг айрим тоифаларига қўшимча ижтимоий кафолат ва имтиёзлар беришга оид муносабатлар;

6). Давлат бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантирилиши юзасидан корхона ва ташклотлар, тадбиркорлик субъектлари билан юз берадиган ҳуқуқий муносабатлар;

7). Нодавлат ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш чоғида хомийлар ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар;

8). Ижтимоий таъминот ҳуқуқидан фойдаланиш соҳасида юз берувчи низоларга доир, моддий ва ҳуқуқий жавобгарликка тортишга оид муносабатлар ва бошқалар.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ўз табиъига кўра оммавий ҳуқуқий фанлар оиласига мансубдир ва бу омил унинг ҳуқуқий тартибга солиш усуллари белгиланишида муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий таъминот давлат маблағлари ҳисобидан ва давлатнинг ваколатли органлари томонидан амалга оширилиши туфайли бундай таъминот бериш шартлари ва асослари қонун ҳужжатлари билан императив тарзда белгиланган бўлиб, ижтимоий таъминот олувчи ва уни берилиши таъминловчи орган келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ижтимоий таъминотга оид мажбуриятларни бажарилиши давлат мажбурияти билан кафолатланган ва бу ҳол ижтимоий таъминот муносабатларида одатда давлат мажбурий кўрсатмаларидан фойдаланиш усулини англатади. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи предметиға кирувчи муносабатларни тартибга солинишида унинг иштирокчиларига берилган ҳуқуқлар ва юклатилган мажбуриятлар аниқ, муайян бўлиб, қонун ҳужжатларида қандай назарда тutilган бўлса, айнан ана шундай тарзда ижро этилиши талаб этилади.

Нодавлат ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиниши чоғида қонун ҳужжатларига биноан хусусий ҳуқуқий усулларга йўл қўйилиши ва бунда унинг шартлари томонлар келишувига кўра белгиланиши, ўзгартирилиши мумкин бўлади (масалан, корхона ўз ҳисобидан қўшимча равишда пенсия билан таъминлаш мажбуриятини олиши, ҳодим эса бунинг эъвазига корхонада муайян муддати давомида узлуксиз меҳнат қилган бўлиши).

Хуллас, ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани усуллари деганда бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш учун қўлланиладиган махсус ҳуқуқий, иқисодий ва бошқа воситалар мажмуи назарда тutilади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фан соҳаси ва қонунчилик тармоғи сифатида ўзига хос вазифаларни бажаради.

Унинг фан соҳаси сифатидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а). Ижтмий таъминотга оид иуносабатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бозор муносабатлари ривожланиб бораётган шаройитда уни оптималлаштириш йўллари ҳамда воситаларини такомиллаштириш юзасидан илмий - назарий тавсиялар ишлаб чиқиш;

б). Ижтмий таъминот ва ижтмий ҳимояга оид қонунчиликни халқаро стандартлар ва илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифларни илгари суриш, ижтмий таъминот ва ижтмий ҳимоя соҳасидаги ҳуқуқий ислоҳотлар концепциясини илгари суриш ва илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

в). Ижтмий ҳимоя ва ижтмий таъминотни амалга оширувчи давлат органлари иш фаолиятини, тарқбий тузилишини ва самарадорлигини янада оширишга оид назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

г). Ижтмий таъминот ва ижтмий ҳимоя соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлаш, улар малакасини ошириш;

д). Ижтмий таъминот соҳасида чет эл тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва улардан фойдаланишга доир таклифлар бериш ва хоказолар.

Ижтмий таъминот қонунчилик тармоғининг вазифалари фаннинг вазифаларидан фарқ қилади. Жумладан, Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг муқаддимасида қайд этилганидек: “Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтмий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди”.

Ижтмий таъминотга оид қонунчилик тармоғининг вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1). Фуқароларнинг ижтмий таъминот олишга бўлган ҳуқуқларини белгилаш;

2). Бу ҳуқуқларни рўёбга чиқарилиш механизмларини кўзда тутиш;

3). Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи шартлари ва асослари нималардан иборат эканини аниқлаш;

4). Ижтимоий таъминот ҳуқуқидан фойдаланиш чоғида камситишларга ва ижтимоий адолатсизликларнинг бошқа ҳар қандай шаклига йўл қўймасалик;

5). Ижтимоий таъминотни амалга оширилишида қонунийлик тамойили устуворлигига эришиш;

6). Фуқароларнинг, айниқса ижтимоий кўмакка муҳтож шахслар турмуш даражаси етарли даражада бўлишига эришиш;

7). Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояни амалга оширувчи давлат ва нодавлат органлари иш фаолияти самарадорлигига ва улар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъмин этилишига эришиш ва бошқалар.

1.3. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ўқув курси ва қонунчилик тармоғининг тизимлари.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фан соҳаси сифатида муайян изчилликда ўзаро боғланган ҳуқуқий тушунча ва институтлар тизимидан иборатдир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанининг ҳуқуқ институтлари бир-бири билан предмети, мақсади ва вазифалар ҳамда бошқа жиҳатларига кўра яқин бўлган ижтимоий муносабатлар гуруҳини тартибга солади. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи институтлари ушбу фанга оид ижтимоий муносабатларни табақалашган ҳолда ва айна пайтда яхлит ҳуқуқ соҳасига оид предмет сифатида тартибга солиш имконини беради.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани **умумий** ва **маҳсус** қисмларга бўлиниши мумкин.

Умумий қисмга таълуқли ҳуқуқ институтлари умумий тусдаги тушунчалар, ижтимоий таъминотга оид ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этиладиган ҳуқуқий механизмлар, илмий категориялардан ташкил топади. Жумладан, фанининг предмети, услублари, ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат тушунчаси, унинг вужудга келишига оид тасаввурлар,

ижтимоий таъминот ҳуқуқий муносабат объектлари ва субъектлари, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, ижтимоий таъминотни амалга ошириш вазифаси юклатилган давлат органлари, нодавлат тузилмаларининг статуси, ижтимоий таъминот муносабатларида муддатлар ва айрим юридик ҳатти – ҳаракатларни амалга оширишнинг умумий тартиблари каби масалалар фаннинг умумий қисмини ташкил қилади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг махсус қисмида ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоянинг айрим шакллари, уларни амалга оширишнинг махсус тартиб-қоидалари билан боғлиқ тушунчалар ўрганилади. Фаннинг умумий ва махсус қисмлари яхлит бир бутуннинг бўлакларидан иборатдир.

Ижтимоий таъминот қонунчилик тармоғи ҳам ўзига хос тизимга эга бўлиб, умуман олганда фаннинг тизими қонунчилик тизимига мос келади.

Ижтимоий таъминот қонунчилиги тизимини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояни амалга оширишга доир умумий қоидалар.
2. Ижтимоий таъминот органлари мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;
3. Фуқароларни давлат пенсиялари билан таъминлаш;
4. Фуқароларни нафақалар ва моддий ёрдамлар билан таъминлаш;
5. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш.
6. Фуқароларнинг айрим тоифаларига бериладиган натурал кўринишдаги ижтимоий ёрдамлар;
7. Фуқароларнинг айрим тоифаларига бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар;
8. Ижтимоий таъминот соҳасидаги низоларни ҳал этш, ҳуқуқларни ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатлари;
9. Нодавлат ижтимоитй таъминоти ва ижтимоий ҳимоясини амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари.

1.4. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи курсининг бошқа ҳуқуқий ва иқтисодий фанлар билан ўзаро муносабати

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фан соҳаси сифатида бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳамда иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ютуқларидан фойдаланади ҳамда умумий тушунчаларга эга бўлади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, энг аввало, меҳнат ҳуқуқи фани билан боғлиқдир. Фуқарода ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқ кўпчилик ҳолларда унинг аввалги даврларда меҳнат фаолияти билан шуғулланганлиги фактига асосланади. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқининг юзага келишигина эмас, балки унинг миқдори ҳам аввалги меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлади. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани ҳам меҳнат ҳуқуқи фани фойдаланадиган меҳнат стажи, ўртача иш ҳақи миқдори, ишлаб чиқаришда соғлиққа зарар етказилиши, касб касалликлари каби бир қатор умумий тушунчалардан фойдаланади. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи ходим меҳнат фаолияти юритган даврда давлат ижтимоий суғуртаси фондига (Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига) бадал тўланганлиги билан боғланган.

Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Масалан, меҳнат қонун ҳужжатлари ижтимоий таъминот муносабатларига ва ижтимоий таъминотга оид меъёрий ҳужжатлар меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-боби “Давлат ижтимоий суғуртаси” деб номланади ва унда ижтимоий таъминотнинг асосий шакллари ва бу ҳуқуқдан фойдаланишнинг умумий шартлари назарда тутилган (МКнинг 282-294-моддалари).

Шу билан бирга, ушбу икки ҳуқуқ соҳаси ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, бу жиҳатлар уларни алоҳида ҳуқуқий фан эканлигини тавсифлайди. Хусусан, меҳнат ҳуқуқининг предмети ходим ва иш берувчи

Ўртасидаги меҳнат муносабатлари бўлса, ижтимоий таъминот ҳуқуқининг предмети одатда ўтган даврда меҳнат муносабатида бўлган, зарур меҳнат стажига эга бўлган фуқаро билан давлат ёки жамоат ижтимоий таъминот органлари ўртасидаги муносабат саналади.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари ихтиёрийликка, томонлар тенглигига асосланган ҳолда юзага келса, ижтимоий таъминот муносабатлари зарур юридик таркиб мавжуд бўлганида ижтимоий таъминот органи хоҳишига боғлиқ бўлмаган тарзда юзага келаверади аммо унинг иштирокчилари тенг ҳуқуқли бўлмайди.

Ушбу икки ҳуқуқ соҳаси қўллайдиган усуллар ҳам турличадир. Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари ихтиёрийлик ва тенгликка асосланиши туфайли кўпроқ хусусий ҳуқуқий усулларда тартибга солинса, ижтимоий таъминот ҳуқуқи давлат иштирокидаги муносабатлар бўлганлиги туфайли маъмурий-ҳуқуқий усулларда, яъни давлат мажбурловидан фойдаланилгани ҳолда тартибга солинади.

Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи ўз мақсадлари, олдидаги вазифалари, қўллайдиган ҳуқуқий-ташкилий воситалари бошқа кўплаб жиҳатлари билан ҳам ўзаро фарқланадилар ҳамда алоҳида, мустақил фан сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи Фуқаролик ҳуқуқи билан кўпгина умумий хусусиятларга эга. Хусусан, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, унинг пайдо бўлиши, чекланиши, муомалага лаёқатсиз деб топиш, етказилган зарар ва унинг қопланиши, юридик шахс ва унинг мақоми масалаларида фуқаролик қонунчилиги тушунчаларидан ҳамда қоидаларидан кенг фойдаланилди. Айниқса ҳозирги пайтда пайдо бўлаётган ва кенг тарқала бошлаган хайр-эҳсон қилиш йўли билан ижтимоий таъминотда иштирок этиш масалалари фуқаролик қонунлари билан тартибга солинади. Турли юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган инсонпарварлик ёрдамларининг ҳуқуқий асослари фуқаролик қонунчилиги саналади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи Оила ҳуқуқи билан яқиндан боғлиқ ва ижтимоий таъминот ҳуқуқида кенг қўлланиладиган қариндош-уруғлар, ҳомийлик ва васийлик органлари, қарамоғда бўлганлик каби қатор юридик тушунчалар оила қонунчилиги нормалари билан назарда тутилган. Муайян ижтимоий таъминот турларидан фуқаро фойдалана олиши учун унинг моддий таъминлашга мажбур бўлган яқин қариндошлари мавжуд бўлмаслиги талаб этилади. Моддий таъминлашга мажбур бўлган яқин қариндошлар тушунчаси ва доираси оила қонунчилиги нормаларига биноан белгиланади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи Маъмурий ҳуқуқ фани билан ўзаро ўхшаш, чунки ижтимоий таъминот соҳасини бошқариш ва ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишида маъмурий ҳуқуқий усуллардан фойдаланилади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани Молия ҳуқуқи фани билан боғлиқ бўлиб, давлат бюджети харажат қисмига кирувчи фаолиятнинг бир туридан иборат бўлади. Аммо молия ҳуқуқи умуман давлат молиявий фаолиятига тааллуқли бўлса, ижтимоий таъминот ҳуқуқи фақат унинг бир кичик тармоғигагина тааллуқли бўлади.

Аҳолини ижтимоий таъминлаш, нафақа ва компенсациялар беришни ташкил қилиш, мониторингини амалга ошириш, жавобгарлик қўллаш соҳасидаги ваколатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва унинг жойлардаги таркибий органларига ўтказилиши билан Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг Маъмурий ва молия ҳуқуқи соҳалари билан алоқадордиги яна ҳам кучайтирилди.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи мамлакат миллий бойлиги бир қисмини қайта тақсимланишида қатнашувчи фан соҳаси сифатида фундаментал иқтисодий фанлар – иқтисодиёт назарияси, давлат ва маҳаллий органлар молияси, макро ва микро иқтисодиёт каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир, ушбу иқтисодий фанлар эришган ютуқлардан, улар ишлаб

чиққан назарий ва амалий тушунчалар, воситалардан фойдаланади. Иқтисодиёт назарияси, давлат ва маҳаллий органлар молиясини билиш ижтимоий таъминот манбалари моҳиятини чуқур англаб етишга, унинг вазифаларини англаб олишга ёрдам беради.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи иқтисодиёт назарияси, давлат молияси, макро ва микро иқтисодиёт, аҳолишунослик каби иқтисодий фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларга хос тушунча ва категориялардан фойдаланади.

Жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этилиши, иқтисодий кўрсаткичлар, иш кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг ўзаро муносабати масалалари ижтимоий таъминот ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва амалга оширилишида муҳим ўрин тутаяди.

Фан ва техника тараққиёти туфайли ижтимоий таъминот ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан алоқадорлиги кучайиб боравериши кузатилмоқда.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи. Ижтимоий таъминотга оид муносабатлар. Ижтимоий ҳимоя сиёсати. Ижтимоий таъминотга оид қонунчилик. Ижтимоий муҳофаза.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ :

- 1.Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи нимани англатади ?
- 2.Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий ҳимоя сиёсати тушунчаларининг ўзаро нисбати қандай ?
- 3.Ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқ қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган ?
- 4.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаси фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини белгилайди?
- 5.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанининг предмети доирасини белгиланг.
- 6.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи қайси ҳуқуқий усулларга таяниб иш кўради ?
7. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи қайси иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар билан узвий алоқадор ?

8. Бозор муносабатлари шаройида ижтимоий таъминот ҳуқуқларини амалга ошириш қандай хусусиятларга эга бўлади ?

2-БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.

2.1. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига оид тамойиллар ва уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида акс этиши.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанининг тамойиллари, яъни уни амалга оширилишига оид ғоялар, энг аввало, умумэътироф этган универсал халқаро ҳуқуқий стандартлар саналмиш БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”га, бошқа етакчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида” Фармонида⁸ қайд этиб ўтилганидек: “Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олти асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Палаталари Ахборотномаси. 2008., 5-сон, 253-модда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 25-моддасида ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишига ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган бўлиб, унда ижтимоий таъминотнинг барча асосий тамойиллари ўз ифодасини топгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг асосидаги миллий қонунчилик тизимимизга мансуб бўлган қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ижтимоий таъминот тамойиллари назарда тутиб қуйилган.

Ижтимоий таъминотни амалга оширишнинг энг етакчи тамойиллари Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, мамлакатимизда бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишга бағишланган илмий-назарий қарашларида баён этилган.

Жумладан, «...демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чоратадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин»лиги ҳақида

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ғоялари⁹ мамлакатимизда ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишидаги туб тамойилни ташкил қилди.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари умумҳуқуқий тамойиллардан ҳамда турли шакллардаги ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишига бевосита таълуқли бўлган ўзига хос тамойиллардан иборатдир.

Ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишида қонунийликка амал қилиш, камситишга йўл қўйилмаслик, инсонпарварлик, демократизм каби умумҳуқуқий тамойиллар сўзсиз амал қилади. Бу тамойилларнинг рўёбга чиқарилиши Республикамиз Конституцияси ва бошқа қонунлар билан тўла қафолатланган бўлиб, улардан қандайдир тарзда чекиниш инсон ҳуқуқларини поймол этилиши сифатида баҳоланади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан ташқари ижтимоий таъминот ҳуқуқининг ўзига хос, махсус тамойиллари ҳам мавжуд бўлиб, бу тамойиллар ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишига, у ёки бу шаклдаги ижтимоий ёрдам хусусиятларига ва бошқаларга тааллуқли бўлади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг махсус тамойиллари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Ижтимоий таъминотнинг умумийлиги ва кенг қамровли тусга эгаллиги. Бунда фуқароларни миллати, жинси, ижтимоий мавқеи ва бошқа фарқларидан қатъи назар муайян кўрсаткичлар мавжуд бўлгани тақдирда тенг асосларда ижтимоий таъминот олишлари тушунилади. Шунини қайд этиш қифояки, бугунги кунда уч ярим миллионга яқин фуқаролар давлат пенсиялари билан, юз минглаб оилалар ҳамда эҳтиёжманд фуқаролар нафақалар ва бошқа моддий ёрдамлар олмоқдалар, ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан улкан молиявий маблағлар сарфланмоқда.

⁹ Қаранг: Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 11-бет.

2). **Ижтимоий ҳимоянинг манзилли ва аниқ йўналтирилганлиги ҳамда боқмандлалikka йўл қўйилмаслиги.** Ижтимоий ҳимоя чоралари ўзининг саломатлиги аҳволи, ёши, оилавий шароити ёки бошқа объектив сабабларга кўра ўзини ўзи мустақил таъминлашга қодир бўлмаган, давлат ва жамият кўмагига мухтож бўлган ва мухтож деб топилган фуқаролар ва оилаларгагина кўрсатилиши мумкин.

Бозор муносабатлари чоғида ўз салоҳият ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаган ҳолда давлат ёрдамига кўз тикишга йўл қўйиб бўлмайди, Зероки, давлатнинг барча фуқароларни тенг ва ялписига ижтимоий таъминлаш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли меҳнатга яроқли фуқаролар энг аввало, ўз куч ва имкониятларига таянмоқлари лозим. Ижтимоий ҳимояни аниқ йўналтирилганлиги ва манзилли тарзда амалга оширилиши қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган¹⁰.

3) **Ижтимоий таъминот учун ажратиладиган маблағнинг етарли даражадалиги.** Яъни: пенсиялар ва миқдори белгиланиш пайтида турмуш кечириш учун зарур бўлган энг кам маблағ кўрсаткичи, истеъмол дастурхони таркибига кирувчи энг зарур маҳсулотлар ва хизматлар тўплами учун зарур бўлган маблағнинг энг кам даражаси эътиборга олинishi ушбу тамойил моҳиятини ташкил этади. Пенсияларнинг энг кам миқдорлари ва уларнинг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилиши ҳамда ушбу энг кам миқдордан кам бўлишига йўл қўйилмаслиги, вақти-вақти билан қайта кўрилиб, индексация қилиб турилиши орқали мазкур тамойил рўёбга чиқарилади.

Ижтимоий таъминотнинг етарли даражада бўлиши тамойили БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддаси, 1-бандида назарда тутилган: «Ушбу

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги ПФ – 3017-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами" 2002 й. 2-сон

Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарли озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиши ҳуқуқини эътироф этади» деган бош қоидага асосланади.

4) Ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг бевосита иштирок этишлари тамойили. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этилаётганлиги, кучли давлатчиликдан кучли жамиятга томон ривожланиб борилаётганлиги намоён бўлиши кўринишларидан бири – давлатга хос функциялар жамиятга ўткази борилаётганлигида, аввал давлат органлари бажариб келган вазифалар босқичма-босқич фуқаролар йиғинлари, бошқа жамоат органлари зиммасига юкланаётганлигида кўзга ташланади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўзининг дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан 1996 йил 27 декабрда бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек: «Давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар демократик тус олмақда. Давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ваколатлари кенгаймоқда. Уларнинг ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни тобора салмоқли ва фаол бўлиб бормоқда»¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди¹².

Бугунги кунда ижтимоий таъминотнинг амалга оширилишида корхона ва ташкилотлар, уларнинг меҳнат жамоалари, турли нодавлат-ноҳукумат жамғармалари, хайрия ташкилотлари, тадбиркор фуқаролар ва бошқа шахслар ҳам иштирок этиб келмоқдалар. Бу тенденциянинг тобора кучайиб

¹¹ Ислон Каримов. «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби». 5-китоб, Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 288-бет.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олдий Мажлисининг Ахборотномас. 1999 йил, 1-сон, 36-модда.

бориши башорат қилинмоқда. Бинобарин ожизларга раҳм-шафқат қилиш, ёрдам қўлини чўзиш, саҳоватпешалик, бағрикенглик ўзбек халқининг миллий хусусияти бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бебаҳо анъаналаримиздан, қадимий қадриятларимиздан саналади.

Бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, “Соғлом авлод”, “Она ва бола”, “Сихат-саломатлик йили”, “Оила йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили” ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

5) Мамлакатимизда хилма-хил шаклларда ижтимоий таъминотнинг амалга оширилиши тамойили. Ижтимоий таъминотга оид қонунчилик ҳужжатларида таъминот ҳар хил шаклларда, хусусан, пенсиялар, бир марталик моддий ёрдамлар, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, муайян имтиёзлар ва енгилликлар кўринишида амалга оширилиши назарда тутилган. Келгусида ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакллари янада хилма-хиллашуви, шаклан мукаммаллашиб бориши кутилмоқда.

Ижтимоий таъминотнинг қайси шаклда амалга оширилиши масаласи аниқ шарт-шароитлар ҳисобга олингани ҳолда қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Ижтимоий таъминотнинг асосий шакли пенсиялар ва нафақалар беришдан иборат эканлиги шубҳасиз ҳамда ижтимоий таъминотнинг ушбу икки шакли етакчи мавқеини сақлаб қолиши аниқ, аммо пенсия ва нафақалар ҳам шаклан такомиллаштириб борилиши табиий ҳолдир.

б) Ижтимоий таъминотни нодавлат, хомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилишининг давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланиши тамойили.

Одатда фуқаролар ижтимоий таъминот учун олдиндан бадаллар тўламайдилар (қонунда кўзда тутиб қўйилган ҳоллардан, яқка тадбиркор ва

деҳқон хўжалиги аъзоси бўлган фуқаролардан ташқари) ва ижтимоий таъминот бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Аммо, келгусида пенсия таъминоти тизимларида ислохотлар қилиниши натижасида фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобига параллел пенсия таъминоти тизимлари ҳам вужудга келтирилиши мумкин. Жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида ана шундай нодавлат ижтимоий таъминот тизимларининг мавжудлиги ва амал қилиб турганлиги, ҳозирда мустақил бўлган ҳамдўстлик давлатларининг баъзиларида ҳам шундай нодавлат пенсия таъминоти тизимларини барпо этилаётганлиги бизнинг мамлакатимизда ҳам келгусида ана шундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини истисно этмайди¹³.

7) Ижтимоий таъминотни амалга оширилиши устидан давлат ва жамоат назоратининг ўрнатилганлиги тамойили.

Ижтимоий таъминотга оид маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланиши, мақсадга мувофиқ ва тўғри сарфланиши, ижтимоий таъминотни амалга оширувчи давлат ҳамда жамоат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг қонунийлиги устидан умумий назоратни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ: «Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш» прокуратура органлари фаолияти йўналишларидан саналади¹⁴.

13 Жумладан, кейинги йилларда нодавлат манбаларидан ижтимоий таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтилмоғи лозим. Масалан, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 йил 2 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2005 й. 1-сон, 6-модда; “Ҳомийлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 02.05.2007 йил 2 майдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й. 5-сон, 218-модда

14 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун кужжатлари тўплами. 2001 йил, №20, 139-модда.

Прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари, усуллари ва воситалари юқорида эслатилган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги назорат қилиш функциясини амалга ошириш механизмлари идоравий меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади.

Ижтимоий таъминотнинг тўғри амалга оширилиши устидан таъсирчан ва самарали назорат ўрнатилиши бу соҳада қонунийликни таъминлаш, маблағларни ўз эгаларига етиб боришини таъминлашнинг асосий кафолатларидан саналади.

2.2. *Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбалари тушунчаси ва уларнинг таснифи*

Ҳуқуқ манбаи деганда ижтимоий муносабатларни давлат томонидан тартибга солинишида қўлланиладиган ҳуқуқий шакллар назарда тутилади. Давлат ҳуқуқ нормалари воситасида ижтимоий муносабатлар маромига, унда иштирок этаётган шахслар ҳул-атворига таъсир этади, ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларга ўзларига тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш, бу ҳуқуқларга учинчи шахслар томонида тажовуз қилингани тақдирда эса, уларни ҳимоя қилиш чоралари ва усулларни назарда тутди. Қонун давлат эркини қонун ҳужжатлари орқали моддийлашган ҳолда ифодаланиш шаклидан иборатдир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи оммавий ҳуқуқ соҳасига мансуб бўлгани туфайли унинг предмети жумласига кирувчи ижтимоий муносабатлар асосан давлат қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига корхона маблағлари ҳисобидан ижтимоий-моддий кўмак бериш билан боғлиқ муносабатлар уларнинг ўзлари томонидан қабул қилинган шартномавий йўсиндаги локал меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши мумкин.

Нодавлат маблағлари ҳисобидан ҳомийлар ва бошқа савоб талаб фуқаролар томонидан ижтимоий ҳимоя актларини амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва унинг асосидаги бошқа қонун ҳужжатларига биноан (шартномалар тузиш ва уларни ижро қилиш) тартбга солиниши мумкин.

Ижтимоий таъминот давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан амалга оширилганида барча учун мажбурий тусдаги қонун ҳужжатларига кўра тартибга солинади. Ҳуқуқ манбаи сифатидаги, шу жумладан, ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаи сифатида қонун ҳужжатларининг хусусиятлари, уларга қўйиладиган талаблар ва бошқа кўпгина масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган¹⁵.

Ушбу қонунга кўра ҳуқуқ манбаи деб белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатга айтилади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари жумласига қуйидагилар киради:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармоишлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

¹⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 8-модда

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳаммининг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни расмий нашрларда чоп этишлиши орқали амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

2.3. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари саналувчи қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига тавсиф.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ижтимоий – иқтисодий статусини белгиловчи, асосий ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқларни ўзида мустаҳкамловчи ва уларнинг амалга оширилиш кафолатларни назарда тутувчи олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат саналади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи ва унинг кафолатларини бевосита белгилайди . Конституциянинг бошқа кўпгина моддалари фуқаролар эркинликлари , шахс дахлсизлиги, фуқаронинг узвий ҳуқуқларидан саналмиш шахсий ва дахлсиз ҳуқуқларига оид нормаларни назарда тутуди ва улар ҳам ижтимоий таъминот ҳуқуқларини амалга оширилишида муҳим ўрин тутуди. Жумладан, Конституциянинг 18-моддасига кўра: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.

Конституциянинг 43-моддасига биноан эса “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ижтимоий таъминотга оид қонунчилик тизими шаклланиши ва ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий юридик замин бўлиб хизмат қилади.

2. Ижтимоий таъминотга оид қонунлар. Фуқароларни ижтимоий таъминотини амалга ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш қонунлар асосида амалга оширилади. Қонун олий юридик кучга эга ва ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган юридик ҳужжат сифатда

хуқуқлар ва уларнинг кафолатларини назарда тутати. Мамлакатимизда қонун устуворлиги тамойилига мал қилинади ва шу туфайли ҳеч бир қонуности ҳужжати қонунларга зид бўлиши мумкин эмас.

Фуқаролар ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси соҳасида қуйидаги қонунлар амал қилади:

а). **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Кодекснинг 16 боби** давлат ижтимоий суғуртаси ва ушбу манбадан ижтимоий таъминлашнинг асосий қонунларни назарда тутати. (1 параграфи - Умумий қонунлар (282-284-моддалар); иккинчи параграфи Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган (285-288-моддалар); учинчи параграфи пенсия таъминоти (289-294-моддалар) деб номланади.

б). **“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни**¹⁶. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган ва 1994 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилган. Таркибий тузилишига кўра у:

Муқаддима,

I Боб. Умумий қонунлар (1-6 моддалар)

II Боб. Ёшга доир пенсиялар (7-14 моддалар)

III Боб. Ногиронлик пенсиялари (15-18 моддалар)

IV Боб. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари (19-24 моддалар)

V Боб. Пенсияларни ва иш ҳақини ҳисоблаб

чиқиш тартиби (25-36 моддалар)

VI Боб. Иш стажини ҳисоблаб чиқариш (37-42 моддалар)

VII Боб. Пенсиялар тайинлаш (43-48 моддалар)

VIII Боб. Пенсияларни қайта ҳисоблаш (49-51 моддалар)

IX Боб. Пенсиялар тўлаш (52-67 моддалар) қисмлардан иборат.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 338-модда

Давлат пенсия таъминоти соҳасидаги асосий қонун сифатида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун бу соҳадаги барча асосий нормаларни белгилаб беради.

в). Ўзбекистон Республикасининг **“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни**¹⁷. Мазкур қонун 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган ва 2005 йил 1 январдан амалга жорий қилинган. Қонуннинг вазифаси фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Ушбу қонун ўз таркибий тузилишига кўра қуйидагича:

I. Умумий қоидалар (1-5-моддалар)

II. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш (6-15-моддалар)

III. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тартиби (16-23-моддалар)

IV. Яқунловчи қоидалар (24-27-моддалар).

г). **“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун. (Янги таҳрири).** Мазкур Қонуннинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан 2008 йил 11 июлда қабул қилинган.

Қонун ўз тузилишига кўра қуйидагичадир:

1-боб. Умумий қоидалар (1-8-моддалар)

2-боб. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш (9-11-моддалар)

¹⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 51-сон, 512-модда.

3-боб. Ногиронларни реабилитация қилиш (12-14-моддалар)

4-боб. Ногиронларнинг таълими ва уларни касбга тайёрлаш (15-22-моддалар)

5-боб. Ногиронлар меҳнати (23-25-моддалар)

6-боб. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш (26-31-моддалар)

7-боб. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари (32-34-моддалар)

8-боб. Яқунловчи қоидалар (35-36-моддалар).

Ушбу қонқунда ногиронларни ижтимоий таъминлаш ва уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш юзасидан қафолатлар назарда тутилган.

Мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра: “Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиши учун шароитлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларида ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини қафолатлайди”

Д). Ўзбекистон Республикасиинг **“Ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни**. Бу қонун 2007 йил 2 майда қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат¹⁸.

Ҳомийлик қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

18 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й. 5-сон, 218-модда

халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;

касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;

аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;

террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди.

Сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида ҳомийлик қилиш тақиқланади.

Қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни ҳомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ҳомийлик қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;

касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;

аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;

террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди.

Сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида ҳомийлик қилиш тақиқланади.

Қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни ҳомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Мазкур қонун тузилишига кўра қуйидаги кўринишга эга:

1-боб. Умумий қоидалар (1-5-моддалар)

2-боб. Ҳомийлик ташкилотлари (6-12-моддалар)

3-боб. Ҳомийликнинг амалга оширилишида давлатнинг иштирок этиши. Халқаро ҳомийлик фаолияти (13-18-моддалар)

4-боб. Яқунловчи қоидалар (19-23-моддалар)

е). **“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги қонуни¹⁹.

Ушбу Қонуннинг мақсади иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур қонунга кўра ҳодим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт.

Қонуннинг таркибий тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

1-боб. Умумий қоидалар (1-4-моддалар)

2-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш шартлари ва тартиби (5-11-моддалар)

19 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й. 4-сон, 137-модда

3-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товонини тўлаш (12-16-моддалар)

4-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (17-20-моддалар)

5-боб. Суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари (21-23-моддалар)

6-боб. Якунловчи қоидалар (24-27-моддалар).

Юқорида қайд этилган қонунлардан ташқари яна бир қатор қонунлар ҳам ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя маслаларига тааллуқлидир. (Масалан, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар.

3). *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари.* Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ижтимоий сиёсати рўёбга чиқарилишини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради. Иқтисодий ва ижтимоий тарақиёт суръатлари ва ислохотларимиз динамикасига мувофиқ бу соҳадаги муҳим янгиланиш ва ўзгаришларни ўз фармон ва қарорлари орқали рўёбга чиқаради. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳасида Ўзбекистон Республикаси Фармон ва қарорлари етакчи ўрин тутади ва туб бурилишлар амалга оширилаётганлигини англатади. Бундай Фармон ва қарорлар жумласига қуйидагилар киритилиши мумкин: 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги²⁰ Фармон; 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”ги фармони²¹ ва бошқалар.

4). *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.* “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ²² Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати - Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияснинг 98-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Аҳолини ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасида Вазирлар Маҳкамаси қонунларни ижро этиш механизмларини назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги ““Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 249-сонли қарори²³ билан давлат пенсияларини тайинлаш ва ҳисоблашга дойир норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

20 “Халқ сўзи”, 2009 йил 31 декабрь

21 “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 йил, 4-6-сон, 39-модда.

22 // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 138-модда

23 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. 1994., 5-сон 27-модда.

мажмуи тасдиқланди (қарорнинг иловалари). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 95-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори²⁴ ҳамда 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори²⁵ билан ижтимоий таъминот қонунчилиги соҳасида муҳим ўзгариш ва янгиланишлар жорий этилди.

5). Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига кўра: “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан

²⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 19-20-сон, 195-модда.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил, 37-сон, 377-модда.

биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин”.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминот соҳасида қонунларни ижро этилиши идоравий меъёрий ҳужжатлар воситасида таъмин этилади. Ижтимоий таъминотга оид идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар турли вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилиниши мумкин. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги етакчи ўринда туради.

Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотга оид қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган кўплаб идоравий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”²⁶; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1710-сон билан рўйхатга олинган “Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома”²⁷;

26 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 31-32-сон, 326-модда.

27 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 368-модда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 июлда 198-1-сон билан рўйхатга олинган “Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисидаги Тартибга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қарор²⁸ ва бошқалар.

6). Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 104-моддасига кўра ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади”

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни 6-моддасига кўра: “Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир”²⁹.

7). Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбаи сифатида. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация

²⁸ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 28-29-сон, 218-модда.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда

қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчилик тизимига имплементация қилиниши орқали ҳам, шунингдек, бевосита ҳам қўлланилиши мумкин ва шу сабабли улар ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбаи саналиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида кўрсатиб қўйилганидек: халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги сўзсиз эътроф қилинади ва миллий қонунчилик нормаси билан Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ўртасида рақобат пайдо бўлганида халқаро ҳуқуқий ҳужжатга устуворлик берилади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаи сфатида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида сўз борганда энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари стандартлари саналувчи ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Пакти, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Пакт ва унинг факультатив протоколлари, ва бошқалар назарда тутилади. Бундай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида қабул қилинган Битим ва Келиўувлар назарда тутилади.

Корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳмоялаш ва қўшимча ижтимоий таъминлаш мақсадида қабул қилинган ва жамоа шартномаси ва бошқа локал меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган нормалар ҳам ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари сифатида қаралиши мумкин.

2.3. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари саналувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вақт, фазо ва шахслар ўртасида амал қилиши

Қонун ҳужжатларининг вақт, ҳудуд ва шахслар ўртасида амал қилишига доир қоидалар юқорида қайд этиб ўтилган “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган.

Ижтимоий таъминот соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вақт, ҳудуд (фазо) ва шахслар орасида қўлланилади ҳамда ушбу муҳитларда амал қилиш хусусиятларини тўғри тушуниб етиш уларни ушбу тўғри татбиқ этилиши, қонунчиликни ушбу мустаҳкамланиши, хатолар олдини ушбу олинишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ижтимоий таъминот соҳасидаги қонун ҳужжатлари вақт доирасида кучга кирган пайтидан бошлаб бекор қилингунига қадар ёки унинг ўрнига бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингунига қадар амалда бўлади. Уларни ушбу вақт доирасида амалда бўлиши, кучга кириш вақти, бекор қилиниши ёки амал қилишининг тугатилиши масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда (26-модда) белгилаб қўйилган.

Ижтимоий таъминотга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар одатда Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амал қилади. Аммо унинг бевосита ўзида ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга киритиш тўғрисидаги қарорда унинг ҳудуд бўйича таъсири чекланиши мумкин (масалан, район коэффиценти қўшиб бериш ҳақидаги актлар фақат тегишли ҳудудларда қўлланилиши ва ҳоказо).

Ижтимоий таъминот муносабатларига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатлари шахслар ўртасида амал қилади ва бунда улар одатда барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эга бўлади.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасида:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий юридик

шахсларга, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади», дейилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида у қўлланиладиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин. Масалан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқи фақат жисмоний шахсларгагина тааллуқли, ёки бўлмаса, пенсия жамғармасига иш ҳақи фондидан бадаллар тўлаш мажбурияти фақат юридик шахсларгагина қўлланилади ва ҳоказо.

Ижтимоий-таъминотга оид қонун ҳужжатларини шарҳлаш – унинг мазмунини очиб бериш, ноаниқликлар юзасидан тушунтириш беришдан иборат. Уларни расмий шарҳлаш ва илмий шарҳлаш ўзаро фарқланади.

Ижтимоий таъминот соҳасидаги қонун ҳужжатларини расмий шарҳлаш «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида баён этилган. Расмий шарҳлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан ёки қонун ҳужжати қабул қилган давлат органи томонидан амалга оширилиши мумкин³⁰.

Қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш айрим олимлар, мутахассислар, илмий муассасалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Расмий шарҳлашдан фарқ қилиб, илмий шарҳлаш қоидалари мажбурий юридик кучга эга бўлмайди ва қонун мазмунини тўғри тушуниш, тўғри қўллашга ёрдам беришга қаратилади. Бундай норасмий шарҳлаш айрим ҳолларда суд органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

³⁰ Масалан, Қаранг: «Қарияларни кадрлаш йили» дастурига давлат дастурига шарқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 25 январ.

Ижтимоий таъминот тамойиллари. Ижтимоий таъминот олишнинг умумийлиги. Ижтимоий таъминот олшда камситишларга йўл қўйилмаслиги. Ижтимоий таъминотни амалга оширилишида жамоат назорати. Ижтимоий таъминотнинг ошкоралиги. Ижтимоий ҳимоянинг аниқ йўналтирилганлиги. Ижтимоий таъминот берилишида қонунчилик. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбалари. Ижтимоий таъминотга оид қонунчилик тизими. Президент фармонлари ва қарорлари. Ўзбекистон Ҳуқумати қарорлари. Ижтимоий таъминотга оид идоравий меъёрий ҳужжатлар. Ижтимоий таъминот соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи тамойилларига умумий тавсиф беринг.
2. Ижтимоий таъминотнинг умумийлиги деганда нима кўзда тутилади ?
3. Ижтимоий таъминотот ва ижтимоий ҳимоя тушунчалари нисбати қандай ?
4. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари бўлиб нималар саналади ?
5. Ижтимоий таъминот олш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида назарда тутилган ?
6. Фуқароларга пенсиялар тайинлаш ва тўлаш қайси қонунлар асосида амалга оширилади :
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун” ҳақида сўзлаб беринг.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид қайси фармон ва қарорларини биласиз?
9. Ижтимоий таъминот муносабатларини тартибга солинишида идоравий меъёрий ҳужжатлар қандай ўрин тутади ?
10. Пенсиялар ва нафақаларга оид қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз ?
11. Ижтимоий таъминотга оид қонун ҳужжатларининг вақт, ҳудуд ва шахслар орасида амал қилиши ҳақида сўзлаб беринг.

3-БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

3.1. *Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг умумий тавсифи.*

«Ҳуқуқий муносабатлар – давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, одатда, қонун нормаларининг кишилар хатти-ҳаракатларига таъсири натижасида юзага келадиган ва унинг қатнашчиларида субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир»³¹. Ушбу тариф ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган барча асосий хусусиятларни акс эттиради.

Юқоридаги тарифдан ҳуқуқий муносабатларга хос қуйидаги хусусиятларни англаб олиш мумкин:

а) ҳуқуқий муносабат, бу – инсонлар фаолияти, хулқ-атвори, эрки, истаги билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлардир;

б) ҳуқуқий муносабат – юридик ва жисмоний шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини рўёбга чиқариш натижасида юзага келувчи ижтимоий муносабатлардир;

в) ҳуқуқий муносабат – шахслар ўртасидаги иродавий, онгли муносабатдир;

г) ҳуқуқий муносабат – давлат томонидан, қонунлар воситасида муҳофаза қилинадиган муносабатлардир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатлар турли хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилади. Улар: давлат-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, молиявий-ҳуқуқий ва бошқа турларга бўлинади.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатлар ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг бир тармоғи бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий таъминот муносабатлари моҳият жиҳатдан давлат-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, бу муносабатларнинг юзага келишида қонун ҳужжатларида назарда

31 А. Саидов, У. Тожиҳонов. «Давлат ва ҳуқуқ назарияси». Т., «Адолат», 2001 йил, 254-бет.

тутилган асослар етакчи ўринни эгаллайди, яъни ана шундай асослар мавжуд эмаслиги томонлар эрки-хоҳишидан қатъи назар ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига монелик қилади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар – фуқароларни пенсиялар, бошқа ижтимоий ёрдамлар билан таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар ҳамда тартибларга мувофиқ равишда, тегишли юридик фактлар (муайян ҳолларда эса – юридик таркиб) мавжуд бўлганида ижтимоий таъминотни амалга оширувчи органлар билан фуқаролар (айрим фуқаро, оила) орасида вужудга келувчи қонунлар билан тартибга солинадиган ҳамда давлат томонидан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардан иборатдир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқига оид муносабатлар юзага келишига зарур юридик фактлар (юридик-фактик асос) мавжуд бўлганида таъминот олишга ҳақли бўлган шахснинг таъминот олишга қаратилган иродавий-онгли ҳаракати, ижтимоий таъминотни амалга оширувчи орган томонидан эса ушбу таъминотнинг берилишига қаратилган юридик актни содир этилиши сабаб бўлади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига асос бўладиган юридик фактлар – юридик оқибат келтириб чиқаришга лаёқатли бўлган иродавий-онгли ҳаракатлар ҳам, муайян воқеа-ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай юридик фактлар жумласига:

- а) муайян давр давомида меҳнат муносабатида бўлганлик – меҳнат стажига эгалик факти;
- б) ногирон бўлиб қолганлик факти;
- г) қарамоғида бўлганлик факти;
- д) меҳнатга яроқсизлик факти;
- е) касб касаллигига чалинганлик ёки ишлаб чиқаришда жароҳат олганлик факти ва бошқалар киритилиши мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий жараён, воқеликнинг бир кўриниши сифатида ўз элементлари таркибий қисмларига эга бўлади ва бу элементлар қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатнинг объектлари. Х. Т. Одилқориевнинг таъкидлашига кўра: «Ҳуқуқий муносабат таркибий тузилишининг зарурий қисмларидан бири – уларнинг объектидир. «Объект» – лотинча сўз бўлиб, мавзу деган маънони англатади. ҳар қандай ҳуқуқий муносабатнинг замирида ётган ҳаётий ҳодисаларни, нарса ва жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян вазифани ўтайди. Шу боис объектсиз, яъни ҳеч нарсага қаратилмаган, ҳеч нарсага таъсир кўрсатмайдиган ҳуқуқий муносабат бўлмайди»³².

Ҳуқуқий муносабат объектлари моддий бойликлар, номулкий-шахсий неъматлар, муайян мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат объекти бўлиб пенсиялар, ва бошқа ижтимоий ёрдамлар, турли имтиёзларга нисбатан фуқароларда бўлган ҳуқуқлар саналади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат таркибининг иккинчи муҳим элементи–бу муносабатнинг субъектлари қатнашчиларидир. ҲУҚУҚИЙ муносабатнинг субъектлари сифатида ҳар доим субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятларга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ўзи (ўз органлари ва муассасалари орқали) иштирок этади.

Шахс ҳуқуқ субъекти сифатида ҳуқуқий муносабатларда қатнаша олиши унинг ҳуқуқ субъектлик лаёқатига эга эканлигига боғлиқ бўлади. «Ҳуқуқий субъектлик - ҳуқуқ субъекти бўла олиш қобилиятидир. Ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий субъектлик ва юридик факт ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шарт-шароитлари ҳисобланади»³³.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатларда муносабат субъекти бўлиб қуйидагилар қатнашадилар:

32 «Давлат ва ҳуқуқ назарияси». Т., 2000 йил, 303-бет.

33 Саидов А., Тожиҳонов У . «Давлат ва ҳуқуқ назарияси». Т., «Адолат», 2001 йил, 264-бет.

1. Фуқаролар (тегишли ҳолларда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар);

2. Юридик шахслар (мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усулидан қатъи назар);

3. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тадбиркорлар, деҳқон хўжалигининг аъзолари;

4. Давлат (ўзининг ижтимоий таъминотни амалга оширувчи, ижтимоий таъминот тизимини бошқарувчи органлари, муассасалари орқали);

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

6. Оила – яхлит, бир бутун ҳолда.

Ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатлари ва муомала лаёқатлари, ваколатлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарликлари ҳажми фуқаролик қонунларида; корхоналарнинг Устав ва низомларида ва бошқа қонунчилик актларида белгилаб қўйилади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни учинчи элементни ташкил этади ва у муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда субъектив мажбуриятларидан ташкил топади. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни қонун ҳужжатларига кўра унинг субъектларига берилган ҳуқуқлар ҳамда ваколатлар, юклатилган мажбуриятларга кўра белгиланади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқий муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонунларга мувофиқ маъмурий усулда (юқори турувчи давлат ёки жамоат органи орқали) ёки суд тартибида ҳимоя қилиниши мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар мақсадга кўра:

а) ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган;

б) ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган;

в) ҳуқуқларни тан олишга – белгилашга қаратилган;

г) процессуал муносабатларга бўлиниши мумкин;

д) жавобгарликка оид муносабатлар.

Ижтимоий таъминотни амалга ошириш шакллариغا кўра эса бу муносабатларни:

1) Меҳнат стажи ва узоқ йиллик хизмат муддатини белгилашга оид муносабатлар;

2) Пенсия тайинлаш, тўлаш соҳасидаги муносабатлар;

3) тайинлаш ва тўлашга оид муносабатлар;

4) Фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатлар;

5) Ёлғиз фуқароларни қариялар уйи ва ногиронлар уйларига жойлаштириш, у ерда сақлаш-таъминлашга оид муносабатлар;

6) Аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёзлар ва енгилликлар бериш билан боғлиқ муносабатлар;

7) Ижтимоий таъминот сифатини, ижтимоий таъминот берилишида қонунларга амал қилинишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва бошқа муносабатларга бўлиш мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатларнинг ҳар бир турини ҳуқуқий тартибга солишга оид хусусиятлар тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутиб қўйилган.

3.2. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари. Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелда қабул қилган “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сонли Қарори³⁴га кўра аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстиришнинг ғоят муҳим омили сифатида унинг бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ушбу масалаларни ҳал этишда меҳнат ва

34 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 15-сон, 156-модда.

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ролини фаоллаштириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек улар фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадид ижтимоий таъминот органлари тизими ва уларнинг иш фаолияти такомиллаштирилди.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоялаш юзасидан ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб фуқароларга бу соҳада берилган ҳуқуқлар ва уларнинг амалга оширилиши жараёнида юз берувчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар саналади.

Ижтимоий таъминотни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларда турли-туман шахслар иштирок этадилар, уларнинг мақсади, иштирок этиш усуллари ва ҳуқуқий мақоми бир – биридан жиддий фарқ қилади.

Ижтимоий таъминотга оид муносабат иштирокчиларининг бу муносабатлар чоғидаги ўзига хос ўрни ва юридик статусини тўғри белгилаш қонунларни тўғри татбиқ этилишига, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олди олинишига ёрдам беради.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатлар оммавий ҳуқуқий муносабат бўлгани туфайли бу муносабатларда ваколатли давлат рҳлрганлари ўзига хос субъект сифатида иштирок этадилар.

Хозир амалда таркиб топган таркибий тузилишга кўра пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, ижтимоий ҳимоянинг натурал кўринишлари амалга оширилишида эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва уларнинг жойлардаги органлари етакчи ўринни эгаллайдилар. Фуқароларга ва оилаларга бевосита ижтимоий ёрдамни амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам юксак мавқега эгадир.

Булардан ташқари, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ муносабатларда таъминот олувчи субъектлар сифатида фуқаролар

(айрим фуқаро ёки оила), нодавлат-нотижорат ташкилотлари, корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Қуйида уларнинг ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

3.3. Фуқаролар (оила) ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти сифатида.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (18-модда) Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Ижтимоий таъминот соҳида фуқароларга тенг ҳуқуқ лаёқати берилган бўлиб, ёши, жимоний ва руҳий ҳолатидан қатъий назар тенг ҳуқуқ лаёқатидан фойдаланадилар. Тегишли ҳолларда ҳомила ҳолида бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинishi мумкин.(масалан, марҳум боқувчи тириклиги пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва у вафот этганидан сўнг тирик туғилган фарзанди).

Фуқароларнинг ижтимоий таъминот соҳидаги ҳуқуқлари вояга етганларидан сўнг бевосита ўзлари томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфали, шунингдек, жисмоний нуқсонлар мавжудлиги сабабли ўз ҳуқуқларини бевосита амалга ошираолмайдиган фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари уларнинг ҳомийлари, васийлари, қонуний вакиллари томонидан ишончномага асосан амалга оширилади.

Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатларда ҳам қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибга мувофиқ ишончнома асосида юридик ҳаракатлар содир этилиши мумкин.

Ўз характериға кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган битимни, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айна бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар ва ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Қуйидагилар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса - ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари;

озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамокда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари.

Хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш

муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган, шунингдек суд томонидан тайинланадиган муддат календар сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади.

Муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин.

Даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Умумий даъво муддати - уч йил.

Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, юқоридаги қоидалар махсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво кўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

Узилишдан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишгача ўтган вақт эса - янги муддатга қўшилмайди.

Даъво муддати қуйидагиларга жорий қилинмайди:

шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига;

мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга ҳамда қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга.

Фуқаролар суднинг қарорига кўра муомалага лаёқатсиз деб эълон қилинишлари (руҳий касал ёхуж ақли заиф бўлсалар), муомала лаёқати чекланиши (сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандлик касалига дучор бўлса) мумкин. Бундай ҳолларда суўнинг қарори билан ҳомий(васий) тайинланади ва уларга тегишли ҳуқуқ ва мжбуриятлар ҳойилар ёки васийлар томонидан амалга оширилади.

Жисмоний нуқсони борлиши туфайли (мас. кўзи ожизлиги, ҳаракатланаолмаслиги ва х.к.з) уз фуқуқларидан бевосита фойдаланишда қийналадиган фуқароларга нис батан ҳам ҳомий тайинланиши мумкин.

Фуқаролар ижтимоий таъминот соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан бевосита ўзлари ҳам, шунингдек, ўзлари танлаган вакиллар орқали ҳам фойдаланишлари мумкин. Бундай ҳолларда ваиллик белгиланган тартибда

расмийлаштирилган ваколатнома асосида амалга оширилади (оддий ёзма ёки нотариал гувоҳлантирилган шаклдаги ишончнома орқали). Ваколатноманинг шакли, расмийлаштирилш тартиби ва амал қилиш муддати қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ижтимоий таъминот олиш соҳасида ваколатномалар бериш чекланган муайян ҳоллар мавжуд бўлиши мумкин.

Вакиллик ва ваколатномага тааллуқли масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган (ФКнинг 10 боби(129-144-моддалар) бўлиб, вакил бўлолмайдиган фуқаролар доираси ҳам белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқ лаёқатлари ва муомала лаёқатларини қонунга зид равишда чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди ва ана шундай ҳаракатга йўл қўйган шахслар (мансабдор ёки оддий фуқаролар қонунга мувофиқ жавобгар қилинадилар.

Муайян ҳолларда ижтимоий таъминот олиш субъекти сифатида айрим фуқаро эмас, балки бутун оила ягона шахс сифатида ҳаракат қилиши мумкин ва бундай ҳолларда ижтимоий таъминот ёки ижтимоий ёрдам бутун оилага кўрсатилиши мумкин (мас. боқувчисини йўқотганлик пенсияси бундай пенсия олиш ҳуқуқига эга оила аъзоларига яхлит ҳолда тайинланади ва тўланади, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам яхлит ҳолда кўрсатилади ва хоказо.

Оиланинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги, шу жумладан, ижтимоий таъминот олқувчи субъектлар сифатидаги юридик мақоми Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти сифатида.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада

кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали кўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига кўра ижтимоий таъминот, пенсиялар, шунингдек, ижтимоий , компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча равишда қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклансин:

фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор

юрдик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори билан тасиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида НИЗОМ”га асосан амалга оширади³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга оширишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг йиғилишини таъминлаш, шунингдек ушбу маблағларнинг Жамғармага тўлиқ тушишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мустақил балансга, ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган гербли муҳрга эга бўлади.

Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлардан тушган маблағларни жамлаш йўли билан ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш, шунингдек маблағларнинг пенсиялар, ва компенсацияларни тўлашга мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш Жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

35 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 8-сон, 62-модда.

фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий суғуртага бўлган давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларини амалга ошириш;

республикада пенсия таъминотини янада такомиллаштириш;

мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни Жамғарманинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамида марказлаштирилган тартибда жамлаш;

пенсия ва компенсацияларни тўлаш харажатларини молиялаштириш;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни таъминлаш;

Жамғарма маблағларини кўпайтиришни ташкил этиш;

давлат ижтимоий суғуртаси соҳасида халқаро алоқаларни амалга ошириш, чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

Таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Жамғармани бошқариш кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Жамғармани бошқариш кенгаши мажлислари ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади.

Жамғарманинг Ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи директори, зарурат бўлганда, Ижро этувчи дирекция тузилмасига ходимларнинг умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Жамғарма даромадлари куйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тушумларининг белгиланган миқдори;

алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;

юримдик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;

фуқароларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари;

қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг товарлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан ажратмалари, шунингдек коммунал хўжалик тизими корхоналари учун фаолият хусусиятига кўра иссиқлик энергияси, сув ва табиий газнинг харид қиймати ҳажмлари чиқариб ташланган ҳолда. Бунда узоқ муддатли активлар ва ўзи фойдаланадиган бошқа мол-мулкни сотиш мажбурий маблағ ажратиш объектига киритилмайди.

Жамғарма маблағлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбурий ва ихтиёрий тўловлар, регресс тартибида қайтариб олинган маблағлар ҳисобидан ҳам шаклланади.

Ягона ижтимоий тўлов Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбаи саналади³⁶.

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

юримдик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юримдик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ва ишловчи фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 9 сентябрда 2262-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган “Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек, харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юримдик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил, 37-сон, 383-модда.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади

иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

- 1) компенсация тўловлари;
- 2) ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;
- 3) ходимнинг муҳим санаси, узоқ йиллик хизмати, жамоат фаолиятида эришган ютуқлари муносабати билан унга бериладиган рағбатлантириш тарзидаги тўловлар;
- 4) ходимга табиий офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан тўланадиган тўловлар;
- 5) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган тўловларга.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан:

Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи

якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари суғурта бадаллари миқдорини ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, қорамолларни етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон хўжалиklarининг аъзолари эса ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгилайди. Деҳқон хўжалиklarининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайди.

Тўлов қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

ягона ижтимоий тўлов – ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

суғурта бадаллари – иш ҳақиға пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳам тўлайдилар.

Нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар бундай тўловни тўовчилар саналмайдилар.

Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ставкалар ҳар йили келгуси йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тасдиқланиши чоғида белгилаб берилади. Жумладан, 2010 йил учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси иш ҳақи фондининг 25 фойизи, шундан 24,5 фойизи Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланиши назарда тутилган³⁷.

37 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилға Асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-1245-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрда “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли Фармонида ва юқорида қайд этилган Низомга биноан пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Пенсия жамғармаси зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш.

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия

жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

3.5. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий таъминот ҳуқуқининг субъекти сифатида

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланиб-чуқурлашиб боргани сари иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёни билан мутаносиб равишда давлат ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар амалга ошириб борилмоқда. Бу нарса, энг аввало, давлат фаолиятининг демократлашуви, кучли давлатчиликдан кучли жамиятга ўта борилаётганлиги, давлат органларига хос бўлган бир қатор функцияларни жамоат органларига топширилаётганлигида, нодавлат ташкилотларининг жамиятни идора қилишдаги мавқеи ва ваколати мунтазам равишда кучайиб бораётганлигида яққол кўзга ташланади. «Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов—нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириш, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак»³⁸.

Ижтимоий таъминот соҳасида ҳам давлат фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида жамият ролини кучайтиришга қаратилган катта ишлар амалга оширила бошланди ва бу тадбирлар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталаридан бошлаб авж олдирилган ялписига ижтимоий таъминлашдан аниқ йўналтирилган, аҳолининг ижтимоий заиф, кам таъминланган, бева-бечора қатламларига ёрдам беришга қаратилган ижтимоий таъминотга ўта борилиши тенденцияси бу масалада нодавлат ташкилотлари, турли ижтимоий жамғармалар аҳамиятини кескин оширишга олиб келди.

³⁸ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 йил, 10-11-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши билан 1997 йил 1 январдан бошлаб болали оилаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланиши ва тўланиши тартиби жорий этилди. Кейинчалик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ролини, айниқса аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги аҳамияти янада ошира борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонига кўра ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунига қадар уни парваришlash и, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифалари ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилди. Уларга ёш оилаларга моддий мадад кўрсатиш вазифаси ҳам топширилди.

1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан³⁹ уларнинг мавқеи янада оширилди. Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятidir.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидагилар саналади:
шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши) (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади);

39 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ақборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 110-модда.

фуқаролар йиғинининг кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия (бундан буён матнда маъмурий комиссия деб юритилади).

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олиниши керак.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғинининг ваколатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида белгиланган ва бу ваколатлар қаторига, шунингдек, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам ана шундай ваколатлар берилган.

Кейинги пайтларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари тобора кенгайтириб борилмоқда.

3.6. Ҳарбий органлар ижтимоий таъминот ҳуқуқининг субъекти сифатида. Корхона ва ташкилотлар, касаба уюшмаларининг ижтимоий таъминот муносабатларидаги иштироклари

Ҳарбий хизматчиларга пенсиялар тайинлашда давлат ижтимоий таъминот органлари билан бир қаторда ҳарбий органлар ҳам иштирок этишлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни 5-моддасига кўра: «Ҳарбий хизматчиларни, шунингдек, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади». Ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, умумий асосларда фуқаролик пенсияси олишни танлаш ҳуқуқи ҳам берилган.

«Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги 1990 йил 28 апрелдаги собиқ СССР қонунига кўра (1991 йил 1 январдан амалга киритилган) муддатли ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари ўзлари яшаб турган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига пенсия сўраб мурожаат қиладилар. Офицерлар, прапоршчиклар, мичманлар, муддатидан ташқари ҳарбий хизматчилар, Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара қўшинлари давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари тегишли вазирлик ёки давлат комитетининг пенсия бўлимларига мурожаат қилишлари лозимлиги белгиланган. «ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 52-моддасига кўра офицерлар, прапоршчиклар, мичманлар, муддатидан ташқари ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш органи Мудофаа вазирлиги ёки бошқа вазирлик ва давлат қўмитаси пенсия бўлимлари ҳисобланадилар.

Ушбу қонун асосида ҳарбий хизматчи хизматни ўтайдиган тегишли вазирликлар (Мудофаа, Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари), давлат қўмиталари (Давлат божхона хизмати, Миллий хавфсизлик хизмати) томонидан ўз идоралари ходимларига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш масалаларини белгилаб берувчи

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади ва шу асосда ушбу идоралар ҳарбий хизматчиларига пенсиялар тайинланади ҳамда тўланади⁴⁰.

Ҳарбий органларнинг пенсия таъминоти бўлимларининг юридик мақоми, ваколатлари ва иш олиб бориш тартиби тегишли идоравий норматив ҳужжатларга биноан белгилаб қўйилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар ўз ходимларини ижтимоий таъминлашда иштирок этадилар. Бундай иштирок этиш шакллари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган бўлиб, улар қўйидаги икки гуруҳга ажратилиши мумкин:

1) Бюджетдан ташқари пенсияжамғармаси органларига фуқароларнинг ижтимоий таъминотини амалга оширилишида кўмаклашиш;

2) ўз маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий таъминот тизимларида кўзда тутилганига қўшимча равишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси органларига аҳолини ижтимоий таъминлашда кўмаклашиш турли шаклларда амалга оширилади ва улар:

а) пенсия ёшига етган ва пенсия тайинлашликни сўраб мурожаат қилган ўз ходимларининг, уларнинг оила аъзоларининг ҳужжатларини тайёрлаш ва ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этиш;

б) муддатидан аввал пенсия тайинланишга кўмаклашиш, бундай пенсияларни ўз маблағлари ҳисобидан қоплаб бориш;

в) ишлаётган пенсионерларга пенсияларни тўлаш;

г) ишлаётган болали аёлларга тайинлаш ва тўлаш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар ходимлар вакиллик органи (қасаба уюшмалари) билан келишиб қабул қиладиган ички (локал) меъёрий ҳужжатларда (жамоа шартномаси, жамоа келишуви, бошқа локал

40 Қаранг: 1991 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички қўшинлар қарбий қизматчиларини ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари ва оддий ходимларини уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 21 декабрда рўйқатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пенсионерларига пенсия тўлашининг вақтинчалик тартиби».

хужжатлар) ўз ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини имтиёзлироқ шартларда, давлат ижтимоий таъминот тизимларида кўзда тутилганидан яхшироқ ёки бу тизимларда кўзда тутилмаган таъминот турлари билан таъмин этилишини назарда тутишлари мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 37-моддасига кўра, жамоа шартномасида иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари кўзда тутилиши мумкин ҳамда унда корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияга устамалар, муддатидан олдин пенсияга чиқиш ва бошқалар) киритилиши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар ногиронлар учун қўшимча иш жойлари яратиш, уларни иш билан таъминлаш орқали ҳамда бошқа кўплаб шаклларда ижтимоий таъминотни амалга ошириш фаолиятида иштирок этади.

3.7. Ижтимоий таъминот ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларда муддатлар ва уларни қўллаш.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид муносабат иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ноқонуний тажовузлар ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш бу ҳуқуқлар рўёбга чиқарилиши кафолатларидан бўлиб саналади.

Бундай ҳимояга барча иштирокчилар муҳтож саналади. Энг аввало қонунларга риоя қилиш устидан назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш йўли билан давлат ва жамият манфаатлари муҳофаза этилади. Давлат ўзининг ижтимоий муҳофазалашга қаратилган ижтимоий сиёсатини рўёбга чиқариш учун зарур молиявий маблағларни йўналтиради ва улардан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланишни ташкил қилади.

Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молиявий назорат олиб бориш ваколати берилган идоралари фаолияти туфайли ўз ҳуқуқларини ҳимоя этилиши таъминлайди.

Ижтимоий таъминот муносабатларида иштирок этувчи фуқаролар манфаатларини самарали ҳимоя қилиниши уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Ўзининг ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларини фуқаро ваколатли давлат органларига, жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиш йўли билан ҳимоя этилишини талаб қилиши мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқлар маъмурий-ҳуқуқий усулда ва суд тартибида ҳимоя этилиши мумкин. Бундай муносабатларда далаат молиявий маблағларидан ўринли фойдаланиш, уларни мақсадсиз ва нотўри фойдаланилишига йўл қўймаслик мақсади устувор бўлгани туфайли бузилган ҳуқуқларни маъмурий тартибда, яъни, Бюджетдан ташқари пенсия фонди масъул ҳодими ёки давлат органлари устидан юқори турувчи мансабдор шахс ёхуд органга шикоят аризаси билан мурожаат қилиш йўли билан ҳимоя этилиши назарда тутилган.

Шикоят бериш тартиби ва уни кўриб чиқиш муддатлари қонун ҳужжатларидан белгиланади⁴¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (44-модда) “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя этилиши юзасидан шикоят-ариза ёки даъво аризаси билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 48-моддасига кўра: “Пенсия тайинлаш

41 Қаранг: “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 9-сон, 183-модда

тўғрисидаги қарор устидан шикоят туман (шаҳар) судига берилиши мумкин”. Судга мурожаат қилиш тартиблари ва муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

Айрим ҳолларда қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи назарда тутилмайди ва бундай ҳоллар қарор ваколатли коллегиял орган томонидан қабул қилиниши билан боғлиқ бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ” нинг 18-бандига кўра “Моддий ёрдам тайинлаш рад эитлган тақдирда йиғилиш баёнида унинг асосланган сабаблари қайд этилади ва бу ҳақда фуқаролар йиғини (йиғилиш) ёки комиссия йиғилиши қарори устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайди”⁴².

К А Л И Т С Ў З Л А Р. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат. Ижтимоий таъминотга оид муносабат элементлари. Ижтимоий таъминот муносабатнинг объекти ва субъекти. Ижтимоий таъминот ҳуқуқида юридик фактлар. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролар ва оила. Махсус ваколатли давлат органлари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти. Харбий органлар ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъекти. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларни нг келиб чиқиши ва уларнинг турлар. Ижтимоий таъмино ҳуқуқида субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиниши. Ижтимоий таъминотда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати.

НАЗОРАТ САВОЛЛАР:

1. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатнинг мақсад ва вазифалари қандай ?
2. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш асослари нималардан иборат ?
3. Юридик факт нима ва унинг ижтимоий таъминот ҳуқуқидаги ўрни қандай ?
4. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат объектлари нималардан борат ?
5. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат субъектлари кимлар бўлиши мумкин ?
6. Фуқаролар ва оиланинг ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъектилиги қандай ўзига хос жиҳатлар билан тавсифланади ?
7. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳуқуқий мқоами қандай ?
8. Нодавлат пенсия таъминоти нима ?
9. Жамғариб болиладиган пенсия ҳақида нималарни биласиз ?
10. Ижтимоий таъминотга оид муносабатларда ҳуқуқларни ҳимоялаш қандай ўзига хос жиҳатларга эга ?

⁴² Ўзбекистон Республикаси Хуқумати қорларни тўплами. 1994., 8-сон, 40-модда.

4-БОБ. НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ.

4.1. *Нодавлат пенсия таъминоти ва уни ривожлантириш истиқболлари.*

Фуқаролик жамияти барпо этилар экан, давлат функциялари босқичма-босқич нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказила борилиши тараққиётимизнинг узвий бўлаги, зарурий босқичи сифатида тасаввур қилиниши лозим.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилиниш вазифаси илгари сурилар экан, унинг бош мақсади - тараққий топган давлат, ўз кўрсаткичлари бўйича ривожланган мамлакатлардан қолишмайдиган жамият қуриш, фуқароларимиз учун юксак турмуш шароитларини таъминлаш, ҳар бир инсонга ўз ақлий ва жисмоний салоҳиятини тўла юзага чиқариши имкониятини яратишдан иборат эканлиги аниқ – равшан белгилаб қўйилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун” деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг иқтисодиёт, сиёсат, давлат- ҳуқуқ ва суд соҳасида амалга оширилаётган барча ўзгариш ва ислоҳотларимиз пировард натижада ягона мақсадга – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур имкониятлар яратишга қаратилиши даркор”.⁴³

43 Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т. Ўзбекистон. 2007. , 46 б.

Ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат функциялари босқичма-босқич жамият зиммасига ўтказилиши жараёнларининг жадаллашганлиги, бунда маҳалла комитетлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамияти ортиб бораётганлиги ижтимоий ёрдам кўрсатиш усуллари янада такомиллаштириш, янги ҳуқуқий воситалардан кенгроқ фойдаланишликни тақазо қилмоқда.

Нодавлат тузилмалар, жамоат бирлашмалари, хорижий хайрия ташкилотлари ва айрим хусусий фуқаролар томонидан пул ёки натурал шаклда хайри- эхсон ёрдами кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ равишда турли органлар, ташкилотлар, шахслар ўртасидаги низолар ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар, ижтимоий ҳимоя олувчилар билан ёрдам кўрсатувчи органлар ўртасидаги низолар, қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам ушбу муносабатлар қаторига киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида бутун аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш йўли тutilди. Бунда нархлар ошишини компенсациялаш, энг муҳим озиқ-овқат товарлари нархини энг паст даражада ушлаб туриш, талонлар воситасида тарқатиш каби йўллардан фойдаланилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бозор шароитлари талабларига мослашмаган, боқимандалик кайфиятларидан халос бўлиб улгурмаган аҳолини қашшоқлашиб кетишининг олди олинди, мамлакатда тинчлик – осойишталик ва барқарорлик таъминланди.

Бугунги кунда амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасидаги ислохотларимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминлаш юзасидан туб ўзгаришлар қилиниши долзарб бўлиб турган вазифалар жабҳасига киради. Бунда аҳолининг муҳтож табақалари ижтимоий ҳимоясида, эҳтиёжманд шахслар ва оилаларни моддий-ижтимоий қўллаб – қувватлаш ишларида нодавлат тузилмаларини, уларнинг молиявий маблағларини фаол жалб этиш, муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш нафақат

давлат, балки бутун жамият олдида турган долзарб вазифа эканлиги чуқур англономоғи лозим. Шунга кўра ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот жараёнида нодавлат субъектлари иштироки даражаси, уларнинг бу соҳадаги ҳуқуқий мақом, бундай ҳайрли ишларда қатнашганлари учун давлат ва жмият томониан амалга ошириладиган рағбатлантириш тадбирлари, нодавлат маблағларини ва нодавлат субъектларини ҳокимият органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан мажбурлаш йўли билан ноқонуний ижтимоий ҳимоялаш ишларига жалб этганлик учун жавобгарлик чоралари билан боғлиқ норма ва қоидалар ишлаб чиқилиши, мавжудлари эса замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиши керак.

Нодавлат ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий таъминоти шакллари ривожлантирилишида бундай ҳайрли ишда иштирок этувчи шахслар доирасини, улар иштироки усулларини ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларни барпо қилиниши айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

5. Нодавлат ижтимоий ҳимояси тараққий топдирилишида жаҳонг тажрибаси ва илғор мамлакатларнинг бу соҳада эришган ютуқлари эътиборга олингани ҳолда пенсияларнинг ва моддий – ижтимоий таъминлашнинг нодавлат шакллари кенг жорий қилиниши, бу соҳадаги ҳуқуқий база такомиллаштирилиши ва узлуксиз ривожлантирилиши лозим.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ташкилотлари ва ҳайрия бошқа ҳайрия жамғармаларининг маблағлари фаол ишга солинмоғи ташкилотларининг («Наврўз», «Маҳалла», «Меҳр-шафқат» ҳамда керак. Ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотларининг, турли ҳайрия жамғармаларининг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи лозим.⁴⁴

⁴⁴ Қаранг: Қаримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин». Т., «Ўзбекистон». 1994 йил, 54-бет.

4.2. *Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти субъектлари.*

Мамлакатимизда пенсия қонуночилиги ислоҳ қилиш ва янги пенсия турларини жорий қилиш мақсадида 2005 йил 1 январдан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия таъминоти шакли жорий қилинди⁴⁵.

Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга ва давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлган муносабатларда пенсия тўловларини олувчи фуқаролар (ҳисоб рақами эгаси ёки унинг ворислари, қонуний вакиллари ва бошқалар), бадал тўланишини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар, Халқ банки муассасалари иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий мақоми қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

⁴⁵ Қаранг : "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 51-сон, 512-модда.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;

жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларининг ҳолати тўғрисида, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳақида ахборот олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банкининг мазкур тўловчи олдидаги мажбуриятларини бажаришига таъсир қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

Халқ банки:

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Халқ банки:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Нодавлат пенсияси. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун. Нодавлат пенсия жамғармаси. Халқ банкидаги жамғариб бориладиган маблағ. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси. Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаш. Давлат ва нодавлат пенсия таъминоти. Жамғариб бориладиган пенсияни олиш ёки мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нодавлат пенсия таъминоти нима ва у давлат пенсия таъминотидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади ?
2. Нодавлат пенсия тизимининг ривожланиш стикболлари ҳақида нималарни биласиз ?

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жамғариб бориладиган пенсиялар тўғрисида”ги қонуни тавсифлаб беринг.
4. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти муносабатлаининг субъектлари кимлар ?
5. Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари нима ва у ким томонидан тўланади ?
6. Жамғариб иладиган пенсия маблағлари қаерда сақланади ва ким томонидан ҳисоб-китоб қилиб борилади ?
7. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ким томонидан осилади ?
8. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасидан маблағни олиш асослари ва тартиби қандай ?
9. Ўзбекистон Республикасининг жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва тўлаш юзасидан ваколатлари қандай ?
10. Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини пенсионерлар ёки уларнинг ворислари томонидан тасарруф қилиниш тартиби қандай ?

5-БОБ. МЕХНАТ СТАЖИ ВА ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДА УНИНГ АҲАМИЯТИ.

5.1. Меҳнат стажини тушуниш ва унинг турлари.

Фуқароларга ижтимоий таъминот бериш мезонларидан бири-меҳнат стажидир. Иш стажини деганда ходим учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланиши шартин билан амалга оширилган меҳнат ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий фойдали фаолият даври (вақти) назарда тутилади.

Меҳнат стажини, унинг миқдори ва сифати фуқарога ижтимоий таъминот берилишида муҳим ўрин тутувчи омил бўлиб саналади. Меҳнат стажини одатда фуқаронинг корхона ёки ташкилотдаги меҳнат фаолият давридан иборат бўлади.

Умумий ва **махсус** меҳнат стажлари мавжуд бўлади.

Ҳар қандай иш даври, шунингдек, қуйидаги вақтлар ҳам умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади ва пенсия таъминотида ҳисобга олинади:

а) Агар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш;

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра

жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намоёиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан яқка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан 3 йил доирасида (Бола парваришlash таътили берилгани =аидаги иш берувчи буйру-идан қсчирма таъдим этилиши шарти билан);

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг

хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинландиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб амалга оширилади.

Махсус меҳнат стажи деганда эса имтиёзли шартларда ижтимоий таъминот (пенсия билан таъминланиш) ҳуқуқини берадиган ишлар, касблар, вазифаларда ишлаган давр назарда тутилади. Жумладан, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250 сонли қарори билан “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар Рўйхати тасдиқланган бўлиб, ана шундай ишларда ишлаган даврлар махсус иш стажига, яъни, имтиёзли шартларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини берувчи даврларга қўшиб ҳисобланади⁴⁶.

5.2. *Меҳнат стажини ҳисоблаш.*

Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида

⁴⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1994., 5-сон, 27-модда.

НИЗОМ”нинг⁴⁷ 1-бандига кўра: “Меҳнат стажи иш, хизмат, ўқиш жойидан ёки иш стажига қўшиб ҳисобланадиган бошқа фаолият амалга оширилган жойдан, ёхуд архив муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар асосида аниқланади.

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш-уч ҳисса баробарида;

б). Ватан уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майга қадар) мамлакат ичкарисида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш-икки ҳисса баробарида;

в) имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган-эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил-икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вирусини билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш-икки ҳисса баробарида;

д) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши-бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда катагон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва хибсда сақлаш жойларида турган вақти-бир ярим ҳисса баробарида

Меҳнат дафтарчаси, шунингдек, Пенсия жам-армаси органлари томонидан берилган суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

⁴⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1994., 5-сон, 27-модда

Чет элда ишланган даврлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

Меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда ҳамда меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки ёзувлар хато ва ноаниқ ёзилган бўлса, меҳнат стажини тасдиқлаш учун (иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар стажини бундан мустасно) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва ведомостлар, уларнинг бажарганлиги қайд этилган ёзма меҳнат шартномалари (контрактлар) ва иш даврлари тўғрисида маълумотлар бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, меҳнат стажини исботлаш учун касаба уюшмаси билетлари ва ҳисоб-китоб дафтарчалари қабул қилинади. Ҳисоб-китоб дафтарчалари иш ҳақи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилган вақт учун, касаба уюшмасига аъзолик билети эса иш ҳақи ёки стипендиядан аъзолик бадаллари тўланганлиги тўғрисида белги қўйилган вақт учун иш даврини тасдиқлайди.

Касаба уюшмасига аъзолик билети бўлмаган тақдирда, стаж ҳисобга олиш варақаси асосида аниқланиши мумкин, бунда фақат аъзолик бадаллари тўланган вақт стажга киради.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг меҳнат стажи Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича аниқланади.

Меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса (иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар бундан мустасно) иш даври гувоҳларнинг кўрсатмаси асосида аниқланади”.

Меҳнат стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва зарур даражада расмийлаштирилганлигини ҳуқуқий баҳолаш, зарурат бўлганда уларни беришнинг асосланганлигини текшириб кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш; зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини стажга қўшиб ҳисоблаш ёки олиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилиш; гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида иш стажини аниқлаш; айрим шахсларни парваришлаганга кетган вақтни аниқлаш Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг ваколатига киради

Табиий офатлар, ҳалокатлар, фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман йўқотилган ҳолларда меҳнат стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Қисман сақланиб қолган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида қайд этиб ўтилган комиссиялар томонидан аниқланган меҳнат фаолияти даврлари умумий стажга, шунингдек, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи махсус ҳужжатлар билан тасдиқланган иш вақти сифатида стажга қўшилади.

Мавжуд иш стажи тўғрисида маълумотлар бўлмаган ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, ҳалокатлар, фалокатлар ва бошқа фавқулодда

вазиятлар муносабати билан уларни олиш имконияти бўлмаса, меҳнат стажи, шу жумладан, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажи ариза берувчини бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалиги ёки бир тизимда у билан бирга ишлаган ва уни билган камида икки гувоҳнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Архив маълумотлари йўқлиги сабабларидан қатъи назар, мавжуд иш стажи тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган ҳолларда 1965 йилгача жамоа хўжалигида ишлаш даври юқоридаги тартибда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланади.

Умумий меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишнинг характери гувоҳларнинг кўрсатмалари билан белгиланмайди.

Меҳнат фаолиятини тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар мансабдор шахслар томонида имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ушбу дафтарчани тўлдириш ва юритиш пайтида амал қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнат дафтарчаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

Меҳнат дафтарчаларидаги ва бошқа ҳужжатлардаги ёзувлар белгиланган қоидалардан четга чиққан ҳолда амалга оширилган ҳолларда уларни меҳнат стажининг исботи сифатида қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масала Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими томондан ҳал этилади.

5.3. Айрим турдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнат стажини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш⁴⁸.

48 Қаранг : Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига

Тадбиркор давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш билан бир пайтда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадал тўловчи сифатида давлат ижтимоий суғурталанадиган шахсга айланади

Тадбиркор ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланиш ва ижтимоий суғурта бўйича нафақанинг ўзи истайдиган миқдоридан келиб чиқиб Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайди. Бироқ, энг кам миқдори ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорни, ёшига оид пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган тадбиркорлар учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Суғурта бадаллари тўланишининг ҳисоби умумий белгиланган тартибда тадбиркорнинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларида юритилади.

Меҳнат дафтарчаси тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида унинг мазкур тумандаги (шаҳардаги) тадбиркорлик фаолиятининг бутун муддати мобайнида сақланади ва юритилади.

Агар фуқаро тадбиркорлик фаолияти бошлангунга қадар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган бўлса, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси очади.

Агар тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун ўриндошлик ҳисобланса, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юритилади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик билан ўриндошлик бўйича шуғулланувчи шахснинг хоҳишига кўра меҳнат дафтарчасига тадбиркор сифатидаги фаолият даври тўғрисидаги ёзув киритилиши мумкин. Ёзув рўйхатдан ўтказиш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан киритилади.

Тадбиркорнинг меҳнат стажига у Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлар киритилади.

Пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда, агар тўланган бадаллар суммаси ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам бадалдан кам бўлмаса (тўланган пеняларни ҳисобга олмаган ҳолда), стажга календарь йил қўшилади.

Тадбиркорнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланишидан қатъи назар пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади.

Тўлиқ календарь йил мобайнида тадбиркорнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўлган ҳолларда, агар мазкур йилда бадаллар камида 9 ой мобайнида тўланган бўлса стажга календарь йил қўшилади.

Меҳнат дафтарчаси бўлмаган ёки йўқотилган тақдирда тадбиркорнинг пенсия ёки ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлаш учун зарур бўлган иш стажи ҳисобга олиш карточкаси ёки ҳисобга олиш дафтардаги ёзувлар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Тадбиркор сифатидаги иш фаолияти ва унинг давомийлиги гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

2. Деҳқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори билан тасдиқланган “Деҳқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисида НИЗОМ” гп кўра⁴⁹ Деҳқон хўжалиги аъзолари ихтиёрийлик асосида ижтимоий суғурта қилинади.

Мазкур Низом қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлган деҳқон хўжаликлари аъзоларига татбиқ этилмайди.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й. . 15,16 -сон

Ижтимоий суғурталаниш хоҳишини билдирган деҳқон хўжалиги аъзоси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадал тўловчи сифатида давлат солиқ хизмати органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши шарт.

Деҳқон хўжалиги аъзоси ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланиш ва ижтимоий суғурта бўйича НАФАҚАнинг ўзи истайдиган миқдоридан келиб чиқиб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайди, бироқ суғурта бадалларининг энг кам миқдори бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши керак.

Меҳнат дафтарчаси деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат дафтарчаси деҳқон хўжалиги аъзоси рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида у суғурта бадаллари тўлайдиган бутун муддат мобайнида сақланади ва юритилади.

Агар деҳқон хўжалиги аъзоси суғурта бадаллари тўлаш бошлангунга қадар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган бўлса, ижтимоий таъминот бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга меҳнат дафтарчаси очади.

Агар деҳқон хўжалигида ишлаш фуқаро учун ўриндошлик ҳисобланса, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юритилади.

Деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажига у Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлар киритилади.

Пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда, агар деҳқон хўжалиги аъзоси ушбу йилда 12 ой ишлаган ва камида 9 ой бадал тўлаган бўлса, стажга календарь йил кўшилади.

Деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат дафтарчаси бўлмаган ёки йўқотилган тақдирда пенсия ёки ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлаш

учун зарур бўлган иш стажи ҳисобга олиш карточкаси ёки ҳисобга олиш дафтаридаги ёзувлар асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Дехқон хўжалиги аъзоси томонидан суғурта бадаллари тўланиши ва унинг қанча давом этганлиги гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

3. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сонли“ 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори⁵⁰ га кўра шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида уй хўжалиги аъзоларининг мулки бўлган ёки ижара шартларида олинган қорамолни боқишни ҳамда чорвачилик майда товар маҳсулотлари етиштиришни ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотишни амалга оширувчи меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар банд ҳисобланадилар ҳамда уларга агар улар иш берувчилар билан меҳнат муносабатларида турмаса ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган хусусий тадбиркорлар ҳисобланмаса ёхуд ўқув юртларида ўқимаса уларга белгиланган намунадаги меҳнат дафтарчаси очилади (юритилади).

Ушбу шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорда суғурта бадаллари тўланган тақдирда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлинган даврлар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади.

⁵⁰ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 17-сон, 141-модда.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқароларга меҳнат дафтарчаси бериш туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан амалга оширилади.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларидан олинган маълумотлар асосида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган бадалларни ҳисобга олиш давлат солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, ушбу банд бўлинган даврларнинг пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига ҳисобланишини хоҳловчи шахслар яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчилар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган шахсларга меҳнат дафтарчаси мазкур шахснинг яшаш жойидаги меҳнат органи томонидан, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқароларнинг шахсий аризаси асосида очилади.

Меҳнат дафтарчаси очиш учун фуқаро паспортини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномани шахсан кўрсатади.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсга меҳнат дафтарчаси очиш ва бериш тўғрисидаги маълумотлар Бандликка кўмаклашиш марказида юритиладиган, номерланган ва ип ўтказиб тикилган, меҳнат дафтарчалари бериш маҳсус дафтарларида қайд этилади, унда меҳнат дафтарчаси берилган шахснинг фамилияси, туғилган санаси ва уй манзили, меҳнат дафтарчасининг давлат серияси ва тартиб рақами, шунингдек унинг берилган санаси кўрсатилади.

Меҳнат дафтарчасига эга бўлган (аввал меҳнат фаолияти билан шуғулланган) шахслар учун фаолиятнинг кўрсатилган тури билан бандлик тўғрисидаги ёзувлар туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқаро бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия таъминотининг хоҳланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгилайди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар тўлашнинг шахсий ҳисоби Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахслар томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар тўланганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида амалга оширилади.

4. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа корхоналари тракторчилари-машинистлари учун тўлиқ дала иши давомида (деҳқончиликда) ёки бутун йил мобайнида (чорвачиликда) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ишида бевосита банд бўлганлик тўғрисида;

Илгари амал қилган конун ҳужжатларига мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши ижроия қўмитаси ҳузурида ташкил этилган имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи иш стажини аниқлаш бўйича вақтинчалик комиссия баёни асосида меҳнат дафтарчасига киритилган иш даври тўғрисидаги ёзувлар қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмаган ҳолда махсус стажнинг исботи сифатида қабул қилинади.

5. Учувчилар ва синовчи учувчилар таркибига кирувчи ходимларнинг айрим тоифаларига имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи махсус иш стажини белгилаш тартиби куйидагилар билан тасдиқланади:

учувчилар ва синовчи-учувчилар таркибига кирувчи ходимлар учун - учиш (парашют) дафтарчаси бўйича. Учиш дафтарчаси бўлмаган тақдирда учиш соатлари учувчилар таркибининг учиш соатларини ҳисобга олувчи бухгалтерия маълумотлари бўйича аниқланиши мумкин. Синовчи-учувчилар таркибига кирувчи айрим ходимларнинг тажриба техникасини синашда иш билан бандлиги корхоналар (бирлашмалар) ва ташкилотлар томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича тасдиқланади;

ҳаво ҳаракатини бошқаришни амалга оширувчи ходимлар учун - меҳнат дафтарчаси бўйича, шунингдек, куйидагилар асосида: ҳаво ҳаракатини бевосита бошқаришга рухсат берилганлиги қайд этилган ҳолда ҳаракат хизмати диспетчери (учишлар раҳбарлари)нинг гувоҳлиги; мутахассисни ҳаво ҳаракатини бевосита бошқариш билан божлиқ лавозимга тайинлаш тўжрисидаги буйруқлар кўрсатилган ҳолда корхоналар (ташкилотлар)нинг маълумотномалари;

авиациянинг муҳандис-техниклар таркибига кирувчи ходимлар учун - меҳнат дафтарчаси бўйича, шунингдек, корхоналар (бирлашмалар) ва ташкилотлар томонидан ҳаво кемалари ва бошқа учиш аппаратлари шошилиш ва даврий (кафолатли) аэродром-техника хизмати кўрсатиш бўйича ишларда тўлиқ иш куни бевосита банд бўлганликни тасдиқлаш учун бериладиган маълумотномалар асосида⁵¹.

6. Театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари ва жамоалари артистларининг айрим тоифаларига имтиёзли пенсия таъминоти олиш ҳуқуқини берувчи махсус иш стажини меҳнат дафтарчаси бўйича тасдиқланади.

Меҳнат дафтарчасида касб (лавозим)нинг номи, жанр бўйича тегишлилиги, бажариладиган иш характери ёки ишланган ташкилотнинг

мақоми тўжрисидаги зарур маълумотлар бўлмаган ҳолларда махсус стаж иш жойидан берилган ва ушбу шахсга тегишли маълумотлар бўлган маълумотнома асосида тасдиқланади.

7. Меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ва меҳнат дафтарчаси бўлмаган шахслар. 1991 йил 1 январгача фуқароларда меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ва меҳнат дафтарчаси бўлмаган шахслар (уй ходимлари, энагалар, котибалар, машинкада кўчирувчилар, стенографисткалар, қоровуллар, божбонлар, шофёрлар ва бошқалар)га нисбатан уларнинг уй хўжалигидаги иш даври иштирокида ишга ёлловчи билан ходим ўртасида шартнома тузилган касаба уюшмаси ташкилотининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

Бундай маълумотномаларни олиш имкони бўлмаган ҳолларда (жумладан, айрим фуқароларда ишлаш касаба уюшмаси органларида рўйхатга олинмаган ҳолларда ҳам) стажни тасдиқлаш учун ишга ёлловчи томонидан берилган маълумотномалар қабул қилинади, вафот этган тақдирда - ишга ёлловчининг рафиқаси ёхуд ушбу даврда у билан бирга яшаган унинг бошқа оила аъзоси (бу вақтда вояга етмаган бўлган қариндошлардан ташқари) томонидан берилган маълумотнома қабул қилинади.

Маълумотномани берган шахс имзосининг ҳақиқийлиги маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой органи) фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

Қайд этиб ўтилган маълумотнома текшириш далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши керак. Текшириш далолатномаси тегишли бажарилганлигидан гувоҳлик берувчи маълумотлар (кўшнилари кўрсатмалари, уй дафтарлари ва маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул ва бошқалар фуқароларининг йиғини ҳужжатлари бўйича маълумотлар) асосида ижтимоий таъминот бўлими томонидан тузилади.

8. Подачи бўлиб ишлаганлик. 1991 йил 1 январга қадар фуқаролар жамоаси - чорва моллари эгалари билан тузилган шартнома бўйича подачи

бўлиб ишлаганлик ҳақидаги иш стажининг исботи сифатида иштирокида шартнома тузилган касаба уюшмаси ташкилотларининг маълумотномалари, бажарилганлиги қайд этилган шартномаларнинг ўзи, шунингдек, фуқаролар жамоаси - чорва моллари эгаларининг ваколатли вакиллари томонидан берилган ва текшириш далолатномаси билан тасдиқланган маълумотномалар ҳисобланади. Шартнома маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул фуқароларининг йижини иштирокида тузилган ҳолларда бу йиғинларнинг маълумотномалари эътиборга олинади.

Юқорида қайд этилган ходимларга меҳнат фаолияти стажи 1991 йил 1 январдан кейин фақат Пенсия жамжармаси органлари томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича, 2001 йил 1 январдан кейин эса - ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича белгиланади.

8. *Меҳнат шартномаси (контракт) бўйича чет элда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш стажи* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белгиланади

Чет элда ишлаш даври, агар тегишли битимлар билан ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, белгиланган сужурта бадаллари Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамжармасига тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.

Диний ташкилотларда 1991 йил 1 январгача меҳнат шартномаси бўйича ишлаш даври бу ишни бажариш тўғрисидаги меҳнат шартномаси касаба уюшмаси органлари иштирокида тузилган ҳолларда меҳнат стажига қўшилади.

5.4. Узоқ йиллик хизмат даври ва унинг пенсия таъминотини амалга оширилишидаги аҳамияти.

Давлат хизматининг муайян турлари билан банд бўлган фуқаролар, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда маълум лавозимда ёки фаолиятнинг муайян тури билан банд бўлингани ҳолларда бу лавр

меҳнат стажига ҳисобланишжан ташқари қўшимча имтиёзлар берилишига ҳам асос бўлиши мумкин. Бундай жаврни ўзоқ йиллик ҳизмат даври деб номланади.

Маълум лавозим ёки вазифада ўзоқ вақт меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳодимга махсус унвон ва мартабалар берилишида, меҳнат таътиллари миқдорини белгиланишида, давлат пенсиялари тайинланишида қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа ҳолларда имтиёз ва енгилликлар берилишига олиб келади.

Масалан, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида НИЗОМ”⁵² нинг 30 бандига кўра давлат солиқ органлари мансабдор шахсларига махсус унвонлар бериш уларнинг ўзоқ йиллик ҳизмат даври ҳисобга олингани ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари мансабдор шахсларининг лавозим маошларига ўзоқ йиллар хизмат қилганлик учун ҳар ойлик устама ҳақ Миқдорлари ҳам уларнинг ўзоқ йиллик ҳизмат даври муддатига кўра белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра (янги таҳрири)⁵³ Прокуратура органлари ходимларига эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

Прокуратура органлари ходимларига муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил берилади.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 168-модда

Узоқ йиллик хизмат даври ўрта умум таълим, касб-хунар билим юртлирида, соғлиқни сақлаш муассасалирида ва қонун ҳужжатлирида назарда тутилган бошқа ҳолларда аҳмиётга эга.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Меҳнат стажи. Махсус меҳнат стажи. Узоқ йиллик хизмат даври. Давлат ижтимоий суғуртаси бадаллари. Меҳнат стажини ҳисоблаш тартиби. Меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар. Меҳнат стажини гувоҳлар ёрдамида белгилаш. Меҳнат стажини имтиёзли ҳисоблаш. Меҳнат дафтарчаси. Якка тадбиркорлар меҳнат стажини ҳисоблаш тартиби. Юридик шахс таъсис этмаган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажи. Ўзини ўзи иш билан таъминлаётган фуқаролар фаолиятини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Меҳнат стажи нима ?
2. Меҳнат стажининг ижтимоий таъминотни амалга оширилишидаги аҳамияти қандай ?
3. Меҳнат стажининг қайси турларини биласиз ?
4. Умумий меҳнат стажи нимақ ?
5. Махсус меҳнат стажи ва унинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беринг.
6. Меҳнат стажини ҳисоблаш қандай амалга оширилади ?
7. Меҳнат стажини гувоҳлар кўрсатмасига кўра аниқланишига йўл қўйиладими ?
8. Меҳнат стажини имтиёзли ҳисоблаш нима ?
9. Меҳнат стажини тасдиқловчи қайси ҳужжатларни биласиз ?
10. Якка тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, уйда қорамод боқувчи фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш тартиби қандай ?
11. Чет элда ишлаган даврни меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш шартларини билдасизми ?

МАХСУС ҚИСМ

6 БОБ. ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР

6.1. Ёшга доир пенсиялар тушунчаси, турлари ва тайинланишининг умумий асослари.

«Ёшга доир пенсия» тушунчаси қонунчилигимизда нисбатан янги бўлиб, даставвал Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган қонунида муомалага киритилди. Қарилик ва ёшга доир пенсия тайинлаш ёши тушунчалари ўртасида жиддий тафовут бор бўлиб, ёшга доир пенсия тайинланганлиги ҳар доим ҳам фуқаронинг қари эканлигини англатавермайди ва қонунчиликда 50 ёш, 45 ёш ва ҳатто 40 ёшдан пенсияга чиқиш мумкинлиги назарда тутилади. Ваҳоланки 40 ёшли, 50 ёшли ва ҳатто 60 ёшли шахсни қария деб аташ кўпчилик ҳолларда ғайри оддий туюлади.

Турмуш кечириш даражасининг яхшиланиб бориши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар сифатининг ортиши туфайли ўртача умр кечириш ёшининг узайиши, кексалик чегараси янада **кенгайиши** кузатилади.

Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 24 тага тушди, гўдаклар ўлими 1000 нафар чақалоққа 35 тага тўғри келган бўлса, бугунги кунда 14 тага тушди. Ўтган давр давомида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси мунтазам ортиб бормоқда. Агар 1990 йилда ўртача умр кўриш 67 ёшни ташкил қилган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 72,5 ёшни, жумладан, эркаклар ўртасида -66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга кўпайди.

Ёшга доир пенсия фуқаронинг меҳнат қобилияти йўқолиши ёки пасайиши билан боғланмаган бўлиб, муайян ёшга етиши ва қонунда назарда тутилган ҳажмдаги иш стажи мавжудлиги асосида бутун умрга тайин этиладиган давлат таъминоти турларидан бири ҳисобланади ҳамда бунда фуқаронинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган бўлиши лозимлиги талаб этилмайди.. Ёшга доир пенсия аслида фуқаронинг ўтган даврлардаги меҳнат фаолияти, жамият бойликлари кўпайишига қўшган шахсий ҳиссаси учун жамият унга берадиган моддий таъминот, мамлакат миллий даромадининг тақсимланишидан иборатдир.

Ҳозирги пайтда амалда бўлган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ҳамда «Ҳарбий хизматчиларни пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ёшга доир пенсияларнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

- 1) Умумий асослардаги ёшга доир пенсия;
- 2) Имтиёзли шартлар билан тайинладиган ёшга доир пенсия;
- 3) Тўлиқсиз иш стажи билан тайинладиган ёшга доир пенсия;
- 4) Муддатидан олдин тайинладиган ёшга доир пенсия;
- 5) харбий хизматчиларнинг узоқ йиллик хизмат учун пенсиялари.

Ушбу пенсиялар умумий моҳияти билан бир қаторда бирмунча ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлиб, пенсияга оид қонунчилик амалиётда қўлланилаётганида улар эътиборга олинмоғи лозим бўлади.

6.2. Умумий асосларда ёшга доир пенсия тайинлаш ва унинг шартлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига кўра ҳар ким қариганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида эса «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу қонунда назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар, деб кўрсатилган.

Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида домий истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларни пенсия билан таъминлаш давлатлар аро битимлар (шартномалар) асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти давлатлар аро битимлар (шартномалар)да ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Етарли иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди.

Демак, корхона ва ташкилотларда ёлланиб (меҳнат шартномаси тузиб) ишлаган ёки бўлмаса бошқача тарзда ижтимоий фойдали фаолият (жамоа хўжалиги, ширкат хўжалиги, фермер-деҳқон хўжалиги, кооперативлар аъзоси сифатида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида, эркин ижодкор тарзида ва ҳоказо) билан шуғулланган шахслар, башарти улар учун иш берувчилар томонидан (кооперативлар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзлари томонидан) Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб келинган бўлса; ёшга доир пенсия олишга ҳақли бўладилар. Башарти иш берувчининг айби билан (бўйин товлаши ёки тўловга қобилиятсизлиги сабабли) суғурта бадаллари тўланмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 283-моддасида ходимларнинг ёшга доир пенсияларни ва бошқа пенсияларни олиш ҳуқуқлари кафолатланавериши кўрсатиб қўйилган.

Фаолиятнинг муайян турлари билан машғул бўлган шахслар (масалан, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органи ходимлари, бошқа баъзи давлат хизматчилари) улар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тўланмаганлигидан қатъи назар умумий асосларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаётган фуқаролар пенсия таъминоти масалалари умумий қоидага кўра улар яшаётган мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан тартибга солинади.

Фуқароларни пенсия таъминоти соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама давлатлараро ёки ҳукуматлараро халқаро шартномалар тузилиши йўли билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади, ушбу асосда бир давлат фуқароларини бошқа бир давлатда ижтимоий ҳимоялаш, шу жумладан ёшга доир пенсиялар билан таъминлаш амалга оширилади. Бугунги кунда ана

шундай ўзаро ёрдам кўрсатиш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ахдлашувлари мавжуд бўлиб, амал қилиб келмоқда⁵⁴.

Фуқароларда пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганида (муайян ёшга етган ва иш стажига эга бўлганда) истаган пайтда пенсия тайинланишини сўраб муурожаат қилиш ҳуқуқи берилган ёки бу ҳуқуқдан воз кечганлари ҳолда ўзлари хоҳлаган вақтгача меҳнат фаолиятларини давом эттиришлари мумкин.

Фуқаро қонунга кўра бир неча пенсия турини олишга айна пайтда ҳақли бўлиб қолгани тақдирда (масалан, ногиронлик пенсияси ёки узок йиллик хизмат пенсиясини олиб келган шахс қарилик пенсияси олиш ёшига етса) бу пенсиялардан фақат биттасини олишга ҳақли бўлади ва пенсия турини танлаш ҳуқуқи фуқарога берилган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Ёшга доир пенсия тайинлаш пайтида Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 37-моддасида санаб кўрсатилган барча фаолият турлари меҳнат стажига кўшиб ҳисобланади. Аммо бунда ҳақиқий ишлаган даврга кўра ҳисобланадиган меҳнат стажи билан шартли равишда эътиборга олинадиган меҳнат стажи (болалар парвариши билан машғул бўлган давр, амалда ишламаган бўлсада, қонун ҳужжатларига кўра иш стажига кўшиб ҳисобланадиган бошқа даврлар) ўртасидаги ўзаро нисбат назарда тутиб қўйилган.

⁵⁴ Қаранг: Мустақил давлатлар қамдўстлиги аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасида 1992 йил 13 январдаги кукуматлараро битим ва бошқалар.

Хуллас, фуқароларга умумий асосларда ёшга доир пенсия тайинланишининг асосий шартлари ва бундай ҳуқуқ юзага келишига сабаб бўладиган юридик факт бўлиб қуйидагилар саналиши мумкин :

- а) фуқаронинг белгиланган ёшга етганлиги;
- б) муайян ҳажмдаги иш стажига эга эканлик;
- в) фуқарони ёшга доир пенсия тайинлашликни сўраб ариза билан муурожаат қилиши .

6.3. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш асослари

Қонун ҳужжатларида фуқароларга уларнинг касби, меҳнат шароитларининг хусусиятлари ва бошқа омиллар эътиборга олингани ҳолда одатдагидан афзалроқ шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш назарда тутилган. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинланиши аслида шахс ноқулай, зарарли ёки руҳий-физиологик жиҳатдан танг шароитларда ишлаганлиги, шу орқали ўз соғлиғи ва ҳаётини хавф остида қолдиргани ҳолда жамиятга кўпроқ фойда келтирувчи фаолият тури билан шуғулланганлиги учун жамият томонидан товон тўланишидан иборатдир.

Бунда фуқаро ёшга доир пенсияга чиқиш пайтида қуйидаги имтиёзларни қўлга киритиши мумкин:

- 1) пенсияга чиқиш учун белгиланган ёшнинг одатдагидан камроқ белгиланганлиги;
- 2) талаб этиладиганидан камроқ меҳнат стажига эга бўлган ҳолларда ҳам пенсия тайинланиши;
- 3) пенсия миқдорини ҳисоблаш пайтида афзаллик берилиши;
- 4) пенсионер ишни давом эттиргани тақдирда ҳам афзаллик берилиши ва бошқалар.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашнинг умумий асослари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга⁵⁵ мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Жумладан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таминоти тўғрисида”ги қонунни 10-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-сонли рўйхатига. кўра ёшидан қатъи назар қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар-башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, I қисм);

б) бевосита ер ости ва очик кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар-башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

в) учувчилар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхат, III қисм).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учиш ишларидан бўшатиш тақдирда, белгиланган хизмат муддатини-эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

55 Қаранг : Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхати”. Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами. 1994., 5-сон, 27-модда. (Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 мартдаги 103-сонли ва 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган)

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари:

ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм);

ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм);

ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари-иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

“Фуқароларнинг давлат пенсия таминоти тўғрисида”ги қонунни 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхатига кўра :

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар-иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар-иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таминоти тўғрисида”ги қонунни 12-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхатига кўра :

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар-иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар-иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда. Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда-эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил-ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари (3-сонли рўйхат, II қисм):

эркаклар-умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар-умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

г) тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизида йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар-умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда (3-сонли рўйхат, III қисм);

е) тўқимачилик ишлаб чиқариши дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар-кўрсатиб ўтилган ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, V қисм);

ж) шаҳар йўловчилар ташиш транспорти хайдовчилари (3-сонли рўйхат, VI қисм):

эркаклар-камида 25 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

аёллар-камида 20 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

з) беш ва ундан ортиқ фарзанд тукқан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар-болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда (37- модданинг "д" ва "ж" бандлари) иш стажига камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажига камида 15 йил бўлган тақдирда.

Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунча камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинадилар;

и) экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар:

эркаклар-умумий иш стажига камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

аёллар-умумий иш стажига 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

к) Ихтисолаштирилган ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари -махсус иш стажига камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) Махсус даволаш муассасаларининг шифокорлари ва бошқа тиббий ходимлар-махсус иш стажига қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

м) ижтимоий таъминот тизимининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлари (3-сонли рўйхат, IX қисм):

эркаклар-махсус иш стажига камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар-махсус иш стажига камида 20 йил бўлган тақдирда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирликларининг 1994 йил 26 июндаги қарори билан «Ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтириш тасдиқланган бўлиб⁵⁶, унда рўйхатлардаги имтиёزلарни турли шароитларда татбиқ этишнинг алоҳида жиҳатлари ҳамда ўзига хос қоидалари белгилаб берилган.

Ушбу ҳужжатга кўра шахснинг асоссиз қатағон қилинган, нотўғри ишдан бўшатирилганлиги туфайли мажбуран ишламай юрган вақтлар, икки ёшгача боласи бор аёлнинг бошқа енгилроқ ишга ўтказилган вақти ва қонун ҳужжатларида назарда тутиб қўйилган бошқа даврлар шартли равишда имтиёз берадиган ишларда ишлаган вақтларга тенглаштирилади ҳамда тегишли имтиёзнинг тўла ҳажмда берилишига сабаб бўлади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни 12-1-моддасига кўра мазкур Қонуннинг 37-моддаси"а", "б", "в" ва "г" бандларида (фаолият тури, мулк ва хўжалик юретиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият даврлари) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

⁵⁶ Қаранг: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига шарҳлар. Т., 1996 йил, 20-бет.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

- ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

- идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

- якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда. Бундай имтиёз берилишида меҳнат стажининг бошқа турлари (Мас.бола парваришлар вақти, ногирон ёки кекса ёшдаги оила аъзосига қараб турган вақт ва бошқалар) ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни 13-моддасида лилипутлар ва паканаларга имтиёзли ёшга доир пенсия назарда тилган. Унга кўра:

гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига башарти эркаклар-иш стажи камида 20 йил бўлганда ва аёллар-иш стажи камида 15 йил бўлганда ушбу асос билан ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

6.4. Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ёшга доир пенсия тайинлаш

Пенсияга чиқиш ёшига етган фуқаро белгилаб қўйилганидан (эркаклар – камида 25 йил, аёллар – камида 20 йил) кам, аммо, камида 5 йил меҳнат

стажига эга бўлганлари тақдирда ҳам (масалан 5 йил ёки 10 йиллик иш стажи билан) пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Бундай ҳолда фуқарога мавжуд меҳнат стажига мутаносиб равишда ва тўлиқ пенсиянинг тақдим этилган мавжуд меҳнат стажига мос келувчи ҳажмда тўлиқ бўлмаган ёшга доир пенсия тайинланиши мумкин. Бундай пенсияни ҳисоблаб чиқариш қоидалари, пенсиянинг энг кам миқдори ва бошқа масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ҳисобланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8 - модда) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун-энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш даври, онанинг гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, (Иш берувчининг болани парваришлаш таътили берилганлиги ҳақидаги буйруғи нусхаси илова қилиниши шарти билан, лекин кўпи билан ҳаммасини жамлаганда 3 йил доирасида), офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, (лекин 10 йилдан ошмаган давр), Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти (лекин 10 йилдан ошмаган давр).

Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш

Меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббусига кўра ва ходимга боғлиқ бўлмаган ҳамда у айбдор бўлмаган тарзда бекор бўлиши чоғида қонун ишдан бўшатишган ходимга қўшимча кафолат ва имтиёзлар беради. Муддатидан аввал пенсияга чиқариш ана шундай имтиёзлардан саналади.

“Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”гир қонунни 14-моддасига кўра: технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

эркаклар-58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;
аёллар-53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда
пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 январда 588-сон билан давлат рўйхатига олинган “Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА”га кўра⁵⁷ Муддатидан олдин ёшга доир пенсия технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи маркази (бундан кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашувчи марказ деб юритилади) томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонун ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил олдин) пенсия тайинланади.

Пенсия ёши арафасидаги фуқароларга муддатидан олдин пенсия:

эркакларда иш стажи камида 25 йил;

аёлларда иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда тайинланади.

Ишдан озод этилган шахслар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан сўнг ўн кун ичида ўзларининг яшаш жойидаги Бандликка

⁵⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 50-сон, 498-модда.

кўмаклашиш марказига иш қидирувчи шахс сифатида мурожаат қилсалар, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари бундай шахсларга уч ой муддат ичида, агарда улар ўн календарь кундан кейин мурожаат қилсалар ўн кун муддат ичида мақбул келадиган ишни топишда ёрдам беришлари керак.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ишсиз деб эътироф этилган ва муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга белгиланган шаклда тақдимнома тайёрлайди ва 5 кун муддат ичида тегишли туман (шаҳар) Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлимига топширади ва ижтимоий таъминот бўлими томонидан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўлиб ҳисобланади ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлими томонидан **муддатидан олдин пенсия тайинланиши** учун асос бўлади.

Муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган Иш билан **таъминлашга** кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Пенсияни олаётган фуқаролар умумий асосларда пенсия олиш ёшига (эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга) етгунга қадар ишга кирган ҳолларда муддатидан олдин пенсия тўлаш тўхтатилади.

Меҳнат шартномаси бошқа сабабларга кўра бекор қилинса, муддатидан олдин пенсия қайта тайинланмайди ва аввал тайинланган пенсия тўлови ҳам тикланмайди.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Пенсия таъминоти. Пенсия ёши. Пенсияга чиқиш учун талаб қилинган меҳнат сатжи. Умумий асосларда ёшга доир пенсия тайинлаш. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш. Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ёшга доир пенсия тайинлаш. Муддатидан аввал ёшга доир пенсия тайинлаш. Имтиёзли ёшга доир пенсия тайинлашда 1-сонли, 2-сонли ва 3-сонли Рўйхатлар. Ёшга доир пенсия тайинлашда меҳнат стажларини ўзаро ҳисобга ўтказилиши.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. *Ёшга доир пенсия тайинлашнинг умумий шартлари қандай ?*
2. *Ёшга доир пенсия тайинлаш чоғида ҳисобга олинмайдиган ва ҳисобга олинмайдиган меҳнат стажи ҳақида сўзлаб беринг.*
3. *Умумий асослардаги ёшга доир пенсия деганда қандай пенсия назарда тутилади ?*
4. *Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш қачон амалга оширилади ?*
5. *Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш чоғида 1-сонли Рўйхатнинг аҳамияти қандай ?*
6. *Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўладиган ишлар, касблар, вазифалар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, 3 – сонли Рўйхатлари қачон ва ким томонидан тасдиқланган ?*
7. *Тўлиқсиз Меҳнат стажи билан ёшга доир пенсия тайинлаш шартлари ҳақида сўзлаб беринг.*
8. *Муддатидан аввал ёшга доир пенсия кимларга ва қайси ҳолларда тайинланади ?*
9. *Ёшга доир пенсия тайинлаш пайтида қайси даврлар меҳнат стажи сифатида эътиборга олинмайди ?*
10. *Паканалар ва миттилар(Гипофизар нанизм касалига чалинганлар) га ёшга доир пенсия тайинлаш қачон амалга оширилади ?*

7- БОБ. НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

7.1. *Ногиронлик пенсиялари тушунчаси, турлари ва фуқаролар пенсия таъминотида тутган ўрни*

Мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган кучли ижтимоий муофазалаш сиёсатида ногиронлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар беришга қаратилган тадбирлар етакчи ўринда туради ҳамда ижтимоий ҳимоя учун ажратилаётган молиявий маблағларнинг катта қисми ногиронлар учун қулай ҳаёт ва меҳнат шаройитлари яратиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш мақсадларига йўналтирилади.

Ногиронларга нисбатан юритилаётган ижтимоий ҳимоя сиёсатимиз мазмун-моҳияти бу соҳадаги қонунчилигимизда, унинг ҳуқуқий базасини тубдан янгилашга қаратилган ишларимизда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2008 йил 11 июлда “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиниши⁵⁸, ногиронлар ҳуқуқларини янада кучлироқ муҳофаза этишга қаратилган янги қонун ҳужжатларини қабул қилиниши, ногиронларни моддий-ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш юзасидан Давлат дастури ва бошқа тадбирлари қабул қилиниб, амалга ошириб келинаётгани фикримизнинг далили бўла олади.

“Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни 5-моддасига кўра: “Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун

⁵⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й. 7-сон, 353-модда

хужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиши учун шароитлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларида химоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлайди”.

Давлатимизнинг ногиронларни ижтимоий химоя қилиш соҳасидаги сиёсати қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

ногиронларнинг шаъни ва қадр-қимматини химоя қилиш;

ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш;

ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим олишини таъминлаш;

давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ошкоралигини ҳамда очиқ-ойдинлигини таъминлаш;

ногиронларни ижтимоий химоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

ногирон деганда жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланган, қонун ҳужжатларида белгаланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва химояга муҳтож шахс назарда тутилади.

- жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун

хужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар ногирон болалар саналадилар.

ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши, қоплаши (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тазими ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ташкил қилади.

Муайян шахс организмнинг барча тизимларини комплекс текшириш асосида унинг соғлиғини йўқотганлик даражасини, организми функциялари турғун бузилиши оқибатида турмуш фаолиятининг чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг юз берганлиги сабаблари ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра амалга ошириши мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжлари ҳақида тавсиялар тайёрлаш тиббий-ижтимоий экспертиза қилиш орқали аниқланади.;

Шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги турмуш фаолияти чекланганлигини аниқлатади..

Шахсни, шу жумладан ўн олти ёшдан катта фуқароларни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, ўн олти ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш эса, тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам қуйидагиларни ўз ичига олади:

пул тўловлари (пенсиялар, , бир йўла бериладиган тўловлар);

техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндикли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш;

тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва маиший хизматлар кўрсатиш;

транспорт хизматлари кўрсатиш;

дори воситалари билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорига⁵⁹ мувофиқ ҳамда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, тиббий-ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йил 8 августда "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 175-сонли қарорини қабул қилди⁶⁰ ва мазкур қарор билан зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди: Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли "Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори ҳам бу соҳада муҳим ўрин тутди⁶¹.

7.2. Ногиронликни белгилаш тартиби. Ногиронлик гуруҳлари ва ногиронлик сабаблари

⁵⁹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 15-сон, 156-модда.

⁶⁰ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 33-сон, 314-модда.

⁶¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 27 - сон, 283-модда

Ногиронлик пенсиялари тайинлаш пайтида қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлаш шартларидан бири – ўз вақтида, тўғри, ҳолисона ёндашган ҳолда ногиронлик юз берганлиги фактининг белгиланишидир.

Ногиронлик пенсиялари тайинлаш учун ногиронликни, унинг сабаблари, юз берган муддатини белгилаш ваколати тиббий меҳнат экспертизаси комиссияси (ТМЭК)га берилган.

“Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисида НИЗОМ”га кўра уларга шахсни ногирон деб эътироф этиш ваколати берилган.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолияти ҳудудий принцип бўйича амалга оширилади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг хулосалари коллегиял, ТМЭК аъзоларининг мутлақ кўпчилик овоз бериши асосида қабул қилинади ҳамда унинг тавсиялари иш берувчилар, даволаш-профилактика, тиббий-ижтимоий, спорт муассасалари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Қуйидагилар ТМЭКнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатлар ва фуқароларни кўриқдан ўтказиш натижалари асосида ҳаёт фаолиятининг чекланганлигини экспертиза қилиш, ногиронлик гуруҳини, сабабларини, унинг бошланган вақтини ва ногиронлик муддатларини белгилаш;

ногиронлар учун ижтимоий муҳофаза чора-тадбирларини белгилаш;

ногиронларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни бажаришга кўмаклашиш ҳамда ногироннинг ҳаёт фаолиятини ёки организми функцияларини тўлиқ ёки қисман тиклаш, ногиронлик гуруҳини пасайтириш ёки барқарорлаштириш асосида ушбу тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;

ногиронликнинг ҳолатини, ўзгаришини ва унга сабаб бўлган омилларни таҳлил қилиш, ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни

тиббий-меҳнат экспертиза, реабилитация, ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида комплекс дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

Фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади :

меҳнатга лаёқатлилиқнинг ҳолатини, ногиронлик гуруҳи, сабаблари, бошланиш вақти ва муддатларини аниқлаш;

меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки соғлиғи бошқача шикастланган ишловчиларнинг меҳнатга лаёқати йўқолганлиги даражасини ва уларнинг ёрдамнинг қўшимча турларига муҳтожлигини аниқлаш;

ногиронларнинг соғлиғининг ҳолати ва меҳнат лаёқатини ҳисобга олган ҳолда уларни тиббий ва ижтимоий-меҳнат жиҳатидан реабилитация қилиш чораларини белгилаш;

ногиронларни ишга жойлаштириш юзасидан тавсиялар бериш .

Фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ТМЭКда бепул амалга оширилади.

ТМЭК Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ушбу ТМЭКга биркитилган ДПМнинг йўлланмасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ва хорижий фуқароларни тиббий текшириш учун қабул қилади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг йўлланмаси бўйича тиббий текшириш мақсадлари кўрсатилган ҳолда ТМЭК 16 ёшдан кичик шахсларни ҳам тиббий текшириш учун қабул қилиши мумкин.

Айнан бир касаллик билан боғлиқ ҳолатда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб узлуксиз муддат бирварақайига 4 ойдан ортиқни ташкил этадиган узоқ муддат касал бўлган шахслар (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври айнан бир касалликка чалинганда танаффуслар билан 6 ой мобайнида, вақтинча меҳнатга

лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 12 ой мобайнида давом этган шахслар (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камида 10 ойни ташкил этадиган касаллик биринчи марта аниқланган силга чалинган беморлар, шунингдек асосий касаллик кучайганда - вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб камида 6 ой силга қарши муассасаларда ҳисобда турган сил касалига чалинган беморлар тиббий текшириш учун қабул қилинадилар.

Тиббий текшириш ТМЭК мажлисида тўлиқ таркибда ўтказилади.

Тиббий текширишдан ўтказиш шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш ва касаллик тарихини, амбулатория картасини, шунингдек бемор улар асосида тиббий текширишга йўналтирилган бошқа ҳужжатларни ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

Тиббий текшириш маълумотлари ва ТМЭК қарори ўша кунни тўлдириладиган, ТМЭК раиси ва аъзолари томонидан имзоланадиган ва муҳр билан тасдиқланадиган тиббий текшириш далолатномасига ва ТМЭК мажлиси баённомасига киритилади.

ТМЭК тиббий текшириши далолатномасидан кўчирма "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган пенсияларга устамаларни ҳисоблаб чиқишда ногиронлик бўйича пенсия тайинлаш, шунингдек зарур ҳолларда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинлаш учун асос ҳисобланади

ТМЭК тиббий текшириш натижалари бўйича ногиронлик гуруҳини, сабаблари ва муддатларини белгилаш тўғрисида;

қўшимча равишда текшириш ва клиник ташхисни аниқлаштириш учун ДПМга юбориш тўғрисида;

тиббий текширишдан ўтаётган тўлиқ даволаниши зарурлиги муносабати билан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини узайтириш тўғрисида;

протез-ортопедия буюмлари, ногиронлик аравачалари ва реабилитациянинг бошқа техник воситалари билан таъминлашга эҳтиёж тўғрисида;

меҳнат қилиш билан боғлиқ тавсия, ногироннинг ўқиш ёки қайта ўқишга эҳтиёжи тўғрисида;

ўзганинг парваришига муҳтожлик тўғрисида хулосаларни чиқариши мумкин:

Тиббий текширишдан ўтувчини ногирон деб эътироф этиш учун: организм функциялари барқарор бузилган ҳолда соғлиқнинг бузилиши; ҳаёт фаолиятининг чекланиши (шахс томонидан ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаракатланиш, мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, ўқиш ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати ёки имконининг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши) асос ҳисобланади

Қуйидагилар ногиронликнинг сабаблари ҳисобланади:

умумий касаллик;

меҳнатда майиб бўлиш;

касб касаллиги;

болалиқдан ногиронлик;

Чернобиль АЭСидаги авария туфайли келиб чиққан майиблик ёки касаллик;

фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда дучор бўлинган касаллик;

ҳарбий хизматни ўташ даврида дучор бўлинган касаллик;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган касаллик;

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда дучор бўлинган майиб бўлиш (яраланиш, жароҳат олиш, контузия);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган майиб бўлиш (яраланиш, жароҳат олиш, контузия);

ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришда майиб бўлиш (яраланиш, жароҳат олиш, контузия);

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида дучор бўлинган майиб бўлиш (яраланиш, жароҳат олиш, контузия);

фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ ҳолда дучор бўлинган контузия, майиб бўлиш.

Организм функциялари бузилишининг асосий турлари ногиронлик белгилаш мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Организм органлари ва тизимлари нобарқарор, тикланадиган морфологик ўзгарганда ва функциялари бузилганда даволаш самарадорлиги ва реабилитация тадбирларини ўтказиш, соғлиқнинг ҳолати ва ижтимоий мослашиш даражасини кузатиш мақсадида бир ёки икки йилда бир марта ногиронлар қайта тиббий текширишдан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарорига кўра“ тиббий текширишдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик гуруҳи белгиланадиган касалликлар РЎЙХАТИ” тасдиқланган бўлиб, бу Рўйхатга:

- I. Ички органлар касалликлари ;
- II. Асаб-психик касалликлар;
- III. Жарроҳлик касалликлари ҳамда анатомик нуқсонлар ва деформациялар;
- IV. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари;
- V. Кўз шикастланиши ва касалликлари киритилган.

Шунингдек, мазкур Рўйхатга ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланадиган ҳоллар ҳам илова қилинган ва қуйидаги ҳолларда ногиронлик муддатсиз белгиланади:

60 ёшдан катта ногирон эркакларга ва 55 ёшдан катта ногирон аёлларга.

Кейинги 5 йил ва ундан ортиқ йил мобайнида ногиронликнинг I ёки II гуруҳи белгиланган, 5 йил мобайнида ДПМда тўлиқ диспансер кўригидан ўтган, реабилитация дастурлари бажарилган, шунингдек реабилитациянинг барча турлари истиқболсиз бўлган, тиклаб бўлмайдиган анатомик-функционал бузилишлар ёки зўраювчи касалликларга дучор бўлган ногиронларга.

Охирги 7 йил мобайнида ногиронлик гуруҳи ўзгармаган III гуруҳ ногиронларига.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги

195-сонли Қарори билан “ Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши градусини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ” ; Ногиронлик меҳнатда майиб бўлиш оқибатида келиб чиққан деб ҳисобланадиган ногиронлик сабаблари РЎЙХАТИ; Касб касалликлари РЎЙХАТИ; Ногиронликка сабаб бўлувчи касалликлар рўйхати ва мазкур касалликлар юз берганида ногиронликни белгилаш Мезонлари ва бошва меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган⁶².

7.3. Ногиронлик пенсияси тайинлаш асослари ва шартлари

Ногиронлик пенсияларига чиқиш ҳуқуқига икки хил сабабга кўра ногирон бўлиб қолган ва белгиланган тартибда ногирон эканлиги тасдиқланган фуқаролар эга бўладилар.

Булар: биринчидан, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш, ушбу сабабларга тенглаштирилган ҳолдаги (уруш ногиронлари, ҳарбий хизмат бурчини бажариш пайтида юз берган ва бошқа сабабларга кўра содир бўлган ногиронликлар бўлса; иккинчидан, турмушда олинган жароҳатлар (маиший сабабларга кўра майибланиш) ёки умумий касалликлар (иш билан боғлиқ бўлмаган) оқибатидаги ногиронликлардан иборатдир.

⁶² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 27-сон, 283-модда

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ёки касб касалликлари туфайли ногиронлик юз берганида ногирон шахснинг меҳнат стажи ва унинг миқдоридан қатъи назар пенсия тўлиқ миқдорда тайинланаверади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли “Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида келиб чиққан деб ҳисобланадиган ногиронлик сабаблари рўйхати кўзда тутилган.

Агар ногиронлик келтириб чиқарувчи жароҳатланиш, захарланиш, иссиқ уриши, куйиш, совуқ уриши, чўкиш ёки авариялар туфайли саломатликнинг бошқача шикастланиши қуйидаги ҳолларда содир бўлса (электр токи ёки яшин уриши, шунингдек, табиий офатлар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ташқари), ногиронлик меҳнатда майибланиш туфайли содир бўлган деб ҳисобланади:

а) меҳнат вазифаларини бажаришда (шу жумладан, хизмат сафари вақтида), шунингдек, корхона ёки ташкилот манфаатлари йўлида ҳатто махсус топшириқсиз бирон иш бажарганда;

б) корхона, ташкилот ҳудудида ёки бошқа иш жойида иш вақти давомида (белгиланган танаффус вақти ҳам шунга киради), шунингдек, иш бошланиши ёки тугаши олдидан ишлаб чиқариш қуролларини, кийим-бош ва бошқаларни тартибга келтириш учун зарур бўлган вақт давомида;

в) иш вақти давомида (белгиланган танаффуслар ҳам шунга киради) корхона, ташкилот ёки бошқа иш жойи яқинида, агар у ерларда бўлиш ички меҳнат тартиби қоидаларига зид бўлмаса;

г) ишга бораётганда ёки ишдан қайтаётганда;

д) вахтали шаҳарча ҳудудида вахта-экспедиция усули билан ва табиий офат вақтида сменали дам олишда бўлган ходим билан юз берганда;

е) давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатга олинган жамоат ташкилотларининг топшириқларини (гарчи бу топшириқлар асосий иш билан боғлиқ бўлмаса ҳам) бажаришда;

ж) инсон ҳаётини сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамоат мулкани, фуқаролар мулкани, ҳуқуқ-тартиботни кўриқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароси бурчини бажариш вақтида;

з) иш куни давомида маъмуриятнинг (бўлим, бўлинма, цех, участка раҳбарларининг ва шу кабиларнинг) ходимнинг вазифасига кирмайдиган топшириқларини бажариш вақтида;

и) донорлик вазифасини бажариш муносабати билан.

Ногиронликнинг юз бериш сабаблари ишлаб чиқаришда юз берган воқеа-ҳодисалар билан қай даражада боғлиқлигини аниқлаш пайтида юқорида келтирилган рўйхатдан ташқари, Вазирликлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари”⁶³ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1997 йил 6 июндаги қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низом талабларига⁶⁴ амал қилинмоғи лозим бўлади.

Ногиронлик касб касаллиги оқибатида юз берган деб ҳисобланиши учун ходимга ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсир кўрсатувчи омиллари (шовқин, радиация, химиявий, физик, биологик ва бошқа таъсирлар) оқибатида касаллик келиб чиққан, вақт ўтиши билан кучайган бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли “Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан

⁶³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2005 йил, 2-сон, 7-модда.

⁶⁴ Қаранг: Ўша манбаа, 1997 йил, 6-сон, 21-модда.

фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 2-иловасида касб касалликлари рўйхати келтирилган⁶⁵.

Пенсия таъминоти соҳасида уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳам ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ёки касб касаллиги юз бериши оқибатида ногирон бўлган шахслар билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Уруш ногиронлари тушунчаси тарифи ва уруш ногиронларига тенглаштирилган шахслар доираси қонун ҳужжатларида баён этилган⁶⁶.

Ватан уруши ва бошқа урушларда ҳаракатдаги армия таркибида ҳарбий хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда яраланган, контузия бўлиб қолган, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматлар уруш ногиронлари ҳисобланадилар.

Уруш ногирони саналмасалар-да, аммо ногирон бўлиб қолиш ҳолатлари ва сабабларига кўра уларга тенглаштирилган шахсларнинг рўйхати таркибига 9 та сабабга кўра ногирон бўлиб қолган ҳарбийлар ва ҳарбий хизматчи саналмайдиган бошқа шахслар киритилган.

Давлат ва жамоат вазифаларини, маҳаллий ҳокимият органларининг касбий ёки жамоат ташкилотларининг махсус топшириқларини бажаришда бу топшириқлар асосий иш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигидан қатъи назар меҳнатда майибланиш ҳисобланади.

Суд жараёнида халқ маслаҳатчиси, эксперт ёки гувоҳ бўлиб иштирок этиш, касба уюшмаси конференциясида қатнашиш, махсус топшириқларни бажариш, аҳоли рўйхатини ўтказишга ёрдам бериш ва ҳоказолар давлат ёки жамоат топшириқларини бажаришга мисол бўлади.

⁶⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. 27-сон, 283-модда.

⁶⁶ Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарорининг 1-2 иловалари. Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. 37-сон, 377-модда..

Республика фуқароси бурчини бажаришда, инсон ҳаётини сақлаб қолишда, давлат ва жамоат мулкани, фуқаролар мулкани асрашда, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишда содир бўлган ногиронлик меҳнатда майибланиш ҳисобланади.

Республика фуқароси бурчини бажаришда, инсон ҳаётини сақлаб қолишда, табиий офатлар оқибатларини тугатишда, мулкни қўриқлашда, қонунбузарларни ушлашга ёрдам кўрсатишда қатнашиши тушунилади.

Ходимнинг донорлик вазифасини бажариши натижасида юзага келган ногиронлиги меҳнатда майибланишдан бошланган ҳисобланади.

Сафарда бахтсиз ҳодиса натижасида юзага келган ногиронлик, агар бахтсиз ҳодиса меҳнат вазифасини бажариш даврида ёки сафарга жўнатилган ерга бораётган вақтда ёки қайтиб келаётганда, шунингдек, сафар вақтида хизмат қатновларида юз берган бўлса, меҳнатда майибланиш ҳисобланади⁶⁷.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра «Соғлиғи ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади».

Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ногиронлик гуруҳини белгилаш пайтида объектив мезонларга асосланади ва I гуруҳ ногирони деб топиш учун тана функцияси жиддий бузилган ва бемор ўзига ўзи хизмат қила олмаслиги, бошқа шахсларнинг доимий парвариши ва кўмагига муҳтож бўлиши лозим бўлади.

Шахс II гуруҳ ногирони деб эътироф этилиш учун киши организми, унинг аъзолари функцияси бирмунча бузилган бўлиши, меҳнат қилиш

⁶⁷ Қаранг: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарқлар». Т., 1996 йил, 90-бет.

қобилияти барқарор тарзда доимийга ёки узоқ муддатга йўқолган, жиддий равишда пасайган бўлиши лозим. II гуруҳ ногирони деб топилган шахслар махсус яратилган меҳнат шароитида меҳнат қилишлари мумкин бўлади.

Турмушдаги жароҳатланиш (маиший майибланиш) ёки умумий касаллик туфайли ногиронлик юз берганида ногиронлик пенсияси муайян шартлар мавжуд бўлгани ҳолда тайинланиши мумкин.

Бундай шартлардан энг биринчиси – ногирон шахс ёшига мутаносиб равишдаги меҳнат стажига эга бўлиши лозимлигидир.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ:

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёши	Иш стажи (йил ҳисобида)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшгача	11
46 ёшдан 51 ёшгача	14
51 ёшдан 56 ёшгача	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилгандан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

20 ёшга киргунига қадар ногирон бўлиб қолган фуқароларга умумий касаллик туфайли ногирон бўлиб қолганларида ногиронлик пенсияси тайинланиши пайтида меҳнат стажи талаб этилмайди. Бироқ бу шахслар ишга

кирганларидан кейин ёки муайян муддат ишлаб, сўнгра ишдан бўшагач, ногирон бўлиб қолган бўлсаларгина ногиронлик пенсияси тайин этилиши мумкин.

Умумий касаллик (маиший жароҳатланиш) туфайли ногирон бўлиб қолган ва ёшига мос равишда талаб қилинадиган иш стажига тўлиқ эга бўлмаган фуқароларга (масалан, 25 ёшда ногирон бўлиб қолган шахс 3 йиллик меҳнат стажи ўрнига бор-йўғи 1 йиллик стажга эга бўлса) ногиронлик пенсияси уларнинг мавжуд меҳнат стажига мутаносиб равишда тайинланади.

Бунда ногиронлик пенсияси фақат I ва II гуруҳ ногирони деб топилган шахсларгагина тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаганда ногиронлик пенсияси тўланиши чоғида ҳар қандай меҳнат стажи ҳам (болаларни парваришлаш даври, ўқиш даври ва ҳоказо) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинаверади.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Ногиронлик. Ногиронлик пенсиялари. Ногиронлик гуруҳлари. Ногиронлик сабаблари. Ногиронлик юз берган вақт. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК). Ногиронликни белгилаш. ТМЭК Хулосаси. Ногиронларни қайта кўриқдан ўтказиш. Умумий касалликлар ва маиший жароҳатлардан ногирон бўлиш. Умумий касалликлар ва маиший жароҳатлардан ногирон бўлганда пенсия тайинлаш. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлганда пенсия тайинлаш. Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ногиронлик пенсияси тайинлаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш деганда нималар назарда тутилади ?*
2. *Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни ҳақида сўзлаб беринг.*
3. *Ногиронлик гуруҳлари нима ?*
4. *Ногиронлик сабаблари ҳақида гапириб беринг.*
5. *Ногиронлик қайси орган томонидан белгиланади ?*
6. *Тиббий меҳнат экспертлар комиссияси ва унинг ҳуқуқий мақоми ҳақида гапириб беринг.*
7. *Умумий касалликлар (турмушдаги маиший жароҳатлар) туфайли ногирон бўлиб қолганда пенсия тайинлаш шартлари қандай ?*
8. *Меҳнат жароҳати ёки касб касаллигидан ногирон бўлганда пенсия тайинлаш қандай хусусиятларга эга ?*
9. *Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ногиронлик пенсияси тайинласа бўладими ?*
10. *Ногиронлик қайси ҳолларда умумрбодга белгиланади ?*
11. *Ногирон қайта кўриқдан ўтишига келмаса нима юз беради ?*

8- БОБ. БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

8.1 *Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари*

Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш давлатимиз олиб бораётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати негзини ташкил этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига риоя этилгани ҳолда амалга оширилишига эришиш – давлатимиз ва жамиятимиз олдидаги муҳим вазифалардан саналади.

Турли сабаблар билан ота-онаси парвариши ва моддий таъминотидан маҳрум бўлиб қолган етим болалар, ёлғиз ногиронлар ва қариялар, моддий мададга эҳтиёжманд бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга давлат ғамхўрлиги кўрсатилад ва улар моддий таъминотига кўмаклашиш – давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бозор муносабатлари қарор топиши шарофатида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойилига мос келади.

Фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси давлат ижтимоий қўллаб-қувватлашининг ана шундай муҳим шаклларида саналади ҳамда аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялашга оид ижтимоий сиёстимиз ва қонунчилигимиз реал мазмунга эга эканлигини яққол намойиш этади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси марҳуб боқувчи шахснинг олдинги меҳнат фаолияти ва унинг учун бюджетдан трашқари Пенсия жамғармасига

ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб борилганлиги билан боғлиқ равишда тайинланадиган меҳнат пенсияларининг бмр тури саналади ва унинг тайинланиш шартлари амалдаги қонун ҳужжатлаи билан аниқ белгилаб қўйилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни 19-моддасида кўрсатилишича: ”Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг "в" бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр(хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви-агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади”.

Оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиғ боғувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг ғарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса-боғувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Аммо марҳум боқувчининг фарзандларига ҳамда ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, укалари, сингиллари ёки набираларини улар уч ёшга етгунларига қадар боқиш (парваришlash) билан машғул бўлсалар, марҳум билан бирга яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланавериши назарда тутилган.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси фуқароларни ижтимоий таъминлаш, пенсия таъминотини амалга ошириш шаклларида бири бўлиб, унга кўра моддий таъминот бериб келган, турмуш кечиришнинг асосий манбаи бўлиб келган шахсни вафот этиши муносабати билан унинг қарамоғида бўлиб келган шахсларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда, шартларда ва миқдорларда улар вояга етгунларига қадар, меҳнат қилиш қобилиятлари қайта тиклангунича ёки бўлмаса тегишли ҳолларда бутун умрга давлат ижтимоий таъминот маблағлари ҳисобидан тайин этиладиган, қайтариб олинмайдиган, ҳақ олинмайдиган, мунтазам равишда тўлаб бориладиган пул тўловларидан иборат.

1) Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар, ишда олинган жароҳатлар ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида вафот этган шахсларнинг қарамоғидагиларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси;

2) Ишлаб чиқаришдаги сабабларга кўра вафот этган шахсларга тенглаштирилган ҳолатларда (уруш ҳаракатлари, ҳарбий бурчни бажариш, фуқаролик бурчини бажариш пайтларида ва ҳоказо) вафот этганларнинг оила аъзоларига тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;

3) Умумий касалликдан (турмушдаги жароҳатларнинг оқибатида) вафот этган шахсларнинг оила аъзоларига тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси кабилар ўзаро фарқланади.

4) Юқорида кўрсатиб ўтилган дастлабки икки ҳолат туфайли вафот этган марҳумларнинг қарамоғида бўлиб келган меҳнатга яроқсиз оила аъзоларига марҳум меҳнат стажи миқдоридан қатъий назар пенсия тайинланаверилади.

Учинчи сабабга кўра, яъни умумий касаллик (турмушдаги жароҳатланиш) туфайли вафот этган марҳумларнинг оила аъзоларига эса марҳум боқувчи шахс вафот этган пайтдаги ёшига мос келувчи муайян ҳажмдаги меҳнат стажига эга бўлган бўлса тўлиқ миқдорда,

белгиланганидан кам иш стажига эга бўлса – тўлиқ бўлмаган миқдорда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ:

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган (17-модда) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар қуйидаги ҳолларда, яъни:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга – боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оилаларга – башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган (17-модда) бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса боқувчинингиш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ушбу қонуннинг 22-моддасига кўра эса:

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тўлиқ тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

Эр (хотин) вафот этганлиги сабабли унинг хотини (эри)га тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси пенсия олувчи хотин (эр) турмуш кургани (янги никоҳга киргани) тақдирда ҳам сақланиб қолиши кўзда тутилган.

8.2. *Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олишга ҳақли бўлган шахслар қарамоғида бўлиш*

Боқувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлашда ушбу пенсия турини олишга ҳақли бўлган шахслар доирасининг тўғри белгиланиши муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг нотўғри белгиланиши фуқароларнинг асоссиз равишда пенсия олишларига ёки бўлмаса пенсия олишга ҳақли бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларининг ғайриқонуний тарзда чеклаб қўйилишига сабаб бўлиши мумкин.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига кириш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- а) Меҳнатга яроқсизлик ёки меҳнатга яроқли бўлса-да, марҳумнинг 3 ёшга етмаган фарзандлари парвариши билан банд бўлишлик;
- б) Марҳум боқувчи билан қариндошлик алоқасида бўлишлик;
- в) Марҳум боқувчи қарамоғида бўлганлик;
- г) Марҳум боқувчи билан бир оила аъзоси бўлиб яшаганлик.

Меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари тушунчаси ва меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари таркибига кирувчи шахслар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 3-қисмида белгиланган бўлиб, уларнинг жумласига қуйидагилар киради:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр; башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви – агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса;

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ёки ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи вафот этган шахслар билан бир қаторда белгиланган тартибда бедарак кетган ёки ўлган деб эълон қилинган шахсларнинг⁶⁸ оила аъзоларида ҳам пайдо бўлади.

Марҳум боқувчи билан қариндошлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси» қоидалари билан белгиланади⁶⁹.

Жумладан, ушбу кодекснинг 57-моддасига мувофиқ:

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, неvara бобосига, бувисига нисбатан иккинчи, эvara катта бобосига, катта бувисига нисбатан учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-укаси ва опа-сингили ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-

⁶⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33, 34, 36-моддалари; Фуқаролик процессуал кодексининг 286-290-моддалари.

⁶⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. Т., «Адолат», 2000 йил.

сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг

ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

ҳисоб аجدодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса авлодлар томон улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи қариндошликнинг учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса тўртинчи даражасида турадилар.

«Оила кодексининг» 58-моддасига кўра эса: ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўғай ҳисобланади. Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайинбўйинчилик ва қуда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Боланинг насл-насабини белгилаш асослари «Оила кодекси»нинг 60-моддасида белгилаб қўйилган ва боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолларда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида имзолашиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган.

Ота-она расмий қайд этилмаган никоҳ муносабатларида (фуқаролик никоҳида) бўлганлари ҳолда туғилган фарзандларнинг насл-насаби (онаси ҳам, отаси ҳам, эр-хотиннинг ихтиёрий тарзда биргаликда берган аризасига кўра, бундай ариза мавжуд бўлмаган ва оталикни ихтиёрий тан олишдан бўйин товланаётган ҳолларда оталик белгиланган тартибда суд йўли билан аниқланиши мумкин⁷⁰.

Марҳум боқувчи фуқаронинг қарамоғида бўлганлик тушунчаси таърифи «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида баён этиб берилган.

Ушбу моддада кўрсатилишича, қонунда назарда тутиб қўйилган оила аъзолари юқоридаги қонуннинг 19-моддаси) агар улар марҳумнинг тўлик боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланишини сўраб мурожаат қилаётган ва ҳеч қандай даромадга эга бўлмаган оила аъзоларини (ёш болалар, пенсия олмайдиган ногиронлар ва бошқалар) марҳум боқувчи шахс

⁷⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг 61-62-моддалари; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2001 йил 1 майдаги «Оталикни белгилаш қақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида»ги қарори. «қонун номи билан», 2001 йил, 3-4 сон, 31-бет.

қарамоғида бўлиб келганлиги фактини аниқлаш ҳоллари қийинчилик туғдирмайди ва осонликча ҳал этилиши мумкин.

Бироқ марҳум боқувчи ҳаётлик пайтида бир оила бўлиб яшаган, умумий даромадга эга бўлган бўлса-да, аммо мустақил иш ҳақи (пенсия, НАФАҚА) ёки бошқа даромадга эга бўлган шахсларнинг марҳум қарамоғида бўлиб келганлигини аниқлаш муайян мураккабликлар туғдиради.

Бунда марҳумнинг иш ҳақи, стипендия ёки пенсия олувчи оила аъзолари унинг қарамоғида турган-турмаганлиги масаласини ҳал қилишда кўрсатиладиган моддий ёрдам доимий характерга ва бошқа даромадларга қараганда қандай ҳажмда эканлигини аниқлаш лозим бўлади.

Оила аъзосининг иш ҳақи, стипендия ёки пенсия олиши уни оиланинг қарамоғида деб тан олишга монелик қилмаслиги керак, бунинг учун санаб ўтилган оила аъзоларининг даромади эмас вафот этган шахснинг ёрдами яшаш учун асосий ва доимий маблағ манбаи бўлиши керак.

Болалар ота-оналарининг иш ҳақлари миқдори қанча бўлишидан қатъи назар ҳар иккаласининг қарамоғида деб ҳисобланадилар. Уй хўжаликлари билан шуғулланувчи ишламайдиган оналарнинг болалари унинг қарамоғида деб тан олинади. Ота ўлгандан кейин туғилган ёки туғиш пайтида онаси ўлган бола қарамоқда деб ҳисобланади.

Марҳум боқувчининг қарамоғида бўлганлик масаласида низо келиб чиққани тақдирда ушбу масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд йўли билан кўриб, ҳал этилади⁷¹.

К А Л И Т С Ў З Л А Р. Боқувчисиз қолганлик пенсияси. Қарамоғда бўлиш. Марҳум боқувчи шахс. Боқувчи шахс билан яқин қаридошлик. Меҳнатга яроқсизлик.

⁷¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-боби; 283-модданинг 2-банди; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги (1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги қўшимча ва ўзгартиришлари билан) «Юридик ақамиятга эга бўлган фактларни белгилаш қақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

Марҳум боқувчи шахнинг умумий касалик(турмушдаги жароҳатланиш) дан вафот этиши. Меҳнатдаги бахтсиз ходиса ёки жароҳатланишдан ёхуд касб касаллигидан вафот этганлик. Марҳум боқувчининг меҳнат стажи. Н-1 шаклдаги далолатнома. Марҳум боқувчи тўлиқсиз меҳнат стажига эга бўлганда қарамоғдагиларга тўлиқсиз боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш.

Назорат саволлар:

1. *Боқувчисини йўқотганлик пенсияси кимларга тайинланади ?*
2. *Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш шартлари қандай ?*
3. *Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашда меҳнат стажи қандай аҳамиятга эга бўлади ?*
4. *Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинласа бўладими ?*

9 - БОБ. ПЕНСИЯЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ

9.1. *Пенсияларни тайинлашнинг умумий тартиби ва асосий қоидалари*

Давлат пенсияларини тайинлаш пенсия тайинлаш ваколатига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Пенсия тайинлаш ҳуқуқига ҳозирги пайтда қуйидаги органлар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати давлат қўмитаси пенсия тайинлаш ҳамда тўлаш органлари.

Барча фуқароларга, шу жумладан муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларга пенсиялар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади.

Офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршиқлар, мичманлар ва бошқа муддатидан ташқари хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошлиқлар ҳамда оддий аскарлар таркибидан бўлган ҳарбий хизматчиларига мудофаа вазирлиги ёки бошқа вазирлик, идоранинг пенсия бўлимлари томонидан белгиланган тартибда тайинланади.

Фуқароларга пенсия тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 43-моддасида белгилаб қўйилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ“ тасдиқланган бўлиб⁷², мазкур Низомга кўра пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охириги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, фермер хўжалиги бошлиғи ёки қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви орқали берилади

Иш вақтларини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш ҳақидаги ариза аризачининг бевосита яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

⁷² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. 37-сон, 377-модда.

Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, ариза унинг ота-онаси ёки васийси томонидан уларнинг яшаш жойлари орқали берилади.

Пенсия тайинлаш ёки тўхтатиб қўйилган пенсияни тиклаш учун пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб исталган вақтда, бирор муддат билан чекланмаган холда мурожаат этиш мумкин.

Ёшга доир пенсия тайинланишини сўраб пенсия ёшига тўлмасдан аввал ҳам мурожаат этиш мумкин, лекин бу мазкур пенсияни олиш ҳуқуқи пайдо бўлишидан бир ойдан олдин бўлмаслиги керак.

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган холларда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими қўшимча яна қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлигини корхона, ташкилот маъмуриятига ёки аризачига маълум қилади. Агар улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида билдириш хати олинган кундан бошлаб 3 ойдан кечикмай тақдим этилса, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун ёки ариза юборилган жойдаги почта штемпелида кўрсатилган сана пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

- а) меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқлайдиган ҳужжатлар;
- б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

- в) бола туғилганлиги ва у саккиз ёшгача тарбия қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат;
- г) аризачининг фарзанди болалиқдан ногирон ёки ногирон бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- д) аризачи уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

е) даволаш муассасасининг аризачи гипофизар миттиллик касалига чалинган (лилипут)лиги ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган, пакана эканлиги тўғрисидаги ҳужжати.

Уруш ногиронларига "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни* 12-моддасининг "а" бандига мувофиқ пенсия тайинланганда ва уларнинг пенсияларига Қонуннинг 28-моддаси "а", "б", "в" бандларига мувофиқ устамалар ҳисобланганда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими аризага тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)дан олинган текширув далолатномасидан кўчирмани илова қилади.

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногирони бўлган вақт иш стажига қўшиладиган ҳолларда аризага ТМЭК текшириш далолатномаларидан кўчирмалар илова қилинади.

Ногиронлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

- а) меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқловчи ҳужжатлар;
- б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

Агар ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса, унда бахтсиз ходиса ҳақидаги далолатнома (ёки бошқа расмий ҳужжат) тақдим этилади.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

- в) аризачининг ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож деб тан олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- г) аризачининг уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ижтимоий таъминот бўлими аризага тиббий-хизмат эксперт комиссияси (ТМЭК)дан олинган текширув далолатномасидан кўчирмани илова қилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

а) пенсия тайинланаётган шахсининг ёшини тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;

б) оила аъзосининг вафот этган боқувчига қариндошлиги муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш бўлимининг боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки унинг бедарак йўқолганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) оила боқувчисининг ёши тўғрисидаги ҳужжат (агар вафот этганлик ҳақидаги гувоҳномада ёши кўрсатилмаган бўлса);

д) боқувчининг меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар;

е) боқувчининг иш ҳақи тўғрисида маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

ж) боқувчининг қарамоғида бўлган унинг оила аъзолари таркиби тўғрисида маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой органлари) фуқаролари йиғинининг маълумотномаси ёки бошқа ҳужжатлар;

з) умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг оиланинг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган аъзолари ўқувчилар эканлигини тасдиқловчи маълумотномалари;

и) маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой органлари) фуқаролари йиғинининг вафот этганнинг ота-онаси, турмуш ўртоғи, буваси, бувиси, акаси (укаси) ёки опаси (синглиси) вафот этганнинг 3 ёшга тўлмаган болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларига қараш билан бандлигини ва ишламаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси.

Агар боқувчининг ўлими меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса, бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома (ёки бошқа расмий ҳужжат) ҳам тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими аризага оиланинг боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи балоғат ёшидаги оила аъзоларига уларнинг ногиронликлари оқибатида

берилаётганлиги тўғрисида ТМЭКдан олинган текширув далолатномаларидан кўчирмаларни илова қилади.

Вафот этган пенсионернинг оиласига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага кўрсатилган ҳужжатлартақдим этилади.

Боқувчининг меҳнатда ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногирони бўлган вақти меҳнат стажига қўшилган ҳолларда аризага ТМЭКнинг текширув далолатномасидан кўчирмалар илова қилинади.

Башарти васийлик остидаги шахсга пенсия тайинланиши хусусида васий мурожат қилаётган бўлса, у ҳолда васийнинг аризасига васийликни белгиловчи органнинг васий этиб тайинлаш ҳақидаги қарори илова қилинади. Ота-оналар ва васийлар яшаш жойлари тўғрисида ҳужжатлар топширадилар.

Меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқловчи сифатида қабул қилиш мумкин бўлган ҳужжатлар пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби қонун ҳужжатларига кўра белгиланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун тақдим этиладиган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома шакли ва уни тўлдиришга оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Иш ҳақини гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқлашга йўл қўйилмайди. Лавозим маошлари штат жадвалидан кўчирмалар ва жамоат ташкилотлари аъзолик билетлари ҳақиқий иш ҳақини тасдиқлайдиган ҳужжат ўрнини боса олмайди.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар бутунлай ёки қисман йўқ бўлса, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни тайинлаш кунда расман белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори олинади.

Қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари борлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой органлари) фуқаролари йиғинининг маълумотномаси қабул қилинади. Мазкур маълумотномада ҳар бир оила аъзосининг фамилияси, исми, отасининг

исми, марҳум боқувчига қариндошлик алоқаси, улар унинг қармоғида бўлганлиги кўрсатилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжат йўқ бўлса ва уни олишнинг имкони бўлмаса қармоғида бўлганлик масаласи суд қарори билан ҳал этилиши мумкин.

Аризачининг уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида Улуғ Ватан уриши иштирокчиси гувоҳномасидан кўчирма, байналмилалчи жангчиларга бериладиган имтиёз олиш ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома, шунингдек, улар уруш иштирокчисига тенглаштирилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Аризачининг уруш ногирони эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида ТМЭКнинг текшириш далолатномасидан кўчирма, уруш ногирони гувоҳномаси, шунингдек, уруш ногиронига тенглаштирилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Бола туғилганлиги факти туғилиш ҳақидаги гувоҳнома асосида, ўн саккиз ёшгача тарбиялаганлик эса - паспорт, вафот этганлик ҳақидаги гувоҳнома, маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой органларида) фуқаролари йиғини маълумотномаси ва бошқа ҳужжатлар асосида белгиланади.

Пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳам, уларнинг нотариал тартибда, аризачини пенсия тайинлашга тақдим этаётган корхона муассаса, ташкилот маъмурияти ёки Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими тасдиқлаган нусхалари ҳам топширилиши мумкин.

Меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар фақат асл нусхада топширилади. Бироқ меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжат фақат меҳнат дафтарчаси бўлган ҳолларда, ундан охириги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ёки Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими томонидан тасдиқланган кўчирма топширилиши мумкин.

Ҳар йилнинг бошида келгуси йилда пенсия ёшига етадиган барча ишчи, хизматчи, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари

(ширкат хўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг барча ишчилари, хизматчилари, аъзолари учун улар ишлаётган корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар маъмурияти (бошқаруви) томонидан уларнинг шахсий варақалари ва меҳнат дафтарчалари асосида махсус рўйхатлар тузилади.

Рўйхатга мазкур корхонанинг ҳам умумий, ҳам имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини олувчи барча ходимлари киритилади.

Корхона маъмурияти рўйхатда кўрсатилган ходимларга пенсия тайинлаш учун олдиндан ҳужжатлар тайёрлашга киришади. Зарур ҳолларда етишмаётган ҳужжатларни сўраб олиш, тегишли ҳолларда эса ходимнинг фикри бўйича унинг иш даврларини тасдиқлаши мумкин бўлган гувоҳларни қидириб топиш чоралари кўрилиши керак.

Корхона маъмурияти тўплаган барча ҳужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради.

Корхона маъмурияти ходим пенсия ёшига етган кундан кечиктирмай унинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлигини билдиришга мажбурдир,

Ҳужжатлар ва тақдимнома ходимнинг аризаси билан бирга аризачининг яшаш жойидаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига юборилади. Корхона маъмурияти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тўплай олмаган ҳолларда, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига бор ҳужжатлар топширилади, етишмаган ҳужжатлар эса назарда тутилган муддатларда кўшимча равишда тақдим этилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчаси учун битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг пенсиядаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади.

Агар туғилган вақтини кўрсатувчи ҳужжатда аниқ кун кўрсатилмай ой кўрсатилган бўлса, тегишли ойнинг 15 куни туғилган кун ҳисобланади.

Агар тақдим этилган ҳужжатда фақат туғилган йили кўрсатилиб туғилган оғи кўрсатилмаган бўлса, шу йилнинг 1 июли туғилган кун ҳисобланади.

Пенсионерларга расмий ҳужжат ҳисобланадиган пенсия гувоҳномаси берилади. Фуқароларнинг пенсия таъминотидаги барча ўзгаришлар уларнинг пенсия гувоҳномаларида ўз вақтида акс этирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 3 сентябрда 1710-сон билан рўйхатга олинган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 118-сон буйруғи билан “Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида ҳақидаги Йўриқнома” тасдиқланган бўлиб⁷³, ушбу Йўриқнома Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларида пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни қабул қилиш, пенсия ҳужжатларининг шакллари, тўлдирилиш қоидалари, пенсия иши йиғма жилдини расмийлаштириш, пенсия тайинлаш бўйича барча зарур ҳужжатлар ва рўйхатга олиш китобларини бир хил тартибда юритилишини ташкил этилишини таъминлайди.

9.2. . Пенсия тайинлашда ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби

Тайинланадиган пенсиялар миқдорини белгиловчи асосий омил - ўртача ойлик иш ҳақидан иборат. Шу сабабли ўртача ойлик иш ҳақи тўғри аниқланиши ва тўғри ҳисобланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Пенсия тайинлаш чоғида ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашнинг уумимий тартиби “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни 31-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра пенсияни ҳисоблаб

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 3 сентябрда 1710-сон билан рўйхатга олинган. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 368-модда.

чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади. Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажи учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланadиган иш ҳақининг барча турлари пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига қўшилади.

Давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига суғурта бадаллари олинadиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига биноан ўқув даврида тўланган стипендия иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдорига қараб аниқланади.

Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий суғуртага ўтказилган бадаллар миқдорига қараб баҳоланади.

Бошқа давлатлардан кўчиб келган, Ўзбекистон Республикасида ишламаган фуқароларга пенсиялар Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малакадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Башарти, бундай касб ҳамда малакалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

Чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинади.

Ишловчиларнинг иш ҳақига минтақавий коэффициент белгиланган ҳудудларда яшовчи шахслар ва оилаларга пенсия тайинлашда минтақавий коэффициент эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобга олинади.

Турли даврларда тайинланган давлат пенсияларини баробарлаштириш мақсадида жорий қилинган тузатиш коэффициентлари қўллаш тартиби соҳасида муайян ўзгаришлат жорий қилинди.

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш

Пенсиялар миқдорини ҳисоблаб чиқариш пайтида иш ҳақи миқдори ва меҳнат стажи ҳажми муҳим ўрин тутади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига кўра пенсияларнинг қатъий миқдори уч таркибий қисм:

- а) пенсиянинг таянч миқдори;
- б) иш стажи учун пенсиянинг оширилиши;
- в) пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан ташкил топади.

Ушбу уч таркибий қисмнинг аниқланиши турли пенсия турларида бир мунча ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, уларни ҳисоблаб чиқарилишида улар асос қилиб олинади.

Пенсиянинг таянч миқдори. а) ёшга доир тўлиқ пенсия учун-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида;

в) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида;

г) ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида.

Иш стажи учун пенсиянинг оширилиши. Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорлари қуйидагича оширилади:

а) ёшга доир пенсиялар-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун-боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз ҳисса миқдори доирасида амалга оширилади.

Ёшга доир пенсияларнинг ва I ҳамда II гуруҳ ногиронларига белгиланадиган ногиронлик пенсияларининг миқдори-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 75 фоизидан;

Пенсия миқдорини ҳисоблашдаги учинчи таркибий қисм – пенсияларга кўшиладиган устама ҳақлардир.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 28-моддасига кўра: “Ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

- а) I гуруҳ уруш ногиронларига-энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;
- б) II гуруҳ уруш ногиронларига-энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;
- в) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига-энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;
- д) I гуруҳ ногиронларига-энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;
- е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига-энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
- ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга-энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга-энг кам ойлик иш ҳақининг-30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга-хизматларига қараб-энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача;

л) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга-энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

м) театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра-энг кам ойлик иш ҳақининг-50 фоизи.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун-энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун-энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун-энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун-энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун-энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишига қонун ҳужжатларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга-хизматларига қараб-энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.(иккита устама ҳақ берилиши мумкин).

Тайинланган пенсиялар кейинчалик қайта ҳисобланиши мумкин. Пенсияни қайта ҳисоблашга асос бўладиган ана шундай ҳолатлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддасида кўрсатиб қўйилган бўлиб, улар қуйидаги ҳолларда қайта ҳисобланади:

пенсионер пенсия миқдори таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан амалга оширилади.

Пенсия миқдорини камайтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

9.3. *Пенсияларни тўлаш*

Тайинланган пенсияларни тўлаш тартиби “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган. Шунингдек,

Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни улар истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимлари тўлайди.

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида муружаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Ногиронлик пенсиясини оловчи шахс узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўриқдан ўтиш учун ТМЭКга бормаган ҳолларда унга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади. Кейинчалик уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Қайта кўриқдан ўтиш муддати узрли сабабга кўра ўтказиб юборилганда, агар ТМЭК уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўриқдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Бунда ногирон қайта кўриқдан ўтказиш чоғида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Умумий касаллик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронга меҳнат қобилияти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки узрсиз сабабларга кўра қайта кўриқдан ўтишга келмаганлиги оқибатида тўхтатиб қўйилган бўлса, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда, агар

пенсияни тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгиланган кундан бошлаб давом эттирилади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия яна умумий асосларда тайинланади.

Чин етим (отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган) болаларга улар тўлиқ давлат таъминотида турган даврида пенсия энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига жамғарма банкида очилган омонатга ўтказиб қўйилади.

Пенсионер вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади. Ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиганлар доирасига кирмаганлари тақдирида ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули оила аъзоларига ойнаинг у вафот топгунга қадар ўтган кунлари учун тўланади.

Оиланинг бир неча аъзоси мурожаат этган тақдирда пенсиянинг уларга тегишли суммаси уларнинг ўртасида тенг тақсимланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки хиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш Нафақаси тўланади.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади.

Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-харажат

ўртасидаги фарқ, лекин тайинланган пенсиянинг камида 10 фоизи, уруш ногиронларига эса камида 20 фоизи тўланади. Рухий беморлар интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

Пенсиялар тайинланган кундан бошлаб, яъни ёшга доир пенсия – пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган ва мурожаат этилган, ногиронлик белгиланган кундан бошлаб мурожаат қилинган бўлса, боқувчисини йўқотганлик пенсияси эса марҳум вафот қилган (пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган) кундан бошлаб олти ой ичида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган бўлса – пенсия олиш ҳуқуқи юзага келган кундан, бошқа ҳолларда – ариза берилган кундан бошлаб тайинланади ҳамда ишламайдиган пенсионерларга улар доимий истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

Тайинланган пенсияларни тўлаш пайтида ундан асоссиз ушлб қолиш тақиқланади. Шу билан бирга қуйида кўрсатилган ҳолларда пенсиядан ушдаб қлоишга йўл қўйилади: а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан-пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Пенсиядан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ортиқча тўланган пенсия пули бўйича қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда (масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибида ундирилади.

Ишламаётган пенсионерларга пенсияларни алоқа корхоналари (алоқа бўлимлари) орқали тўлашга оид бўлган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Алоқа вазирликлари томонидан биргаликда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 30 августда 165-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан пенсия ва ни тўлашга доир қўлланма»да белгилаб берилган⁷⁴.

Пенсия ва нафақа фақат пенсионернинг ёки нафақа олувчининг яшаш жойида (рўйхатдан ўтган ерда) тўланади. Шу сабабли топшириқнома ва рўйхат пенсия ёки нафақа олувчининг яшаш жойидаги алоқа боғламаси (почтамт) учун ҳақиқий ҳисобланади.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш тўлов ҳужжатларида кўрсатилган қатъи белгиланган муддатларда амалга оширилади. Ойлик тўлаш муддати пенсионерга биринчи тўлаш пайтида маълум қилинади.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш муддати дам олиш кунига ёки байрам кунига тўғри келганда республика банки билан келишиб, жорий ой давомида белгиланган тўлаш муддатидан уч кун олдин амалга оширилади.

Пенсия биринчи марта тўланганда пенсия олувчи томонидан топшириқнома паспорти асосида тўлғизилади, пенсия пули миқдорини, пенсия олинган кунни кўрсатиб, имзо чекади. паспорт маълумотлари почта ходими томонидан текшириб кўрилади.

⁷⁴ Қаранг: «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳлар. Т., 1996 йил, 214-бет.

Агар пенсия ёки нафақа пулини олувчи имзо қўя олмаса (саводсиз, саломатлик ҳолати бўйича), у бошқа кишини ёки қариндошини чақирishi керак (ижтимоий таъминот ва алоқа боғламаси ходимларидан ташқари). У пул олишга қўл қўяди ва ўз паспортининг рақами, серияси, ким томондан ва қачон берилганлигини кўрсатади. Почтачи бу маълумотларни кўрсатилган ҳужжат билан солиштириб текширади.

Пенсионер, нафақа олувчи пенсия, нафақа олиш ваколатини бошқа кишига ишонч қоғози орқали бериши мумкин (8-илова), бунда ишончнома нотариал тартибда ёки олувчи яшайдиган жойдаги маҳалла, қишлоқ (посёлка), овул фуқаролари йиғинида ёки ишончномани берган пенсионер даволанаётган даволаш муассасалари томонидан тасдиқланиши керак.

Пенсия ва нафақани ижтимоий таъминот ва почта алоқаси ходимларига ишончнома бўйича тўлаш қатъиян таъқиқланади.

Чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдидан 6 ойлиги олдиндан тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги қарори билан «Меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги туфайли тайинланган пенсияларни бошқа мамлакатларга ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган.

Пенсиялар тўлаш соҳасида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзоси бўлган давлатлар ўртасида 1992 йил 13 мартада ўзаро битим тузилган бўлиб, битим асосида бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик тартибга солинади.

Пенсиялар ва улар қўшиб бериладиган устама ҳақлардан солиқ олинмаслиги белгиланган.

Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш. Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлашнинг алоҳида қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222 – сон билан рўйхатга олинган “Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби Тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади⁷⁵.

Мазкур Низомга кўра:

а) Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга. Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг 2 ва 3-иловаларида белгилаб берилган;

б) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;

в) I ва II гуруҳ ногиронлари;

г) Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар. Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар доираси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли "Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида"ги қарорида белгиланган;

д) фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раисларига;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга - ёшга доир пенсияни олганда.

Қолган барча ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50 фоиз миқдорида пенсиялар тўланади.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011., 18-сон 183-модда.

Пенсионер ишдан бўшатилгани тақдирда корхона ёки муассаса пенсия тўлашни тўхтатади ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенионер яшаш жойидаги бўлимига қайси даврга қадар пенсия тўланганини кўрсатиб, хабар юборади.

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсиздик вазирлигида ҳисобда турган пенсионерларга пенсиялар улар амалда доимий яшаб турган ерларида халқ банки муассасалари орқали тўланади.

Меҳнат шартномаси асосида календарь йил давомида икки ойдан кўп бўлмаган вақт давомида ишлаганлари тақдирда пенсия тўла ҳажмда тўланади.

Пенсионер тўлиқ ёки тўлиқсиз иш вақти режимида ишлашидан қатъий назар бир календарь йилда икки ойдан кўп муддат ишлагани тақдирда тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари пенсионерларни ишга қабул қилганлари тақдирда 5 кунлик муддат ичида бу ҳақда пенсионер яшаб турган ердаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимига хабар беришга мажбурдирлар.

Пенсионер ишга киргани ёки хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлагани ҳақида Пенсия жамғармаси туман бўлимини хабардор қилиши лоим ва акс ҳолда ундан ортиқча тўланган пенсия пуллари қайтариб ундириб олинади.

Ўриндошлик билан ишовчи пенсионерларга пенсия асосий иш жойидан тўланади.

Ўзи учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи шахслар ишга кирган ҳолларда пенсия 50 фоиз миқдорида иш жойидан тўланади.

Бошқа оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи ишловчи фуқароларга (васийларга) пенсия уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда тўланади.

Хусусий (шахсий) тадбиркорлик билан шуғулланувчи пенсионерларга, шунингдек, деҳқон (фермер) хўжалигида ишловчиларга пенсия уларнинг

яшаш жойидаги ижтимоий таъминот идоралари томонидан 50 фоиз миқдорида тўланади (тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерлардан ташқари).

Муддатидан олдин тайинланган пенсия пенсионер ишга кирган (тадбиркорлик фаолияти билан ёки мустақил даромад манбаи саналувчи бошқа фаолият тури билан шуғулланабошлаган) заҳоти тўлашдан тўхтатилади.

9.5 . *Ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш ва тўлаш*

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчиларига (офицерлар, прапорщиклар, мичманлар ва бошқа муддатдан ташқари ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар) собиқ СССРнинг бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлиб турган «ҳарбий хизматчиларни пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қуйидаги пенсиялар тайинланади:

- а) узоқ йиллик ҳарбий хизмат пенсияси;
- б) ҳарбий хизмат ногиронлик пенсияси;
- в) ҳарбий хизматчи вафот этган тақдирда унинг қармоғида бўлиб келган меҳнатга яроқсиз шахсларга тайинландиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Юқорида эслатиб ўтилган қонунда ушбу пенсияларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси, пенсия тайинлаш асослари ва шартлари кўрсатиб қўйилган.

ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш, пенсияни тайинлаш ҳамда тўлаш тегишли ҳарбий органларнинг пенсия бўлимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб ҳамда муддатларда амалга оширилади.

1) ҳарбий хизматчиларга узоқ йиллик хизмат қилганлик пенсиясини тайинлаш

«ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунни 13-моддасига кўра узоқ йиллик хизмат пенсиясини олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

а) офицерлар, прапоршиқлар, мичманлар, муддатидан ташқари хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳарбий органларнинг бошлиқлар ҳамда оддий хизматчилар таркибидан бўлган шахслари – камида 20 йил ва ундан кўп хизмат қилган бўлсалар;

б) офицерлар, прапоршиқлар, мичманлар, ўрта, катта ва олий бошлиқлар таркибига кирувчи Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳарбий органларнинг ходимлари – 50 ёш ва ундан кейин ушбу ҳарбий хизматдан ёши туфайли ёки касаллиги, штатлар сони қисқартирилганлиги ёхуд саломатлиги аҳволи чекланганлиги оқибатида ҳарбий хизматдан бўшатирилган бўлсалар ҳамда хизматдан бўшатирилган кунга келиб камида 12 йилу 6 ой ҳарбий хизмат муддатига, камида 25 йил умумий меҳнат стажига эга бўлсалар.

Узоқ йиллик хизмат пенсиясининг миқдори қуйидагича бўлади:

а) 20 йиллик ҳарбий хизмат даври учун пул тўловларининг 40 фоизи, ёши ёки касаллиги туфайли хизматдан бўшатирилган ҳарбий хизматчиларга эса – йиллик тўловларнинг 45 фоизи; 20 йилдан ортиқча ҳарбий хизматнинг ҳар бир йили учун тегишли ойлик тўловнинг 3 фоизи, аммо унинг 75 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Камида 12 йилу 6 ой хизмат қилган, умумий меҳнат стажини 25 йилдан кам бўлмаган 50 ёшдан ошган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳарбий органлар хизматчилари учун умумий 25 йиллик иш стажини учун ҳарбий хизматчи ойлигининг 40 фоизи ва 25 йилдан ортиқча ҳар бир тўлиқ меҳнат стажини йили учун 1 фоиздан кўшимча ҳақ миқдорида пенсия тайинланади.

харбий хизматчиларнинг энг кам пенсияси миқдори пенсияларнинг расман белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

харбий хизматчиларнинг узоқ йиллик хизмат пенсияларига улар қарамоғида меҳнатга яроқсиз оила аъзолари борлиги, улар I гуруҳ ногирони, 80 ёшдан ошган пенсионерлар уларнинг қарамоғларида эканлиги ҳисобга олиниб устамалар қўшиб беришлик назарда тутилган.

2) харбий хизматчиларга ногиронлик пенсиясини тайинлаш

харбий хизматчи сифатида ногиронлик пенсиясини олишга қуйидагилар ҳақли бўладилар:

а) агар ногиронлик харбий хизмат бурчини ўташ пайтида юз берган бўлса;

б) харбий хизматдан бўшатирилганларидан сўнг уч ой ўтмасдан юз берган бўлса;

в) ногиронлик кейинчалик юз берган бўлса-да, аммо унинг сабаблари харбий хизматни ўташ даврида олинган яраланиш, контузия ёки жароҳатлар оқибатида юз берган бўлса.

Ногиронлик гуруҳлари, сабаблари ва юз бериш вақти ТМЭК томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади. Ногиронлик, унинг сабабларига кўра уруш ногирони ва харбий хизмат билан боғлиқ бўлмаган ногиронликка бўлинади.

харбий хизматчиларга қуйидаги миқдорда ногиронлик пенсияси тайинланади:

а) I-II гуруҳ уруш ногиронларига улар ойлик пул тўловларининг 75 фоизи;

б) III гуруҳ уруш ногиронларига – ойлик маошларининг 50 фоизи;

в) бошқа ногиронларга: I-II гуруҳлар учун 55 фоиз, III гуруҳ ногиронлари учун эса 30 фоиз ойлик маошлари миқдоридан.

харбий хизматчиларнинг ногиронлик пенсияларига қонун ҳужжатларда белгилаб қўйилган миқдорда устамалар қўшиб берилади («харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси).

3) ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш

ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга қуйидаги ҳолларда ҳақли бўладилар:

а) агар боқувчи ҳарбий хизматни ўташ даврида вафот этган бўлса;

б) агар боқувчи ҳарбий хизматдан бўшатиладиган уч ой ўтмасдан туриб вафот этса;

в) агар боқувчи хизматдан бўшатиладиган, 3 ойдан кўп вақт ўтгач вафот этган бўлса-да, аммо унинг ўлимига хизматни ўташ даврида юз берган яраланиш, контузия ва бошқа жароҳатлар сабаб бўлган бўлса;

г) вафот этган пенсионер ҳарбий хизматчи пенсия олаётган даврда ёки пенсия тўлаш тўхтатилганидан сўнг 5 йил ўтмасдан туриб вафот этган бўлса;

д) ҳарбий харажатлар даврида бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари вафот этган ҳарбий хизматчи оила аъзоларига тенглаштириладилар.

ҳарбий хизматчи оила аъзоси сифатида боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига унинг қарамоғда бўлиб келган, меҳнатга яроқсиз бўлган қуйидаги шахслар ҳақли саналадилар:

а) марҳум ҳарбий хизматчининг 18 ёшга тўлмаган болалари, 18 ёшга етмаган ука-сингиллари, набиралари, 18 ёшга етган бўлса-да ногирон болалари, ука, сингиллари, набиралари (агар уларнинг меҳнатга яроқли ота-оналари бўлмаса);

б) 60 ёшдан ошган отаси, 55 ёшдан ошган онаси ёки бу ёшга етмасаларда – ногирон бўлсалар;

в) марҳумнинг 8 ёшга етмаган боласи парвариши билан банд бўлган ва ишламаётган хотини (эри), ота-онаси, бобоси, буваси, опа-сингиллари ёшидан қатъи назар;

г) марҳумнинг бобоси ва буваси агар қонун бўйича уларни боқишга мажбур бўлган бошқа қариндошлари бўлмаса.

Ота-онасидан маҳрум бўлиб қолган (чин етим) ҳарбий хизматчининг етим болаларига улар тўлиқ давлат таъминотида бўлган ҳолларда ҳам пенсия 100 фоиз тўланади. Бошқа етим болалар (ҳарбий хизматчи болалари) давлат таъминотида бўлганларида эса тайин этилган пенсиянинг 25 фоизи тўланади.

ҳарбий хизматчининг хотини (эри) янги никоҳга кирганида ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ўғай ота, ўғай она башарти вафот этган ҳарбий хизматчи ўғай фарзандни камида 5 йил тарбиялаган ёки таъминлаган бўлса боқувчисини йўқотганлик пенсияси олишга ҳақли оила аъзолар таркибига киради.

Фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар умумий асосларда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олишга ҳақли бўладилар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг миқдори

Ўзбекистонни ҳимоя қилиш пайтида ва бошқа ҳарбий ҳаракатлар пайтидаги яраланиш, контузия ёки жароҳатлардан вафот этган ҳарбий хизматчилар (Ички ишлар вазирлиги Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳарбий органларнинг ходимлари)нинг пенсия олишга ҳақли бўлган меҳнатга яроқсиз ҳар бир оила аъзосига марҳум ҳарбий хизматчи ойлик маошининг 40 фоизи миқдорида пенсия тайинланади.

ҳарбий хизмат ва ҳарбий бурчни бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг қарамоғида бўлган меҳнатга яроқсиз оила аъзоларининг ҳар бирига марҳум ҳарбий хизматчи ойлик маошининг 30 фоизи миқдорида пенсия тайинланади.

ҳарбий хизматчи оила аъзоларига тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган (ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддаси).

ҳарбий хизматчи оила аъзоларига ягона пенсия тайинланади ва ҳар бир оила аъзоси талаби билан умумий боқувчисини йўқотганлик пенсиясидан тегишли ҳисса ажратиб берилиши мумкин.

ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсиялар тайинлаш тартиби, муддатлари ҳамда пенсияларнинг тўланиш тартиблари «Ҳарбий

хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда (қонуннинг VI (51-54-моддалари) ва VII (55-63-моддалари) бўлимларида ҳамда тегишли ҳарбий идора (Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқалар) томонидан қабул қилинадиган идоравий меъёрий ҳужжатлар билан⁷⁶ тартибга солинади.

ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзолари ҳарбий хизмат пенсияси ўрнига ўз хоҳишлари билан умумий (фуқаролик) пенсияларини олишга ҳам ҳақли бўладилар.

К А Л И Т С Ў З Л А Р. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилиш. Пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатлар. Пенсия тайинловчи органлар. Ишлаётган ходимларга пенсия тайинлаш. Пенсия тайинлашга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш . Пенсия тайинлашни рад этиш. Ҳарбий хизматчига ёки унинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1. Пенсия тайинлашни сўраб қачон мурожаат қилиш мумкин ?*
- 2. Пенсия тайинлаш ҳақидаги аризага қайси ҳужжатлар илова қилинади ?*
- 3. Пенсиялар қайси давлат органи томонидан тайинланади ?*
- 4. Ишлаётган ходимлар учун пенсия тайинлаш ҳақидаги ҳужжатлар ким томонидан тақдим қилинади ?*
- 5. Пенсия тайинлашга оид ҳужжатлар қанса муддат ичида кўриб чиқилиши лозим ?*
- 6. Ҳарбий хизматчига ёки унинг оила аъзоларига пенсия ким томонидан тайинланади ?*
- 7. Пенсия тайинлаш чоғида ўртача ойлик иш ҳақи қандай ҳисобланади ?*
- 8. Ишни тўхтатган шахсларга ва яқка тадбиркор фуқароларга пенсия қандай тайинланади ?*
- 9. Тайинланган пенсияларни тўлаш тартиби қандай ?*
- 10. Ишни давом эттираётган пенсионерларга пенсия тилаш қандай тартибда амалга оширилади ?*
- 11. Пенсиялардан чегирма қилиш қандай тартибда амалга оширилиши мумкин ?*

⁷⁶ Масалан, Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 21 декабрда рўйқатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пенсионерларига пенсияларни тўлашнинг вақтинчалик тартиби.

10-БОБ. ФУҚАРОЛАРГА ТАЙИНЛАНАДИГАН ВА ТЎЛАНАДИГАН НАФАҚАЛАР

10.1. *Нафақалар тушунчаси, уларнинг умумий таснифи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқида тутган ўрни*

Бозор муносабатлари қарор топиши шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий таъминоти шаклларида бири – фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган нафақалардан иборат бўлиб, улар ўзининг миқёси ва кенг қамровлилиги жиҳатдан пенсиялардан кейин иккинчи ўринда туради ва аҳолининг муайян ночор табақаларига аниқ йўналтирилганлиги, одатда эҳтиёжмандларга тайинланиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Қанчалик қийин бўлмасин, давлат ва жамият пенсионерлар, серфарзанд оилалар, талабалар ҳамда аҳолининг кучли ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа табақалари хусусида ғамхўрлик қилишни бир дақиқа бўлса ҳам унутгани йўқ»⁷⁷.

Ўзбекистонда ижтимоий кўллаб-қувватлаш, нафақалар билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тобора аҳолининг ночор қатламларига аниқроқ йўналтирилмоқда ва бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти ҳамда ваколатлари мунтазам ошириб борилмоқда.

«Давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар демократик тус олмақда, – деган эди Республика Президенти И.А.Каримов, – давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ваколатлари кенгаймоқда. Уларнинг ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни тобора салмоқли ва фаол бўлиб бормоқда»⁷⁸.

⁷⁷ Қаранг: Ислом Каримов. «Ҳозирги босқичда демократик ислоқоҳларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазибалари». “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби». 5-том, Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 113-бет.

⁷⁸Юқоридаги манба, 288-бет.

Аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунчилик фаолияти тобора кучайиб бораётгани ва ўзининг зарурий ҳуқуқий базасига, бугунги кун талабларини ўзида акс эттирувчи қонунчилик тизимига эга экани билан диққатга сазовордир. Бунда айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилалар давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони, 2002 йил 25 январдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони алоҳида ўрин тутди.

Кейинги йиллар давомида ҳам аҳолини ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш шакли сифатида нафақаларнинг аҳамиятини оширишга эътибор қаратиб келинмоқда.

Нафақа ижтимоий таъминот ҳуқуқига оид категория сифатида фуқароларга ёки оилага давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари, давлат бюджети ҳамда бошқа махсус манбалардан пул шаклида, мунтазам равишда ёки бир марта кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамдан иборат бўлиб, пенсиялардан фарқ қилади ва одатда ёрдамчи хусусиятга эга бўлади ҳамда фуқаро турмуш кечиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Пенсияларга хос бўлган асосий хусусиятлар – пул шаклида берилиши, қайтариб олинмаслик шарти билан ва текинга берилиши кабилар нафақаларга ҳам хосдир.

Пенсиялардан фарқли ўлароқ, нафақа вақтинчалик хусусиятга эга, турмуш даражасини таъминлашнинг қўшимча манбаи бўлиб саналади ва тайинланишида нафақа олувчининг аввалги меҳнат фаолияти ва меҳнат стажи ҳар доим ҳам унчалик катта аҳамиятга эга бўлмайди.

Тўланиш манбаларига кўра нафақалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан) тўланадиган ;

2. Давлат бюджет маблағларидан тўланадиган ;

3. Бошқа манбалардан тўланадиган нафақаларга бўлинади.

Даврийлигига кўра:

1) Мунтазам тарзда узоқ муддат давомида тўланадиган ;

2) Муайян муддат давомида тўланадиган ;

3) Бир марта тўланадиган нафақаларга бўлинади.

Нафақани олувчилар тоифасига кўра:

1) Фуқароларга тайинланадиган;

2) Оилага яхлит кўринишда тайинланадиган нафақалар мавжуд.

Булардан ташқари, нафақа:

1) корхона ва ташкилотларнинг ходимларига тўланадиган;

2) болаларга тўланадиган;

3) ногиронларга тўланадиган;

4) ёлғиз қарияларга тўланадиган ва бошқа турдаги бўлиши мумкин.

Нафақаларнинг турларини, уларни тайинлаш ва тўлашга оид қонунчилик қоидаларини билиш бу соҳада қонунийликни таъминланиши, ижтимоий адолат қарор топтирилишида катта аҳамиятга эга.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш ва тўлаш

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинланадиган ва тўланадиган нафақалар фуқароларни ижтимоий-моддий таъминлашда етакчи ўрин тутади.

Ижтимоий таъминотнинг ушбу шакли фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган муҳим ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (XVI боб, 282-294-моддалар)⁷⁹; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил

⁷⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Т., «Адолат», 2010 йил.

24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаш тартиби» ҳамда «Дехқон хўжалиги аъзолари ижтимоий суғуртаси ва ижтимоий таъминоти тўғрисида»ги низом⁸⁰ ва ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 май куни рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом билан⁸¹ ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа олишга талабгор фуқаронинг (ёки унинг оила аъзосини) меҳнат фаолияти билан, унинг учун иш берувчилар томонидан ёки бевосита ўзи томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ижтимоий суғуртаси бадаллари ўз вақтида, тўлиқ ва мунтазам равишда тўлаб берилганлиги билан боғлиқ қилиб қўйилган. Яъни ижтимоий суғурта бадаллари тўланмайдиган иш фаолияти билан шуғулланиш ёки суғурта бадалларини мунтазам тўланмаганлиги одатда ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳуқуқининг пайдо бўлмаслигига сабаб бўлади, «Суғурта бадаллари тўланмаган бўлса нафақа ҳам тайинланмайди» деган тамойил амал қилади. Аммо Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 284-моддаси, иккинчи қисмига кўра: «Иш берувчининг давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганлиги суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди». Корхоналар ихтиёрий тўламаган ёки кечиктирган суғурта бадаллари солиқ боқимандаларига тенглаштирилгани ҳолда молиявий санкциялар қўлланилиб кейинчалик мажбурий тарзда ундириб олинади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа суғурталанган ходимларга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда, бошқа

⁸⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 16-сон, 109-модда.

⁸¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралари меъёрий ҳужжатлари Ақборотномаси. 2002 йил, 9-сон.

фуқароларга ҳам берилади. Умумий қоидага кўра ходим иш берувчи билан меҳнат муносабатларида (синов даврида ҳам) бўлган даврда унда нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Айрим ҳолларда, яъни меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилингандан (Меҳнат кодексининг 67-моддаси) кейин бир ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

. Нафақа, меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, вафот этган ёки бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинганда тўланади. Бунда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси уни олиш учун мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) кунлари ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатилиши тўғрисида низо кўрилатган даврга тўғри келган ҳолларда, у ишга тикланган тақдирдагина (барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун) нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

«Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1-бандига кўра бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта бўйича қуйидаги берилади:

- ҳомиладорлик ва туғиш учун;
- бола туғилгани учун;
- қўшимча дам олиш кунини учун;
- дафн этиш маросими учун.

2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар бюджет ташкилотлари томонидан - меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

- Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан - фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб

ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 25 июндаги “Давлат ижтимоий суғуртаси нафақаларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги М-31-сонли буйруғи).

Энди ушбу нафақаларни тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. *Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси*

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик пайтида бериладиган нафақа турли сабаблар билан (касаллиги, ёш болалар ёки бошқа бемор оила аъзоларини парваришлаш ва бошқалар) туфайли иўлаш ва иш ҳақи олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини моддий қўллаб-қувватлашнинг муҳим шакли саналади.

«Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик» тушунчаси қонун ҳужжатларида кенг маънода талқин этилади ва касаллик ёки жароҳат олиш туфайли меҳнат лаёқати вақтинча йўқолиб қолишдан бошқа бир қатор ҳолатларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

«Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига кўра қуйидаги ҳолларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик юэ бериши назарда тутилган:

- а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);
- б) санаторий-курортларда даволанганда;
- в) касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;
- г) карантинда;
- д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
- е) меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Демак, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тушунчаси анча кенг маънога эга.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси фақат белгиланган тартибда, берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асосидагина тайинланиши мумкин.

«Ишлаётган фуқароларнинг ва ўқувчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлигини Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 19 январда рўйхатга олинган бўлиб⁸², унга асосан ногирон бўлмаса-да, муайян меҳнат шароитига муҳтож шахслар учун тавсия этиладиган ишлар; узоқ ёки доимийга меҳнат қобилиятини йўқотган шахсларни аниқлаш ва уларни текшириш учун ТМЭКларга юбориш; даволаш-диагностика жараёнларини тўғри ташкил этиш, меҳнатга лаёқатсизлик сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш каби тадбирлар амалга оширилади. Мазкур низомга кўра вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни экспертизадан ўтказишга ваколатли бўлган даволаш-профилактика органлари, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарликлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 19 январь куни «Меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва маълумотномаларини бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома рўйхатга олинган⁸³.

Ушбу йўриқномада кўрсатилишича, мулкчилик шакли, хўжалик мансублиги, хўжалик фаолиятининг туридан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилотларда ёлланиб ишловчи, яқка тадбиркорлик билан шуғулланувчи, деҳқон хўжаликларида меҳнат қилувчи барча ходимларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллардаги меҳнатга қобилиятсизлик варақаси, тегишли ҳолларда эса маълумотнома билан тасдиқланади.

⁸² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий қўжатлари Ақборотномаси, 2000 йил, 2-сон.

⁸³ Қаранг: ўша манба.

Ишламаётган, иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътилда бўлган шахслар, ҳарбий хизматчилар (эркин ёлланганлардан ташқари), аттестация қилинган Ички ишлар вазирлиги ходимларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси берилмаслик кўзда тутилган.

Меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси билан қуйидаги ҳолатлар тасдиқланади:

- а) ходимнинг ўз ишидан озод этилганлиги;
- б) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик пайтида нафақа олишга бўлган ҳуқуқи;
- в) касаллик юз берганлиги факти ҳисобга олинганлиги.

Меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ўрнига маълумотнома берилганида унинг воситасида:

- а) ходимнинг ишдан озод этилганлиги;
- б) касаллик юз берганлиги факти ҳисобга олинганлиги тасдиқланади.

Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ёки бу ҳақдаги маълумотнома ваколат берилган давлат-профилактика муассасалари томонидан, истисно тариқасида ва махсус тартибга кўра нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан берилиши мумкин бўлади.

«Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ва маълумотномасини бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 8-бандига мувофиқ меҳнатга лаёқатсизлик варақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

- а) вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган ҳолда касал бўлиб қолиш (жароҳат олиш);
- б) ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланганда;
- в) бемор оила аъзосини парваришлаши зарур бўлиб қолганида;
- г) санатория-курорт (амбулатория-курорт)да даволаниш пайтида;
- д) сил касаллиги ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
- е) карантин юз берганида;

ж) стационар протез-ортопедия корхонасида протезлаш амалга оширилганида.

Амбулатория-поликлиника шароитида даволанганида меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси даволовчи врач томонидан 5 кунгача муддатга берилиши мумкин. 5 кун ўтгач, ҳар сафар 10 кунгача муддатга даволовчи врач томонидан бўлим бошлиғи билан биргаликда, бўлим бошлиғи бўлмаганида эса врачлар маслаҳат комиссияси (ВКК) раиси билан биргаликда бемор соғайгунига қадар ёки у тиббий меҳнат эксперт комиссиясига юборилгунига қадар узайтирилиши мумкин.

Узоқ вақт касал бўлган шахслар меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кундан бошлаб узоғи билан 3 ой ичида (бир хил касаллик билан 12 ой давомида жами бўлиб 4 ой меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганда) ТМЭКга жўнатилишлари лозим.

Алкоголли ичимлик истеъмол қилиши оқибатида касал бўлган ёки жароҳат олган шахсларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ўрнига маълумотнома берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақасини расмийлаштириш, уни бериш тартиблари, шартлари юқорида айтиб ўтилган йўриқномада белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси меҳнат қобилиятини йўқотганлик варақаси расмийлаштирилишининг тўғри юритилиши, унинг юзасидан молия операцияларининг амалга оширилиши, ушбу варақаларнинг ҳисобга олиниши улар юзасидан ҳисоботлар тўғрилиги устидан назорат олиб боради.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқолган ҳолларда, нафақа, унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнат қобилияти йўқолган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан ногиронлик белгилангунга

қадар, ҳатто бу даврда ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам берилади.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган шахсларга нафақа улар ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Иш ҳақи, суткалик ва кўчиш бўйича харажатларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимга иш жойига бораётган даврда бошланган меҳнатга қобилиятсизлик кунлари учун нафақа тўланади.

Ходимнинг меҳнатга қобилиятсизлик кунлари йиллик (асосий ва қўшимча) таътил даврига тўғри келган ҳолларда, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлар учун нафақа тўланади.

Санаторий-курортда даволанишда, агар асосий ва қўшимча таътил ходимнинг санаторийда даволаниши учун етарли бўлмаса, нафақа берилади. Бундай ҳолда санаторий-курортда даволанишнинг барча даври учун (йўлланма, даволаниш муддати) санаторийга бориш-келиш вақтини қўшиб, аммо ходимнинг йиллик таътилини чиқариб ташлаган ҳолда нафақа берилади.

Асосий ва қўшимча таътилдан санаторийга боришдан олдин фойдаланган бўлса ҳам нафақа уни чиқариб ташлаган ҳолда берилади. Бунда иш берувчи таътилнинг етмайдиган вақти учун ходим билан келишиб, унга иш ҳақи сақланмаган таътил беради.

Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, байналмилал жангчиларга, Ченобиль АЭС фалокати оқибатларини тугатишда қатнашган шахсларга, шунингдек, санаторийга даволанишни давом эттириш учун даволаш муассасаларидан ўткир миокард инфаркти билан касалланган, жарроҳлик услуби билан юракнинг аортакоронар шунтровкаси ва аневризмлари, ошқозоннинг ярали касаллиги, ўн икки бармоқ ичак касаллигидан даволанган ва ўт пуфагини олиб ташлашдан кейин бевосита юборилган ходимларга,

шунингдек, сил касаллиги билан оғриганларга нафақа санаторийда бўлган барча вақт учун берилади.

Ўн олти ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (ҳомийга ёки васийга), ногирон боланинг санаторийда даволанган барча даври учун (санаторийга бориб-келиш вақтини ҳисобга олиб) унга яқка тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда нафақа берилади.

Уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришlashда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришlashга қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.

Уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришlashда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришlashга қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.

Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор бировнинг парваришига мухтож бўлган, лекин 7 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Ўн тўрт ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси болага парвариш керак бўлган, аммо 14 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Агарда ходим карантин вақтида санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан атрофидаги шахслар орқали юқумли касалликка чалиниш хавфининг олдини олиш мақсадида ишдан четлатилган бўлса.

Мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа умумий асосларда, бошқа сабаблар оқибатидаги вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича

нафақа мавсумий ёки вақтинчалик иш тўғрисида тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган иш кунлари доирасида тўланади.

Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигидан ташқари, кетма-кет икки ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга берилади.

Ишлаётган Иккинчи жаҳон урушининг ногиронларига ва имтиёзлари жиҳатдан уларга тенглаштирилган бошқа ногиронларга, Чернобиль АЭСдаги фалокат ёки унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик Нафақаси (меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигидан ташқари) кетма-кет тўрт ойгача ёки календарь йилда беш ойгача берилади.

Агар ишловчи ногироннинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунга ёки меҳнатда майибланиш ёхуд касб касаллиги билан боғлиқ ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунга қадар тўланади.

Сил касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа шахс тўла соғайгунга қадар, лекин кўпи билан 10 ойга берилади.

Ходим сил касаллиги билан қайта касалланганда ёки сил касаллиги оқибатида ногирон деб топилганда нафақа кўпи билан 6 ойга берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик қуйидаги даврларга тўғри келганда нафақа тўланмайди:

иш ҳақи сақланмаган таътил;

болани парваришлаш бўйича таътил;

иш вақтинча тўхтатилган;

ходим ишдан (лавозимдан) четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тўхтатиб кўйилганлиги сабабли ишламаган;

харбий ўқув ёки текширув йиғини;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил.

Бу даврларда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходим ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилмайди:

ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда;

гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда (жароҳатланганда);

жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;

суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда (руҳий касаллардан ташқари);

ҳибсда бўлган даврда;

суд-тиббий-экспертизасидан ўтиш даврида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланишидан олдин узрсиз сабабларга кўра ишга келмаган, улар учун шифокор белгилаган тартибни бузган, ёки узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда шифокор кўригига ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясига (ТМЭК) келмаган ходимлар қондани бузиш рўй берган кундан бошлаб корхонанинг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси белгилайдиган муддатга нафақа дан маҳрум қилинадилар.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда деҳқон хўжалиги аъзолари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўламаган, шифокор белгилаган тартибни бузган ёки узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда шифокор кўригига ёки ТМЭКга келмаган ҳолларда, бузиш содир бўлган кундан

бошлаб Бюджетдан ташқри Пенсия жамғармаси туман(шаҳар) бўлими томонидан белгиланган муддатга нафақа дан маҳрум қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра:

2002 йил 1 мартдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорда;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

қолган ҳолларда, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача миқдорда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача, меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат, шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан берилган маълумотнома асосида ҳисобланган умумий иш стажига мувофиқ аниқланади.

2. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа

Ишлаётган аёлларга 70 календарь кундан иборат ҳомиладорлик таътили ва бола туғилгач 56 календарь кун (эгизак бола туғилса ёки туғиш оғир кечган ҳолларда 70 календарь кун) миқдорида ҳомиладорлик ва туғиш тахтили берилади. Ушбу таътил даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиб қолинади ҳамда уларга ушбу давр учун давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобдан нафақа берилади.

«Давлат ижтимоий суғурта бўйича тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ни тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқолган ҳолларда нафақа унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади.

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ходим ишдан бўшатилишининг нотўғрилиги ҳақида низо кетаётган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа у ишга қайта тикланган тақдирда берилади. Бунда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ни аёлни ишга қайта тиклаш тўғрисида қарор чиққандан сўнг, нафақа тўланмаган барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун тўланади.

Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тамомлаган ва

белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Ишни вақтинчалик тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, нафақа кўрсатилган давр тугагандан кейин аёл чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Ходим йиллик (асосий ва қўшимча) таътилда ва болани парваришлаш учун таътилда бўлган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинга 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунига бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффициенти ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

Иш ҳақи тўлаш тўхтатилиб, ишдан (лавозимдан) четлаштириш оқибатида аёл ишламаган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилган ҳолда нафақа тўланмайди. Агар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил ишга қўйилгандан кейин ҳам давом этадиган бўлса, нафақа у ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади.

3. Бола туғилганда бериладиган нафақа (суюнчи пули)

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида берилади.

Иш ҳақиға коэффициент қўлланиладиган туманларда нафақа ушбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ишлаётган аёлларга, ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурада таҳсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тегишлича иш ёки ўқиш жойидан тўланади.

Боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган отаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга тўланади.

Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилганда нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Фарзандликка олинган болаларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа умумий асосларда берилади.

Агар аёл ҳомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бўшаб, шу давр мобайнида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олган бўлса, бир марталик нафақа умумий асосларда берилади.

Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

4. Қўшимча дам олиш куни учун нафақа

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 230-моддасига кўра:

«Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳамда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади».

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 84-бандига кўра эса “Ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

Ногирон болани тарбиялаётган ишлаётган ота-онанинг бири (васий, хомийнинг) бу ҳақда берган аризаси ҳамда ногирон болани тарбиялаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида иш берувчи бу ҳақда буйруқ чиқаради ҳамда ҳар ойнинг қайси аниқ санасида бир кун кўшимча дам олиш кунни берилиши масаласи ушбу ҳуқуқдан фойдаланаётган ота ёки она (ҳомий, васий) билан келишиб белгиланади.

Ногирон болаларни ту\руқ бўлимлари (чақаолқлар, болалар уйлари)дан фарзандликка олган шахсларга ҳам ушбу нафақа тайинланаверади.

5. Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 288-моддасига мувофиқ: «Суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда дафн этиш маросими учун нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонунига⁸⁴ кўра ҳам дафн этиш учун нафақа тўлаш назарда тутилган.

«Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра:

Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган куйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади:

- а) турмуш ўртоғи;
- б) 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари;
- в) ота-онаси;
- г) бобоси ёки бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат хўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасим қонун ҳужжатлари тўплами. 2010., 52-сон, 508-модда.

ҳисобланувчи ва ҳоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади.

Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимга берилади.

Аёлнинг ҳомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида берилади.

Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

Иш ҳақиға район коэффиценти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффицентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа, агар унга сўнгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса берилади.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратурада, аспирантурада, клиник ординатурада, докторантурада таҳсил олаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари вафот этган тақдирда, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Мактаблар, курсларнинг (кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва тайёрлаш бўйича), шунингдек, малака ошириш институтлари ўқувчилари ва тингловчилари ёки уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, институтларга корхона томонидан юборилган

бўлсалар ва уларнинг ўқиш давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сақланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 майдаги қарори билан «Кексалар ва меҳнатга яроқсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди⁸⁵.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган «Болалиқдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра ҳаёт чоғида нафақа олган ёлғиз кексалар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногирон шахслар вафот этганларида, уларнинг оила аъзоларига ёки уларни дафн этишни амалга оширган шахсларга белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида дафн қилиш Нафақаси берилади. нафақа бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан берилади.

Бир йўла бериладиган нафақа ни олиш учун марҳумнинг оила аъзолари ёки бошқа шахслар марҳум вафотидан бошлаб 6 ой ичида вафот этган шахс нафақа олувчи сифатида ҳисобда турган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишлари лозим.

Бундай нафақа ни олишлик учун:

- а) вафот этганлик ҳақидаги маълумотнома (асл нусхаси);
- б) дафн этиш аризачи томонидан амалга оширилгани ҳақида фуқаролар йиғини маълумотномаси тақдим этилади.

Бир йўла бериладиган дафн қилиш нафақаси бериш ҳақидаги аризани ижтимоий таъминот органлари томонидан кўриб чиқиш тартиблари, муддатлари, аризани рад этиш асослари, ижтимоий таъминот бўлимининг

⁸⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун қўжатлари. 2002 йил, 9-сон, 65-модда.

аризани рад этиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган. Дафн қилиш нафақасидан солиқ олинмайди.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ни тайинлаш ва тўлаш тартиби бу ҳақдаги низомда белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра:

ходимнинг асосий иш жойидан корхонанинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия таркиби, аъзолари сони ва раиси корхона раҳбарининг буйруғи ёки бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия меҳнатда майибланганларга, касб касаллигига чалинганларга нафақа тайинлаш, нафақа тўлашни рад этиш, нафақа дан (тўлиқ ёки қисман) маҳрум этиш ва нафақа олиш ҳуқуқи юзасидан келиб чиққан низоларни, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бошқа ҳужжатларнинг асосли равишда ва тўғри берилганлигини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. қолган барча ҳолларда ни комиссиянинг шу ишга вакил қилинган аъзоси тайинлайди.

Комиссиялар бўлмаган корхоналарда , иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, деҳқон хўжалиги аъзоларига, шунингдек айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганларга ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

ўқувчи, талаба ва аспирантларга мазкур низомнинг 80-91-бандларига биноан ўқиш жойларида тайинланади ва тўланади.

куролли кучлар сафидан озод этилгандан кейин вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга нафақа мазкур Низомнинг 5-бандига биноан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади.

Ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик муддати тугаганидан сўнг чиқишининг биринчи кундаёқ корхонага вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этадилар. Меҳнатга қобилиятсизлик давом

этаётган ҳолларда, навбатдаги иш ҳақи берилиши вақти келганда топширилиши мумкин.

Корхонада вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг «Табелчи томонидан ва кадрлар бўлими томонидан тўлдирилади» деган бўлимларига зарур маълумотлар ёзилади ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (бемор ҳақидаги маълумотлар ёзиб, имзо қўйилади) ижтимоий суғурта комиссиясига топширилади.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда нафақа ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлганлик ҳақидаги (Н-1-шаклда) далолатнома асосида тайинланади.

Агар бахтсиз ҳодиса бошқа шароитларда рўй берса (уйда ишга бориш ёки ишдан қайтишда, давлат ёки жамоатчилик бурчини бажараётган пайтда), нафақа рўй берган бахтсизлик сабаблари иш берувчи томонидан ўрганиб чиқилгандан кейингина тайинланади.

Нафақа олиш ҳуқуқи ижтимоий суғурта бўйича комиссия ёки вакил қилинган комиссия аъзоси ҳар бир вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича тўлов амалга оширилиши лозим бўлган кунлар сонини ва иш ҳақиға нисбатан белгиланадиган нафақа фоизи миқдорини белгилайди. нафақа фоизи миқдори нафақа белгилаш баённомасида ва комиссия раиси ёки вакил қилинган комиссия аъзосининг имзоси қўйилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида қайд қилинади.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа комиссия томонидан (жароҳатланган ходимнинг аҳволи комиссия мажлисига келишга имкон берган тақдирда унинг иштирокида) тайинланади. нафақа дан маҳрум этиш, нафақа дан тўлиқ ёки қисман рад этиш масаласи нафақа олувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

Ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича нафақа олиш ҳуқуқиға эга бўлмаган тақдирда, комиссия нафақа бермаслик тўғрисида қарор чиқаради ва рад этиш сабабларини вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасига қайд этади.

Нафақа тайинлангандан сўнг комиссия ёки вакил қилинган комиссия аъзоси корхонанинг ҳисоб-китоб бўлимига нафақа чиқариш ва тўлаш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини топширади.

Тўланадиган ва тўланмайдиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари, шунингдек, нафақа олиш учун тақдим этилган барча бошқа ҳужжатлар корхона бухгалтериясида пуллик ҳужжатларга тенг ҳолда, барча харажат ҳужжатларидан алоҳида ҳолда сақланади.

хомиладорлик ва туғиш нафақаси туғишдан олдин амалда фойдаланилган кунларнинг сонидан қатъи назар, таътилнинг тўлиқ даври учун бир йўла тўланади.

Бола туғилганда бир йўла тўланадиган нафақани олиш учун ота ёки она комиссияга Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлими томонидан берилган боланинг туғилганлик ҳақидаги маълумотномасини топшириши лозим. Берилган ҳужжатлар асосида вакиллик қилувчи комиссия аъзоси нафақа олиш ҳуқуқини белгилайди ва белгиланган миқдорда уни тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради ва тайинлаш баённомасига ёзади. Шундан сўнг ҳужжатлар корхонанинг ҳисоб-китоб қилиш бўлимига топширилади.

Бола туғилганлиги ҳақидаги маълумотнома йўқотилган тақдирда бир йўла тўланадиган нафақа ФХДЁ бўлимлари томонидан берилган бола туғилганлиги ҳақидаги такрорий маълумотноманинг ҳамда отанинг иш жойидан (ўқиш жойидан) нафақа олмаганлиги ҳақидаги маълумотнома топширилганидан сўнг берилади.

Ходимнинг вафоти туфайли уни дафн этиш маросимини ўтказиш Нафақасини олиш учун ижтимоий суғурта комиссиясига ФХДЁ бўлими томонидан берилган вафот этганлик тўғрисидаги маълумотнома топширилади. Оила аъзоси вафот этганда эса вафот этганлиги ҳақидаги маълумотномадан ташқари уй-жойдан фойдаланиш идораси (бинодан фойдаланиш дирекцияси, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари)

томонидан вафот этган шахснинг ходим билан қариндошлик алоқалари борлиги ва у ходимнинг қарамоғида бўлганлиги тўғрисида маълумотнома ҳам топширилиши лозим.

Топширилган ҳужжатлар асосида вакил қилинган комиссия аъзоси нафақа олиш ҳуқуқини, унинг миқдорини белгилайди ва нафақа тайинлаш ҳақида қарор чиқаради ва нафақа тайинлаш баённомасига ёзиб қўяди.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзосига, шунингдек, айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганлар нафақа олиш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини, бола туғилганлик ҳақидаги маълумотномани ва вафот этганлик тўғрисидаги маълумотномани ижтимоий таъминот бўлимига топширадilar. Топширилган ҳужжатлар асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари шўъбалари томонидан нафақа тайинлаш (тайинламаслик) ва унинг миқдорлари масаласи кўриб чиқилиб, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг қарори чиқарилади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Фуқароларнинг фоизсиз шахсий ҳисобрақамига нафақа суммасини ўтказиш йўли билан банк орқали тўланади.

Ходимнинг вафоти кунигача олинмай қолган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси у билан бирга яшаган оила аъзоларига, шунингдек, унинг қарамоғида бўлганларга берилади.

Ходимнинг вафот этган кунига қадар олинмаган нафақа вафот этган ходим билан қариндош ва бирга истиқомат қилганлик ёки вафот этганнинг қарамоғида бўлганликни тасдиқловчи далил бўлган ҳужжат топширилгандагина берилиши мумкин.

Бола туғилганда бир йўла тўланадиган нафақани олиш ҳуқуқига эга бўлган она вафот этганда мазкур нафақа отага ёки болани ўз тарбиясига олган бошқа шахсга берилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағидан бериладиган нафақа белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича тўланиши, фуқароларнинг аризасига биноан банк муассасаларидаги ҳисобрақамига ўтказилиши ҳамда алоқа бўлими орқали жўнатилиши мумкин.

Нафақани жўнатиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар нафақа суммасидан ушлаб қолинади.

Нафақалар ходимнинг асосий иш жойидан корхонанинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия таркиби, аъзолари сони ва раиси корхона раҳбарининг буйруғи ёки бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия меҳнатда майибланганларга, касб касаллигига чалинганларга нафақа тайинлаш, нафақа тўлашни рад этиш, нафақадан (тўлиқ ёки қисман) маҳрум этиш ва нафақа олиш ҳуқуқи юзасидан келиб чиққан низоларни, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бошқа ҳужжатларнинг асосли равишда ва тўғри берилганлигини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Қолган барча ҳолларда нафақаларни комиссиянинг шу ишга вакил қилинган аъзоси тайинлайди.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, деҳқон хўжалиги аъзоларига, шунингдек айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганларга нафақалар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда нафақа ишлаб чиқаришда бахтсиз ходиса содир бўлганлик ҳақидаги (Н-1-шаклда) далолатнома асосида тайинланади.

Ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирда, комиссия нафақа бермаслик тўғрисида

қарор чиқаради ва рад этиш сабабларини вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасига қайд этади.

Корхона тугатилганда, Низомга мувофиқ нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тугатилган корхонанинг ҳуқуқий вориси ёки тугатиш комиссияси томонидан берилади.

Тугатиш комиссияси ишни яқунлаган (яқуний баланс топширилган) ҳолларда, нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиб, тўланади. Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш учун қўшимча ҳужжатлар, яъни тугатиш комиссияси томонидан тўланган нафақа (комиссия томонидан яқуний баланс топширилиб барча ҳисобрақамлар ёпилганлиги) тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзосига, шунингдек айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганлар нафақа олиш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини, бола туғилганлик ҳақидаги маълумотномани ва вафот этганлик тўғрисидаги маълумотномани ижтимоий таъминот бўлимига топширадилар.

Ортиқча тўлаб юборилган нафақа суммаси, агар ортиқча тўлаш санашда (арифметик) адашиш ёки нафақа олувчининг қалбаки маълумотнома тақдим қилиши (ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва хоказолар) туфайли содир бўлган бўлса, нафақа олувчидан ундириб олинади.

Ходимнинг вафоти кунигача олинмай қолган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси у билан бирга яшаган оила аъзоларига, шунингдек, унинг қарамоғида бўлганларга берилади.

Корхонанинг бош бухгалтери комиссия билан бир қаторда нафақа тўлаш бўйича маблағларнинг тўғри сарфланиши учун жавобгардир.

Нафақаларни нотўғри ҳисоблаш ва белгилаш ҳамда тўлаш устидан шикоят туман, шаҳар судига берилиши мумкин.

10.3. *Бюджет ҳисобидан тўланадиган ижтимоий ва уларнинг турлари*

Муайян ҳолларда давлат томонидан фуқароларни меҳнат фаолияти билан шуғулланмаганликлари ва меҳнат стажи бор-йўқлигидан қатъий назар, моддий жиҳатдан таъминлаш амалга оширилади.

Бундай ижтимоий ёрдамни амалга оширилишида қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

ижтимоий адолат қоидаларига қатъий амал қилиш;

ошкораликни таъминлаш;

катта ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида боқимандаликка, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик;

болалар тарбияси учун оила масъулиятини кучайтириш, уларга жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат томонидан кўллаб-қувватлашсиз даромадларини жиддий оширишнинг аниқ имконияти мавжуд бўлмаган, кам даромадли оилаларга нафақалар бериш.

Ана шу мақсадда бюджет ҳисобидан ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамлар тўлаш кўзда тутилган бўлиб, улар оила (шахс)нинг моддий шароитлари ёки болалар парвариш қилинаётганлиги ва бошқа сабабларга кўра тайинланиши ҳамда тўланиши мумкин.

Ижтимоий ёрдамнинг бу шакли ижтимоий ҳомояни аниқ манзилли ва эҳтиёжмандларга фаратилганлигини яққол кўрсатиб туради.

Қуйида ушбу нафақаларнинг қисқача тавсифи, тайинланиш асослари, шартлари, тўланиш тартибларини кўриб ўтамиз.

Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга тайинланадиган ва тўланадиган нафақалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган НИЗОМ асосида мазкур нафақа тайинланади⁸⁶.

Нафақа ушбу нафақани олишга муҳтож бўлган, туғилган, болаликка ва ҳомийликка (васийликка) олинган 16 ёшгача (умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача) болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади, ушбу муддат тугагач аризачи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа ҳар ойда тўланади ва ундан солиқ олинмайди.

Доимий яшаш жойидаги фуқароларниш ўзини ўзи бошқариш органига нафақа тайинлаш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилишган оилаларга, алоҳида ҳолларда эса ушбу органнинг раиси (оқсоқоли) тақдимномасига биноан тайинланади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза болаларнинг ота-онасидан бири томонидан оиланинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органига ушбу органнинг раиси номига берилади..

Оилага нафақа:

бир болали оилалар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

икки болали оилалар учун - 100 фоизи миқдорида;

уч болали оилалар учун - 140 фоизи миқдорида;

тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун - 175 фоизи миқдорида белгиланади.

Агар белгиланган тартибда нафақа белгилашан давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган ойдан бошлаб тегишли равишда кўпаяди.

ногирон чақалоқли (болали) оилалар;

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами. 1996., 12-сон, 35-модда.

ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланишадиган оилалар;

болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар;

ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, Бандликка кўмаклашиш марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар нафақа билан таъминланишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Болалари тўлиқ давлат таъминотида бўлган оилаларга. Агар оиладаги болаларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаса, у ҳолда нафақа давлат таъминотида бўлмаган болаларни ҳисобга олган ҳолда тўланади;

ота-онаси қонунчиликда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган оилаларга;

моддий бойлиги (даромади) болаларининг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан мақбул ривожланишини таъминлаш имконини берадиган оилаларга нафақа иайинланмайди.

Оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки фуқаролар йиғини томонидан шундай масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган Комиссия томонидан қабул қилинади.

Нафақа тайинлашни сўраб берилган аризагақуйидаги ҳужжатлар кўшиб топширади:

- а) оила аъзоларининг таркиби тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома;
- б) болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси;
- в) васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга нафақа тайинлаш чоғида васийлик (ҳомийлик) ҳуқуқини белгиловчи органнинг қароридан кўчирма;
- г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига кўра - оила аъзоларининг даромадлари ҳақида маълумотнома;

д) 16 дан 18 ёшгача бўлган болаларга мазкур шахс ҳақиқатан ҳам ўқув юртида ўқиётганлиги ва стипендия олмаслиги тўғрисида ўқув юртидан маълумотнома.

Зарур бўлган ҳужжатларнинг асл нусхалари ёки белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхалари тақдим этилиши мумкин.

Аризаларни рўйхатдан ўтказиш махсус рўйхатга олиш дафтариди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг котиби томонидан амалга оширилади

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузурида махсус комиссия тузилади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига ўзини ўзи бошқариш органининг маслаҳатчилари ва котиби, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан вакил қилинган, нафақалар тайинлаш ва уларни тўлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига амалий ёрдам кўрсатувчи туман (шаҳар) "Бандликка кўмаклашиш маркази ходими, шунингдек, зарурат бўлганда туман (шаҳар) солиқ ва молия органларининг вакиллари киради.

Махсус комиссия нафақа олиш учун мурожаат қилган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳволини ариза берилган санадан бошлаб икки ҳафта муддатда текширади ҳамда кўриб чиқиш асосида нафақа тайинлаш тўғрисида ёки нафақа тайинлашни рад этиш ҳақида фуқаролар йиғинига икки ҳафта муддатда таклиф киритади.

Оиланинг моддий ва мулкӣ аҳволини текшириш натижалари юзасидан Текшириш далолатиомаси тузилади ва унда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак:

текширилаётган оиланинг таркиби;

текширилаётган оила умумий даромадининг миқдори;

оила аъзолари даромадлари шаклланишининг асосий манбалари;

катта ёшдаги (Меҳнатга лаёқатли) оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома.

Ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган оиланинг умумий даромадини аниқлаш учун барча турдаги даромадлар қўшиб чиқилади ва ҳосил бўлган сумма оила аъзолари сонига тақсимланади (даромадлар деганда: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган бошқа тўловлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинadиган даромадлар ҳисобга олинади). Икки ва ундан ортиқ ой учун оила аъзоларининг даромадлари ҳисобга олиниши керак бўлган ҳолларда - ҳисобга олиниши керак бўлган давр учун оила аъзоларининг умумий даромади оила аъзоларининг сонига ва мазкур даврдаги ойлар сонига тақсимланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мезонларини ва нафақа тайинлаш учун асосларни ўзини ўзи бошқариш органи сўтларидаги маблағлар миқдоридан ва нафақанинг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди

Нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида аризачининг фуқаролар йиғинида (Комиссия йиғилишида) иштирок этиши мажбурийдир. Аризачи узрли сабаб (касаллик ёки бошқа узрли сабаблар) билан қатнашмаган ҳолларда фуқаролар йиғинига оиланинг балоғат ёшига етган бошқа аъзоси қатнашиши шарт. Аризачи ёки оиланинг бошқа вакили қатнашмаган ҳолларда мазкур оилага нафақа тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмайди ва у фуқароларнинг кейинги йиғинида (Комиссия йиғилишида) кўриб чиқиш учун қолдирилади.

Нафақа тайинлаш рад этилган ҳолларда рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда тегишли қарор қабул қилингандан сўнг 5 кун муддатда аризачи бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

Меҳнат фаолиятидан бўйин товлаб юрган ва жамиятга хилоф равишда турмуш кечираётган ота-оналарнинг қаровсиз қолган болаларига ота-оналарининг ёзма аризаларисиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи

раиси (оқсоқоли)нинг тақдимномасига биноаи фуқаролар йиғини томонидан нафақа тайинланиши мумкин. Бундай ҳолларда нафақа натура шаклида берилиши мумкин. Бунда комиссия аъзоларидан ҳисоб берувчи шахс тайинланади.

Тайинланган, аммо уз вақтида талаб қилиб олинмаган (тўланмаган) нафақалар ўтган вақт учун тўлиқ миқдорда тўланади. Бундай ҳолларда ушбу нафақа олинмаган барча давр учун нафақа бир йўла тўланади. Бунда агар аризачи мазкур нафақага зарурати бўлмаганлигидан уни ўз вақтида олмаганлиги аниқланса, яъни оила нафақага муҳтож бўлмаса, ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг тақдимномасига кўра, фуқаролар йиғини ёки Комиссия бундан кейин нафақа беришни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган моддий ёрдам. Ижтмий ёрдамнинг бу шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган (кеинги қўшимча ва тузатишлари билан) “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ амалга оширилади ⁸⁷.

Кам даромадли оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари - кўрғон, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролари йиғинлари, йиғинни ўтказиш имкони бўлмаганда кўчалар, турар жойлар, қишлоқ, овул маҳаллалари фуқаролари вакилларининг йиғилиши ёки фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинади.

Комиссия таркиби фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи энг обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Унга фуқаролар

⁸⁷ "Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами", 1994 й., N 8, 40-модда.

Йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Мазкур комиссия аъзоларининг таркиби камида 20 кишидан иборат бўлиб, ҳар йили эллик фоизга янгиланади.

Моддий ёрдам оилага олти ой муддатга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам янги муддатга тайинланиши мумкин

Моддий ёрдам фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларига ёки кўрғон, қишлоқ, овул маҳалласига ёзма равишда ариза билан ёрдам сўраб мурожаат қилган оилаларга, айрим ҳолларда эса фуқаролар йиғини раиси (оқсоқолининг) тавсиясига биноан тайинланади.

Аризачининг моддий ёрдамга муҳтожлик даражасини ва унга бериладиган ойлик моддий ёрдамнинг миқдорини белгилаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида махсус комиссиялар тузилади, унинг таркибига ушбу органларнинг маслаҳатчилари, котиби, шунингдек, зарурат бўлганда туман (шаҳар) солиқ ҳамда молия органларининг, Бандликка кўмаклашиш марказларининг вакиллари кирадилар.

Ариза берилган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда ёрдам сўраган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳволини текширади.

Текширув натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг барча аъзолари имзолайдилар. Далолатномада куйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- текширилаётган оиланинг таркиби, унда бирга яшовчиларнинг хаммаси, қариндошлиги бўлган ва бирга умумий рўзғор юритувчилар ҳисобга олинади;

- оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва Бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинмаган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аъзолари, бола икки ёшга тўлгунга қадар унга қаровчи аёллар, шунингдек, 18 ёшгача бўлган ўқувчилар бундан мустасно;

- оиланинг текшириш вақтидаги жами пул даромадларининг манбалари ва миқдори;

- томорқа участкаси майдони ва ундан даромад олиш имкониятлари;

- оила мол-мулкининг қиймати (дала ҳовли, автомобиль, мотоцикл ва зеб-зийнатларнинг мавжудлиги);

- оиланинг муҳтожлик даражаси ҳақидаги комиссия хулосаси ва ҳар ойда бериладиган моддий ёрдамнинг тавсия қилинаётган миқдори ҳақида комиссия хулосаси.

Оилага моддий ёрдам тайинлаш ҳақида қарор қабул қилишда аризачининг фуқаролар йиғинида (йиғилишида) ёки Комиссия йиғилишида қатнашиши шарт.

Моддий ёрдам тайинлаш рад эитлган тақдирда йиғилиш баёнида унинг асосланган сабаблари қайд этилади ва бу ҳақда фуқаролар йиғини (йиғилиш) ёки Комиссия йиғилиши қарори устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайди.

моддий ёрдам тўлаш муддати тугаганда, ёрдам кўрсатилаётган оиланинг моддий аҳволи ўзгарганда, доимий яшаш жойи ўзгарганда оилага моддий ёрдам тўлаш тўхтатилади.

Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш.

Етим болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меҳёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 171-сон қарори билан тасдиқланган "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом" га мувофиқ амалга оширилади⁸⁸

Ижтимоий ёрдамнинг бу тури Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил, 4-сон, 18-модда

болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”га кўра кўрсатилади⁸⁹.

Мазкур Низомга кўра боланинг Халқ таълими ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тарбиялаш ва даволаш муассасалари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги муассасалардан олинишидан қаъхий назар, тутинган ота-оналарга ўз тарбиясига олган ҳар бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа тўланади.

Оилаларга тарбиялаш учун бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш нормалари ва уни амалга ошириш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатга олинган Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга асосан бундай нафақалар тайинланиши ва тўланиши мумкин⁹⁰.

Болани парвариш қилиш нафақаси кўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролари йиғини ёки махсус ваколатли комиссия томонидан, она ёки амалда болани парвариш қилаётган бошқа шахс кўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига берадиган аризасига асосан тайинланади. Ариза ҳудудида мазкур шахс рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма нусха;

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. 2002., № 19.

⁹⁰ "Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси", 2002 йил, 5-сон.

- б) меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха - илгари ишлаганлар учун;
- в) ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охириги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;
- г) боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК хулосаси кўчирма нусхаси (зарурат бўлганда);
- д) никоҳнинг бекор қилингани тўғрисида гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ёки тегишли суд қарорларидан кўчирмалар (зарурат бўлганда);
- е) онаси бўлмаган болани амалда парвариш қиладиган шахслар онасининг йўқлигидан далолат берувчи ҳужжат - боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, онани оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисида суд органлари томонидан берилган маълумотномани ёки боланинг (болаларнинг) онаси болани парвариш қилиш нафақасини олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этадилар.

Нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларда тақдим этилади.

Болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш учун кўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқароларининг йиғинида ёки ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш масалаларини ҳал этиш учун фуқаролар йиғини ваколат берган комиссия томонидан қабул қилинган қарор асос бўлиб ҳисобланади.

Болани парвариш қилиш нафақаси оила даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

Қуйидаги ҳолларда нафақа оила даромадларидан қатъий назар тайинланади:

- а) тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланиш фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди;

б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Болани парвариш қилиш нафақаларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;

б) боланинг ихтисослаштирилган муассасага тўлиқ давлат таъминотига берилишида;

в) бола вафот этганда;

г) оила бола билан доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;

д) ишга тушилганда;

е) бошқа жойга кўчганда;

ж) тайинланган муддатнинг биринчи ўн икки ойи охиридаги ҳолат бўйича оила ҳар бир аъзосининг даромадлари белгиланган мезондан ошиб кетса.

Болани парвариш қилиш нафақасини тўлашни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида нафақа олувчи ўзини ўзи бошқариш органларига маълум қилиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи айби билан ўз вақтида олинмаган болани парвариш қилиш нафақаси ўтган вақт учун бирор-бир муддат билан чеклашсиз тўланади. Кўрсатилган ҳолларда болани парвариш қилиш нафақасининг суммалари бир вақтда тўланади.

Тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилинмаган (тўланмаган) болани парвариш қилиш нафақалари ўтган вақт учун ушбу нафақалар тўланиши керак бўлган даврда назарда тутилган миқдорларда тўланади.

. Атайин нотўғри ёки сохта (қалбаки) ҳужжатлар бўйича болани парвариш қилиш нафақасини олиш фактлари аниқланганда бундай ҳужжатларни тақдим этган шахс жавобгарликка тортилади, ортиқча тўланган суммалар эса белгиланган тартибда ундирилиши керак.

Ишлаётганган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатга олинган **“Ишлаётганган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”**га мувофиқ бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун хар ойлик нафақа туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаётган шахсларга, яъни онага, отага, фарзандликка олган шахсга, васийга ёки бошқа қариндошларга тайинланади ва тўланади⁹¹.

Бюджет соҳасида меҳнат қилаётган оналарга ушбу Низом асосида эмас, балки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатга олинган **“Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга асосан амалга оширилади”**⁹².

Ишлаётган (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган, хизматни ўтаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш бўйича нафақа иш (ўқиш, хизмат) жойидан тайинланади.

Ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) бир вақтнинг ўзида бола парваришлаш учун нафақа билан бирга тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлаган давридаги иш ҳақини олиш ҳуқуқига эгадирлар

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш учун қуйидаги хужжатлар тақдим қилинади: '

а) болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳақидаги ариза;

⁹¹ "Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси", 2002 йил, 5-сон.

⁹² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.02.2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан рўйхатга олинган ўзгартириш. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 8-9-сон, 52-модда.

б) бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Боланинг онаси ўрнига болани парвариш қилиш бўйича нафақани олувчи шахслар қўшимча равишда онанинг йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат - бола (болалар) онаси ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақида суд органлари берган маълумотнома ёки боланинг (болаларнинг) онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олиш имконияти йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

а) парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;

б) бола ихтисослаштирилган муассасага (гўдақлар уйига) тўлиқ давлат таъминотига жойлаштирилганда;

в) бола вафот этганда;

г) оила, бола билан биргаликда, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови бекор қилинишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида нафақа олувчи шахс, нафақа тўловини амалга ошираётган органни хабардор қилиши шарт.

Нафақа олувчи шахс вафот этганда ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганда ёхуд бола васийликдан олиб қўйилган ҳолларда нафақа амалда болани парваришлайётган шахсга ушбу нафақа тўланган сўнгги ойнинг кейинги ойидан бошлаб тайинланади.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа била туриб нотўғри ёки қалбаки (сохта) ҳужжатлар бўйича олинганлиги аниқланган ҳолларда, бундай ҳужжатларни тақдим қилган шахслар жавобгарликка тортиладилар, ортиқча тўланган суммалар белгиланган тартибда ундириб олинади.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови бекор қилинишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилмаганда, тўловни амалга

ошираётган органнинг қарори бўйича ортиқча тўланган суммалар белгиланган тартибда нафақа олган шахсдан ундирилади

Бола парваришlash учун нафақа тўлови корхоналарда (ташкilotларда) ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) учун ушбу корхоналарнинг (ташкilotларнинг) ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларни ижтимоий таъминлаш мақсадида нафақалар тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 апрелдаги 107-сонли “”Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” қарори билан назарда тутилган⁹³. Ушбу қарорга биноан иш стажига мавжуд бўлмаган ҳолларда қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик нафақаларини тайинлаш ва тўлаш шартлари ҳамда тартиблари белгилаб берилган.

Юқоридаги қарор билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ” қарилик, ногиронлик ва боқувчисиз қолганлик нафақаларини тайинлашни назарда тутди.

Ёш бўйича нафақаси. Ёш бўйича нафақа иш стажига эга бўлмаган ёки ёшга дойир пенсия тайинлаш учун 5 йилдан кам, пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган, ва Оила кодексига кўра уларни боқишга мажбур бўлган яқин қариндошлари бўлмаган шахсларга тайинланади:

- эркакларга - 65 ёшга етганларида;
- аёлларга - 60 ёшга етганларида.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан амалга оширилган текшириш натижаларига кўра

⁹³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011., 14-сон, 142-модда.

нафақа сўраб мурожаат этган шахс қариндошларининг моддий ночорлиги аниқланган ҳолларда нафақа ўзларининг кекса қариндошларига моддий ёрдам кўрсата олмайдиган қариндошлар бор бўлган тақдирда ҳам тайинланиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган иш бажароадиган ёки бошқа дармиад манбаига эга бўлган шахсларга нафақа тайинланмайди.

Пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда ўтказилган текшириш натижалари нафақа тайинлаш ёки уни рад этиш учун асос бўлади.

Қарилик нафақасининг миқдори қатъий суммада белгиланади ва ҳаёт даражасига муносиб тарзда индексация қилиб борилади.

Ногиронлик нафақаси. Ногиронлик бўйича нафақа ногиронлик содир бўлган ҳолларда, яъни меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатга йўқотилганда, фақат биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларга тайинланади ва тўланади.

Фуқароларнинг меҳнат қобилиятларини йўқотганлик даражасини аниқлаш учун тиббий текширишни фақат тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) улар ҳақидаги Низом асосида шаҳар ёки туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси йўлланмаси бўйича амалга оширадилар.

Ишлаб турган ёки яшашнинг бошқа манбаларига эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронларга нафақа тайинланмайди.

Боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа. Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда унинг қарамоғида бўлган оила аъзолари нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари қаторига "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19-моддасида кўрсатилган шахслар киритиладилар.

Вафот этганнинг оила аъзоларига нафақалар миқдори қуйидагича белгиланади:

а) оиланинг уч ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз аъзосига - вафот этган фуқаро олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган ёшга доир нафақанинг 100 фоизи;

б) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз иккита аъзосига - нафақанинг 75 фоизи;

в) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз бир аъзосига - нафақанинг 50 фоизи

Ижтимоий таъминот нафақаси (нафақалари)ни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар шу ҳуқуқ пайдо бўлгандан сўнг муддат билан чеклашсиз исталган вақтда унинг тайинланиши учун мурожаат қилишлари мумкин

Нафақа тайинлаш ва тўлаш шаҳар ёки туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиб олган ижтимоий таъминот бўлими томонидан ариза берувчига ариза қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳақида тилхат берилади.

Ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда қабул қилиб олинган кун нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади (мазкур Низомнинг 4-банди).

Агар нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза почта орқали юборилса ҳамда барча зарур ҳужжатлар тақдим этилса, ариза жўнатилган жойнинг почта штемпелида кўрсатилган сана нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади.

Аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда қандай ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этиш кераклиги ариза берувчига маълум қилинади. Агар бу ҳужжатлар қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида билдириш олинган кундан бошлаб 3 ойдан кечикмай тақдим этилса, нафақа тайинлаш тўғрисида ариза қабул қилиб олинган кун нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилгандан кейин 10 кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилувчи нафақа тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи органига шикоят қилиши мумкин, жавобдан қоникмаган тақдирда эса судга ўикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Тайинланган, бироқ олувчи томонидан ўз вақтида талаб этиб олинмаган нафақа суммаси нафақа олиш учун мурожаат қилингандан олдинги ўтган вақт учун кўпи билан уч йилга тўланади.

Нафақа тайинлаган ёки нафақа тўлаётган органнинг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси ўтган вақт учун бирор-бир муддат билан чеклашсиз тўланади. Кўрсатиб ўтилган ҳолда нафақанинг 12 ойга тегишли бўлган суммаси бир йўла тўланади, қолган қисмлари эса ҳар ойда нафақанинг жорий қисмига қўшимча тарзда ойлик нафақадан ошмайдиган тенг улушларда тўланади.

Тайинланган нафақа оиланинг нафақа тайинлашда ҳисобга олинадиган сон таркиби ўзгарган;

иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгарган;

район коэффициенти белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган;

аҳоли даромадлари индексация қилинган ҳолларда қайта ҳисоблаб чиқилади.

Нафақаларни тўлаш ҳар ойда ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ нафақа тўланадиган ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай амалга оширилади.

Ишончнома бўйича нафақа давлат пенсияларини ишончнома бўйича тўлаш учун белгиланган тартибда тўланади.

Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикасидан ташқарига кўчиб кетганда нафақа тўлаш тўхтатилади

Болалиқдан ногиронлар (ногирон болалар)га нафақалар тайинлаш. Болалиқдан ногиронларга нафақа тайинлаш ва тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 апрелдаги 107-сонли “”Фуқароларнинг давлат

пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” қарори билан назарда тутилган ⁹⁴.

Ҳар ойлик нафақаларни олиш ҳуқуқига Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан болалиқдан I ёки II гуруҳ ногиронлари деб тан олинган иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан катта бўлган шахслар, шунингдек, Тиббий маслаҳат комиссиясининг хулосасига кўра ногирон деб топилган 16 ёшгача бўлган ногирон болалар нафақа олиш ҳуқуқини берувчи тиббий маълумотлар⁹⁵ мавжуд бўлган тақдирда эга бўладилар

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза болалиқдан I ёки II гуруҳ ногирони бўлган томонидан яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Меҳнатга лаёқатсиз деб топилган I ёки II гуруҳ болалиқдан ногиронга, шунингдек ногирон болага нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ота-оналардан бири, васий томонидан яшаш жойи бўйича берилади.

Васий ариза билан мурожаат қилган ҳолларда васийлик органининг васий қилиб тайинлаш тўғрисидаги қарорининг бир нусхаси илова қилинади.

Ижтимоий таъминот бўлими I ёки II гуруҳ болалиқдан ногироннинг аризасига улар томонидан тиббий Меҳнат-эксперт комиссиясидан олинган текшириш далолатномасидан кўчирмани илова қилади.

Ногирон болага нафақа тайинлаш чоғида соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тартибда бериладиган тиббий хулоса тақдим этилади.

⁹⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011., 14-сон, 142-модда.

⁹⁵ Қаранг: "16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги Низом". "Ўзбекистон Республикаси қонун жатлари тўплами", 2009 йил, 38-сон, 419-модда.

Ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда қабул қилиб олинган кун нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади.

Агар нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза почта орқали юборилса ҳамда барча зарур ҳужжатлар тақдим этилса, ариза жўнатилган жойнинг почта штемпелида кўрсатилган сана нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади.

Аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда қандай ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этиш кераклиги ариза берувчига маълум қилинади. Агар бу ҳужжатлар қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида билдириш олинган кундан бошлаб 3 ойдан кечикмай тақдим этилса, нафақа тайинлаш тўғрисида ариза қабул қилиб олинган кун нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади.

Ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилгандан кейин 10 кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Мурожаат қилувчи нафақа тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарор устидан юқори органга шикоят қилиши мумкин. Ариза берувчи жавобдан қониқмаган тақдирда низо белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади

Нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

I ва II гуруҳ болаликдан ногиронларга нафақа ногиронликнинг бутун даврига тайинланади. Ногирон болаларга нафақа тиббий хулосада белгиланган муддатга тайинланади.

Нафақа I ёки II гуруҳ болаликдан ногироннинг, ёхуд нафақа тайинланган ногирон болаларнинг ота-оналари яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади ва тўланади. Васийларга нафақа уларнинг яшаш жойлари бўйича тўланади.

Нафақаларни тўлаш ҳар ойда ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ нафақа тўланадиган ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай амалга оширилади.

Ишончнома бўйича нафақа давлат пенсияларини ишончнома бўйича тўлаш учун белгиланган тартибда тўланади.

I ёки II гуруҳ болалиқдан ногирон ёхуд ногирон бола томонидан ногиронликни қайта текширишдан ўтказиш муддати кечиктириб юборилганда нафақа ногиронларга давлат пенсиялари тайинлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади

Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганда нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли ижтимоий таъминот бўлими томонидан нафақа олувчининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди олингандан кейин мана шу туман (шаҳар)да давом эттирилади. Бундай ҳолда нафақа тўлаш илгариги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади

Нафақа тўлаш тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келган бошқа ҳолатлар (I ва II гуруҳ болалиқдан ногирон ёки ногирон бола интернат-уйга тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки ундан қайтариб юборилганда ва шу кабилар) пайдо бўлганда нафақа тўлаш шу ҳолат пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг 1 кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади.

Тайинланган, бироқ олувчи томонидан ўз вақтида талаб этиб олинмаган нафақа суммаси нафақа олиш учун мурожаат қилингандан олдинги ўтган вақт учун кўпи билан уч йилга тўланади.

Нафақа тайинлаган ёки нафақа тўлаётган органнинг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси ўтган вақт учун бирор-бир муддат билан чеклашсиз тўланади. Кўрсатиб ўтилган ҳолда нафақанинг 12 ойга тегишли бўлган суммаси бир йўла тўланади, қолган қисмлари эса ҳар ойда нафақанинг жорий қисмига қўшимча тарзда ойлик нафақадан ошмайдиган тенг улушларда тўланади.

Тайинланган нафақа I ёки II гуруҳ болалиқдан ногиронга у олаётган иш ҳақи, стипендия, алимент ёки даромадларнинг бошқа турларидан қатъи назар тўланади.

Ногирон болага тайинланган нафақа бошқа нафақалар олиншидан қатъи назар тўланади.

Тайинланган нафақа I ёки II гуруҳ болалиқдан ногирон ёки нафақа тайинланган ногирон бола тўлиқ давлат таъминотида бўлган вақт учун тўланмайди.

Лепрозорийларда бўлган I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронларга, шунингдек ногирон болага нафақа лепрозорийларда бўлган вақт учун тўланади.

Ногиронлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатларига биноан белгиланади ва ошириб

Болалиқдан ногиронларга нафақаларни тўлаш, етказиб бериш ва юбориш харажатлари республика бюджети ҳисобига амалга оширилади.

Фуқароларга бериладиган бошқа турдаги нафақалар

Фуқароларга қонун ҳужжатларига кўра бошқа бир қатор нафақаларнинг ҳам тўланиши назарда тутилган. Улар ижтимоий таъминот ҳуқуқи мавзуси доирасига кирмаса-да, аммо аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг, муайян воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ тарзда юз берган ноқулай шароитларда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим шаклларида хисобланади ва ушбу нуқтаи назардан қараганда, мазкур нафақа турларини ҳам қисқача кўриб ўтиш, уларга умумий тарзда бўлса-да, ҳам тавсиялаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Ишсизлик нафақаси;
- 2) Ишдан бўшаш пайтида бериладиган нафақа;
- 3) Ёш оилаларга бериладиган моддий ёрдам;
- 4) Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар туфайли ҳалок бўлган ёки соғлиғига шикаст етганда бир йўла бериладиган .

Ишсизлик нафақаси. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 29-моддасига кўра туман (шаҳар) меҳнат бўлимлари томонидан белгиланган тартибда ишсиз шахс деб эътироф этилган фуқароларга ишсизлик Нафақаси тайинланади.

Нафақанинг миқдори ва тўланишининг энг узок муддати ҳам «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда ва унинг асосидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ⁹⁶ белгилаб қўйилган.

Аввал ишлаган, ишидан ва иш ҳақи (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган шахсларга улар ишлаган давридаги иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ҳамда нафақа ни ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси тайинланади.

ҳарбий хизматдан, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизматидан, бошқа ҳарбий органлардаги ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар аввал ишлаган бўлсалар, иш ҳақларининг 50 фоизи миқдорида, аввал ишламаган шахсларга ишсизлик нафақаси энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тайинланади.

Биринчи марта иш қидираётган ва ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида ишсизлик нафақаси тайинланади.

Ишсиз деб эътироф этилган шахсларга бир марталик моддий ёрдамлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ишсизлик нафақаси биринчи марта иш қидираётган шахсларга бир календарь йил давомида 13 ҳафтагача, аввал ишлаган шахсларга эса йил давомида 26 ҳафтагача бўлган муддат давомида тўланиши мумкин.

Ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 ноябрда рўйхатга олинган «Ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан

⁹⁶ Қаранг: Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги 2/4 сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3 июлда 763-сон билан рўйхатга олинган “Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш даврида стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида Низом“. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. 1999., № 8.

ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатиш тартиби, миқдори ва шартлари тўғрисида»ги низомда кўрсатиб қўйилган.

Ишдан бўшатилаётган ходимларга бериладиган нафақа. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига назарда тутилган бўлиб, унга кўра муайян сабаблар билан ишдан бўшатилаётган шахсларга ишдан бўшатилаётганларида бундай берилиши белгиланган.

Меҳнат кодексининг 89-моддаси 4-қисмига кўра ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашдан бош тортганлиги туфайли, 100-модда 2-қисмининг 1 (штатлар қисқариши, корхонанинг тугатилиши), 2 (ходим эгаллаб турган вазифа ишга нолойиқ бўлиб қолиши) 5 (ўриндошлик бўйича ишлаётган шахс бошқа доимий ходим ишга қабул қилиниши туфайли ишдан бўшатилиши), 6 (корхона мулкдори алмашганлиги туфайли корхона раҳбари, ўринбосарлари, бош бухгалтерининг ишдан бўшатилиши)- бандлари билан иш берувчи ташаббусига кўра ишдан бўшатиш шахсларга Меҳнат кодексининг 109-моддасига биноан ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш Нафақаси берилади.

Ишдан бўшатиш нафақаси ишдан бўшатиш пайтида ишга жойлаша олмаганлиги туфайли ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолиниши билан ҳамда фойдаланилмаган меҳнат таътили учун бериладиган ёки ишдан бўшатилиш ҳақида олдиндан огоҳлантириш ўрнига тўланадиган компенсация пули билан алмаштириб юборилмаслиги лозим. Ишдан бўшатиш нафақаси юқоридаги тўловлар берилган-берилмаганлигидан қатъи назар тўланавериши лозим.

Ёш оилаларга бериладиган моддий ёрдам. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда давлат рўйхатига олинган «Моддий жихатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ёш оилаларга кўрсатиладиган маблағларни ташкил топтириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги низом асосида кўрсатилади.

Ушбу низомга кўра ёш оилаларга бир марталик қайтариб олинмайдиган моддий ёрдам шаклида, фоиз олинмайдиган қарз бериб туриш тарзида ёки

бошқа шаклларда моддий кўмак берилиши мумкин. Кўрсатиладиган беғараз ёрдам миқдори, бериладиган фоизсиз қарз, ундан фойдаланиш тартиби ва муддатлари юқоридаги низом асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади.

Бундай ёрдамни олишда келин ёки куёв ногирон бўлса, қариндошлари ва бошқа ёрдам берувчи яқинлари бўлмаса, камбағал оилалардан бўлса, келин ёки куёв фуқаролар йиғини фаолиятида мунтазам иштирок этса, афзалликдан фойдаланадилар.

Ёш оила томонидан моддий ёрдам кўрсатишни сўраб берилган ариза фуқаролар йиғини томонидан белгиланган муддатда ва тартибда кўриб чиқилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Нафақа. Нафақага бўлган ҳуқуқ. Давлат ижтимоий суғуртаси нафақалари. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси. Ижтимоий нафақалар. Ижтимоий нафақа олишга ҳақли шахслар. Ижтимоий нафақаларни тайинловчи ва тўловчи органлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. *Нафақа тушунчасига тариф беринг.*
2. *Нафақаларнинг қандай турлари мавжуд ?*
3. *Давлат ижтимоий суғуртаси нафақалари ҳақида сўзланг.*
4. *Ижтимоий нафақаларнинг қандай турлари бор ?*
5. *Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби қандай ?*
6. *Фуқаролар йиғини томонидан тайинланадиган нафақалар ҳақида сўзлаб беринг.*

11- БОБ. ФУҚАРОЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН БОШҚА ИЖТИМОЙ ЁРДАМЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

Аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам тушунчаси, зарурлиги ва уларнинг таснифи

Аҳолига бериладиган ижтимоий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишларидан бири – уларга натурал шаклларда ҳамда турли ижтимоий

имтиёз ва енгиллилар тарзида ёрдамлар кўрсатилишидан иборат. Ижтимоий ёрдам кўрсатиш шаллари ҳилма-ҳил кўринишларда бўлиб, моҳият жиҳатдан давлатимиз томонидан мамлга ошириб келинаётган манзилли, эҳтиёжмандларга кўрсатиладиган аниқ ижтимоий ҳимояни амалда рўёбга чиқарилишини англатади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги пайтда аҳолининг муҳтож қатламлари ўнлаб турдаги ижтимоий ёрдамлардан фойдаланмоқдалар, уларга турли ижтимоий имтиёз ва енгилликлар берилмоқда, уларнинг барчаси ижтимоий ҳимога муҳтож шахслар ва оилаларни моддий-турмуш шаройитни юксалтириш, таъминланганлик даражасини оширишга қаратилгандир. Бундай ёрдамдан фойдаланувчи фуқаролар орасида қариялар, ёш болалар, болали оилалар, ногиронлар етакчи ўринни тутмоқда.

Аҳолининг муҳтож табақаларига кўрсатиладиган ёрдамларни аниқ тавсифлаш ва тўғри таснифлаш, ҳар бир ижтимоий ёрдам кўрсатиш шаклини, мазмун-моҳиятини, мақсад-вазифасини, роли-ўрнини аниқ тасаввур этиш бундай ёрдамни кўрсатиш билан бевосита шуғулланаётган шахслар учун, бу соҳада фаолият юритувчи мутахассис-кадрлар учун муҳим амалий аҳамиятга эга. Бундай ёрдамларнинг сиёсий моҳияти ва ҳуқуқий асосларидан яхши хабардор бўлиш ҳамда уларни тўғри тушуниб этиш уни ўз вақтида, тўла ҳажмда тегишли шахсларга етказилишини таъминлайди, ижтимоий адолат ва қонунчилик тамойилларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ижтимоий ёрдамдан фойдаланишга ҳақли бўлган шахслар тоифалари ҳилма-ҳил, доираси жуда кенг бўлиб, улар қаторига қариялар, ногиронлар, боқувчисиз қолган фуқаролардан ташқари, ёлғиз кекса ва ёлғиз ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, мактаб ўқувчилари, уруш қатнашчилари ва бошқа шахслар кирадилар. Ижтимоий ҳимоянинг муайян шаклива уни кўрсатишга тааллуқли маҳсус норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг бевосита ўзида бундай ёрдам олишга ҳақли шахслар доираси, ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи давлат органи ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органи, ёрдам кўрсатиш шартлари ҳамда тартиблари белгилаб қўйилади.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига бериладиган ижтимоий ёрдам шакллари ҳам ранг-баранг кўринишларга эга ва уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) қариялар, ногиронлар ва болаларни тўлиқ давлат таъминотига олиш; уларни махсус ташкил этилган меҳрибонлик, мурувват ва саховат уйларида яшашларини таъминлаш;

2) қаровсиз қолган ёлғиз қариялар ҳамда ногиронларга озиқ овқат маҳсулотлари билан натурал моддий ёрдам кўрсатиш, маиший ва бошқа натурал хизматларни бепул амалга ошириш;

3) қариялар, ногиронлар ва муайян касалга чалинган шахсларга реабилитация мақсадларида санаторий-курорт хизматларини кўрсатиш;

4) ногирон фуқароларга протез-ортопедия, ҳаракатланиш воситалари бериш ва у билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш;

5) мактаб ёшидаги болали оилаларга моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш;

6) фуқароларнинг муайян тоифаларига турар жой-маиший, транспорт-алоқа, солиқ, тиббий-фармацевтика ва бошқа соҳаларда имтиёзлар бериш;

7) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турдаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш.

Аҳолининг муайян тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва бериладиган имтиёзлар иқтисодий тушунча сифатида давлат ва жамият томонидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағларни сарфланишидан иборат бўлса, юридик тушунча сифатида у фуқароларга Конституцияга мувофиқ берилганган ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқларини амалга оширилишидан иборатдир.

Бозор иқтисодий муносабатлари кучайиб ва чуқурлашиб бораётган, боқимандалик кайфиятларига барҳам берилаётган шароитда ночор ва тенг

рақобатлашишга қодир бўлмаган аҳоли табақаларини реал ижтимоий ҳимоя қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёлғиз қариялар, ёлғиз ногиронлар ва ота-она парваришидан маҳрум бўлган болаларни давлат таъминотига олинишининг моҳияти. Ёлғиз қариялар, кимсасиз ногиронлар, етим болалар ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш аҳволига қараб жамиятнинг, унинг аъзоларининг, давлатнинг маданий ҳамда маънавий-ахлоқий савиясига баҳо берилади ва ушбу кўрсаткичлар инсонпарварлик даражасини белгиловчи муҳим мезонлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ана шу тамойилларга амал қилингани ҳолда қариялар, ногиронлар, етим-есирлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиб келинмоқда. 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили», 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», 2010 йилни баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши, аввалги йилларнинг ногиронлар, аёллар, болаларга, қишлоқ аҳлини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бағишланганлиги ҳамда шу муносабат билан зарур давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиб келинаётганлиги давлатимиз ва жамиятимизда инсон ва унинг манфаатлари олдинги ўринларда туришини кўрсатади.

Бугунги кунда Республикаимизда кўплаб «Саховат уйлари», «Меҳрибонлик уйлари», «Мурувват уйлари фаолият кўрсатиб келмоқда ва уларда бир неча ўн минглаб ночор фуқаролар давлат ва жамият меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлмоқдалар.

1. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" уйларида давлат таъминотига олиш. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 30 июлда 1648-сон билан рўйхатга олинган «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимидаги

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисида ҚОИДАЛАР"⁹⁷га кўра пенсия ёшига етган, алоҳида уйда, хонадонда, ётоқхонада яшаётган ва фарзандлари (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари), эри (хотини) бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик белгиланмаган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва I ёки II гуруҳ ногиронлари ҳамда ёшидан қатъи назар, узлуксиз давом этувчи руҳий хасталиги оқибатида меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган I ёки II гуруҳ ногиронлари фарзандлари (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари), эри (хотини) бўлиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ васийлик ёки ҳомийлик белгиланишидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" уйларига жойлаштирилиши мумкин.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш учун вазирлик ҳузурида Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" уйларига расмийлаштириш бўйича Махсус комиссия ташкил этилади.

"Саховат" уйига расмийлаштириладиган ёлғиз кекса, пенсионер ва I ва II гуруҳ ногиронининг ўзининг турар манзилидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи номига уни "Саховат" уйига расмийлаштиришни сўраб ёзган аризаси асосида амалга оширилади.

"Мурувват" уйларига расмийлаштириладиган 14 ёшгача бўлган ногирон болалар учун ота-оналари томонидан фарзандини болалар "Мурувват" уйига расмийлаштиришни сўраб ёзилган ариза асос бўлади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган руҳий касалликдан ногиронлар учун давлатнинг ваколатли идораси (васийлик ёки ҳомийлик тайинловчи орган) томонидан тайинланган ҳомий ёки васий томонидан ёзилган ариза, ногирон томонидан ёзилган ариза асос бўлади.

⁹⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 35-36-сон, 353-модда.

18 ёшдан юқори бўлган рухий касалликдан I ва II гуруҳ ногиронлари учун давлатнинг ваколатли идораси (суд қарори билан) томонидан тайинланган ҳомий ёки васий томонидан ёзилган ариза, ногирон томонидан ёзилган ариза асос бўлади.

Булардан ташқари қуйидаги ҳужжатлар ҳам талаб этилиши лозим:

а). Хомийлик ёки васийлик тўғрисидаги ҳужжат;

б). Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг паспорти (асли ва паспортнинг фуқаро тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ва унинг рўйхатга қўйилганлиги қайд этилган варағи нусхаси), 16 ёшгача болалар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси асли ва нусхаси, ногирон болалар ота ва онаси паспортининг фуқаро тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ва унинг рўйхатга қўйилганлиги қайд этилган варағи нусхаси, пенсия гувоҳномаси.

в). Ногиронлик ҳақида Тиббий меҳнат эксперт комиссияси маълумотномаси (ногирон учун), 16 ёшгача болалар учун Тиббий маслаҳат комиссияси хулосаси.

г). Амбулатор картасидан ёки касаллик тарихидан кўчирма (албатта қон ва сийдик таҳлили, қоннинг Вассерман реакцияси ва Австралия антигенига таҳлили, кўкрак қафаси флюорографияси, болалар учун оғиз-бурун бўшлиғининг бактериологик таҳлили (Лёффлер суртмаси).

д). Рухий-асаб касалликлари диспансери Тиббий маслаҳат комиссияси хулосаси.

е). Сил касалликлари диспансери хулосаси.

ж). Онкологик диспансер хулосаси.

з). Тери-таносил касалликлари диспансери хулосаси.

и). Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг 2 та фотосурати (6 х 4 хажмда).

к). Турар жойидан маълумотнома.

л). Техник инвентаризациялаш бюроси (БТИ) томонидан ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг уй-жойи тўғрисидаги маълумотнома (14 ёшгача бўлган ногирон болалар бундан мустасно).

м). Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг пенсияси (нафақаси) тўғрисида маълумотнома.

н). Ёлғиз кекса, пенсионер ёки ногироннинг моддий-маиший аҳволи тўғрисидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 3-иловаси).

о) "Саховат" уйига расмийлаштириладиган фуқаронинг ёлғизлигини тасдиқловчи турар манзилидаги маҳалла фуқаролар йиғини комиссияси далолатномаси.

п). "Саховат" уйига расмийлаштириладиган фуқаронинг ёлғизлигини тасдиқловчи турар манзилидаги маҳалла фуқаролар йиғини комиссияси йиғилиши далолатномаси асосида туман (шаҳар) ҳокими тавсия хати ёки ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг ёлғизлар рўйхатига олинганлиги тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими қарори.

Ота – она парвариши ва таъминотидан махрум бўлиб қолган вояга етмаган болаларни, ёлғиз кексалар, ёлғиз ногиронларни Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларида моддий таъминлаш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш нормалари ва тартиблари ушбу муассасалар ҳақида тасдиқланган Низомларга мувофиқ амалга оширилади.

Оилавий болалар уйлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори билане тасдиқланган НИЗОМ⁹⁸ га кўра ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш, ўқитиш, соғломлаштириш, ақлий, психологик ва жисмоний ривожлантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар учун оиладагига яқин зарур шароитлар вужудга келтириш оилавий болалар уйининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Оилавий болалар уйи туман (шаҳар) ҳокимининг қарори бўйича ташкил этилади, қайта ташкил қилинади ва тугатилади. Оилавий болалар

⁹⁸ Қаранг: "Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 31-32-сон, 318-модда

уйи ташкил этишни хоҳловчи эр-хотиннинг тегишли аризаси, васийлик ва ҳомийлик органининг, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг (кейинги ўринларда балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси деб аталади) эр-хотиннинг тарбияловчи ота-оналар бўлиши ва болаларни тарбиялаш учун олиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси туман (шаҳар) ҳокими қарори қабул қилиниши учун асос ҳисобланади.

Оилавий болалар уйи муассаса шаклида ташкил этилади ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади.

Оилавий болалар уйи ташкил этишни хоҳловчи эр-хотин ўзининг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат қилишади.

Аризада эр-хотиннинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, болалари (ўзлариники, фарзандликка олганлари) мавжуд бўлган тақдирда - уларнинг сони ва ёши кўрсатилади.

Аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг, никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари;

иш ва ўқиш жойидан маълумотнома (ишламаётган ёки белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилганлар учун - маҳаллий меҳнат органларининг ёки яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси);

меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажи мавжуд бўлса);

оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

эр-хотинда санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлган мулк ҳуқуқи, ижара шартларида (ижарага олинган) ёки бошқа қонуний асосларда турар жой мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (тегишли турар жой мавжуд бўлмаган тақдирда аризада хизмат турар жойи билан таъминлаш зарурлиги кўрсатилади);

тиббий-маслаҳат комиссиясининг эр-хотиннинг соғлиғи тўғрисидаги хулосаси, психиатрия ва наркологиya муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансери маълумотномалари.

Аризани топшириш вақтида эр-хотиннинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилади.

Агар ушбу Низомда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг никоҳдан ўтган, 35 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқаролари тарбияловчи ота-она бўлишлари мумкин.

Қуйидаги шахслар тарбияловчи ота-она бўлишлари мумкин эмас:
тарбиялашга олинаётган болалар билан қариндошлиги бўлганлар;
белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатлилиги чекланган деб эътироф этилганлар;

ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

ўзларига юкланган мажбуриятларни зарур даражада бажармаганлик учун васийлик (ҳомийлик) мажбуриятидан четлаштирилганлар;

агар фарзандликка олиш уларнинг айби билан суд томонидан бекор қилинган бўлса, собиқ фарзандликка олганлар;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган касалликлар рўйхатига мувофиқ болаларни тарбиялашга олиши тақиқланадиган касаллиги мавжуд бўлганлар;

қасдан қилган жинояти учун судланганлар.

Болаларни оилавий болалар уйига тарбиялаш учун бериш, тарбияловчи ота-оналар ва тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий болалар уйи таъминоти ва уни моддий-техник таъминлаш нормалари ва тартиблари ҳамда бошқа масалалр юқорида қайд этилган Низомга мувофиқ белгиланади.

11.3 *Пенсионер ва ногиронларни санаторий ва курортларда даволаш*

Пенсионерлар ва ногиронларни санаторий-курортларга юбориш орқали даволаш, саломатликларини мунтазам назорат қилиб туриш – уларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг асосий таркибий қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунининг 21-22 - моддаларида ҳамда 2008 йил 11 июлда янги тахрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” (янги тахрири) ги қонунга мувофиқ пенсионер ва ногирон бўлиб қолган фуқаролар зарур тиббий-ижтимоий ёрдамни олиш ҳуқуқига, шу жумладан санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш хизматидан фойдаланишга ҳақли эканликлари кўрсатиб қўйилган.

Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир

Пенсионерлар ва ногиронларни санаторий-курортлар, дам олиш уйларига юбориш асослари, муддатлари, тартиблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1489-сон билан рўйхатга олинган “Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт сихатгоҳ йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома” белгиланган бўлиб, унга кўра⁹⁹ ишламаётган ногиронлар ва пенсионерлар эҳтиёжманд бўлари тақдирда белгиланган тартибда санаторий ва курортларга бепул йўлланма билан таъминланадилар.

Йўриқномада Иккинчи жаҳон уриуши ногиронлари ҳамда кинчи жаҳон уриуши қатнашчилари ва улрага тенглаштирилган шахслар, шунингдек, 1-гуруҳ ногиронини кузатиб бора қатнашчилари ва улрага тенглаштирилган шахслар, шунингдек, 1-гуруҳ ногиронини кузатиб бораётган шахслар, фронт

⁹⁹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 27-сон, 196-модда.

ортидаги меҳнат frontiда ҳалол хизмати ва ҳарбий хизмати учун собиқ СССР давлати роден ва медаллари билан тақдирланганлар, Чернобил атом электр станциясидаги фалокатни бартараф этишда қатнашган ва гогирон деб топилгнлганлар, ядро полигонлари ва бошқа ядро-радиация объектларила ҳарбий хизматни ўтаган шахслар. Шунингдек, бўш жойлар бўлгани тақдирда санаторий ва дам олиш уйларига йўлланма ёлғиз пенсионерларга, 1 ва 2-гурух ногиронларига, кўзи ожиз 1-гурух неогиронини кузатиб борувчи шахсларга, ёш бўйича пенсия олувчиларга берилиши мумкин.

11.4. *Ногиронларга протез-ортопедия буюмлари, ҳаракатланиш воситалари бериш*

Ногиронларни реабилитация қилиш, улар ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзолари деб ҳисс қилишлари учунимкон яратиш шаклларида бир - протез-ортопедия буюмлари (сунъий органлар) ҳамда реабилитация-техника воситалари билан таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 мартда 1229-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасининг мухтож фуқароларни протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация-техника воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”¹⁰⁰ га кўра протез-ортопедия буюмларига эҳтиёжманд фуқаролар бепул (ишлаб чиқаришдаги жароҳат ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлиб қолганларида иш берувчи ҳисобидан) таъминланадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори билан тасдиқланган “Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ”¹⁰¹га кўра "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул берилиши керак бўлган, аммо улар ўз ҳисобига сотиб олинган реабилитация техник

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. 2003., № 5-6.

¹⁰¹ . "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 25-сон, 286-модда

воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби назарда тутилган.

Йўриқнома протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация-техника воситалари турларини, уни бериш ҳамда фойдаланиш тартиби ва муддатларини шунингдек, ана шундай буюмлар берилиши лозим бўлган ногиронлар доирасини белгилаб беради.

Протез-ортопедия буюмини олиш учун ногирон шахс қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиши лозим.

Мактаб ёшидаги болали оилаларга моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш. Ижтимоий ёрдамнинг бу тури аввалдан турли шаклларда (бепул тушликлар бериш, ўқув дарсликлари билан бепул таъминлаш, кийим-кечак билан таъминлаш ва ҳоказо) аввалдан ҳам фуқароларга кўрсатиб келинар эди.

Етим болалар ва ота-онадан қаровсиз қолган тўлиқ давлат таъминотидаги (болалар уйларидаги) болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида улар умумтаълим мактабларини битириб чиқаётганларида кийим-бош, пойафзал сотиб олиш учун 2002 йилда энг кам иш ҳақининг 80 баробари, 2003 йилда эса 100 баробари миқдорида бир йўла нафақа бериш назарда тутилди.

Чақалоқлар уйидан чақалоқларни фарзандликка, тарбиясига (патронат) олган тутинган ота-оналарга ҳар бир чақалоқ учун энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида ҳар ойлик нафақа бериш белгилаб қўйилди.

11.5. Фуқароларнинг айрим тоифаларига бериладиган ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга турли-туман имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Бу имтиёзлар улардан фойдаланишга ҳақли бўлган шахслар доирасига, имтиёз турлари ва уларнинг ижтимоий моҳиятига ҳамда бошқа хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилиши мумкин. Давлат бюджети ҳисобидан фуқароларга бериладиган

ижтимоий ёрдамни амалга ошириш шакли сифатида улар фуқаролар кундалик турмушида муҳим ўрин тутмоқда. Шунини айтиш кифояки, бугунги кунга келиб имтиёз ва енгилликларнинг умумий сони юздан ортиқ шаклда амалга оширилмоқда.

Бироқ, бозор муносабатлари шаолйитда боқимандалик, давлат ва жамият ҳисобига яшаш, ўз жисмоний ва ақлий салоҳиятини ишга солишдан бўйин товлашга тоқат қилиш мумкин эмас. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси, 2-қисмига кўра: “Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилган ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадидаги имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар билангина чекланиб қолмасдан, ижтимоий аҳамияти катта бўлган муайян касб ва вазифаларда банд бўлган шахсларни (педагоглар, врачлар ва бошқалар) ҳамда бошқа тоифадаги фуқароларни ҳам ўз ичига қамраб олгандир.

Имтиёз ва енгиллик берилиши объектлари ҳам хилма-хил бўлиб, турар жой-коммунал хизматлар, тиббий хизматлар, фармацевтика таъминоти, транспорт-алоқа хизмати, солиқ ва бож тўловлари кабиларни ўз ичига олган.

Имтиёз ва енгилликлар ҳажми турли тоифадаги фуқаролар учун турлича белгиланган бўлиб, бунда унинг давлат ва жамият олдидаги хизмати, моддий-ижтимоий аҳволи ва бошқа кўрсаткичлар эътиборга олинган.

Имтиёзлардан фойдаланиш асослари ва шартлари ҳам турлича бўлиб, фуқаронинг аввалги даврдаги хизмати, аввалги даврдаги ёки бугунги кунда бажариб келаётган вазифаси, оилавий аҳволи кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Имтиёз ва енгилликлардан фойдаланишнинг умумий тартибига кўра имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро ёки оила шундай имтиёз

ёки энгиликни бериши лозим бўлган давлат ёки жамоат органига, корхона-ташкilotга ёзма ариза билан мурожаат қилиши ҳамда имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи бекор бўлганида ёки ўзгарганида фойдаланувчи шахс бу ҳақда белгиланган муддат ичида имтиёз берувчи органни, тегишли ҳолларда – бошқа органларни хабардор қилиб қўйиши шарт.

Сохта ҳужжатлар асосида ёки нотўғри маълумотлар тақдим этган ҳолда имтиёздан фойдаланаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар ҳамда нотўғри берилган имтиёз тарзидаги зарарлар улардан тўлиқ ундириб олинади.

Энди фуқароларга бериладиган имтиёзлар ва энгиликларнинг асосий гуруҳларини қисқача тавсиф ҳамда таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

1. Тиббий ва фармацевтика хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ имтиёзлар. Бундай имтиёзлар бериладиган фуқароларнинг тоифалари тегишли қонун ҳужжатларининг ўзида назарда тутиб қўйилади ва ушбу ҳужжатларда белгиланган тартибда берилади.

Тиббий хизмат кўрсатиш ва дори-дармон воситалари билан таъминлаш юзасидан имтиёзлар. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни¹⁰² (қонуннинг 17-моддаси) ҳамда унинг асосида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларга биноан берилади¹⁰³.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532 – сонли “Даволаш-профилактика таъминлаш тизимини муассасаларини маблағ билан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра :ижтимоий аҳамияти катта бўлган айрим касаллик туцрларига чалингшан беморлар турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинадилар (Қарорнинг 1-иловси). Бундай касалликлар қаторига :

¹⁰² Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, №14, Т., «Адолат», 1997 йил, 40-бет.

¹⁰³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 январдаги «Ақолини дори-дармон воситалари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа қарорлар.

1. Онкологик касалликлар.
2. Сил касаллиги.
3. Руҳий касалликлар.
4. Ихтисослаштирилган муассасаларда гиёҳвандлик.
5. Мохов касаллиги.
6. Нурланиш касаллигига чалинган беморлар.
7. Юқумли касалликлар.
8. Сифилис.
9. ОИВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС).

10. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида беморларнинг шифохонада бўлиши чекланган муддатларининг тасдиқланган стандартлари бўйича реанимация тадбирларини ва интенсив терапияни талаб этувчи ҳолатлар.

11. Даражасидан қатъи назар камқонлик касаллигига чалинган ҳомиладор аёллар ва тукқан аёллар.

12. Эндокринологик касалликлар киритилган. Пуллик касалхоналар ва пуллик бўлимларда бу имтиёз амал қилмайди.

Шунингдек, турғун даволаш-профилактика муассасаларида касалликнинг туридан қатъий назар овқатланиш тўловидан озод қилинадиган аҳоли тоифалари ҳаб белгиланган бўлиб, улар жумласига (пулли касалхоналар ва бўлимлардан чашқари) қуйидаги тоифадаги фуқаролар киритилганлар:

1. Болалиқдан ногиронлар.
2. Чин етимлар.
3. I ва II гуруҳ ногиронлари.
4. 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар.
5. Ижтимоий таъминот бўлимларида ҳисобда турувчи ёлғиз нафақахўрлар.
6. 1941-1945 йиллардаги уруш йиллари меҳнат fronti қатнашчилари.

7. Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган - ногирон шахслар.

8. Байналмилалчи жангчилар.

9. 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар.

10. Мудофаа ишлари бўлимларининг йўлланмалари бўйича 18-27 ёшли чақириқ ёшидагилар. Юқоида қайд этиб ўтилган қарорнинг 4-иловасида амбулаторияда даволашда дори-дармонлар бепул бериладиган касалликлар ва шахслар рўйхати ҳам назарда тутилган ва улар қаторига қуйидагилар киради:

1. Онкологик касалликлар.

2. Сил касаллиги.

3. Мохов касаллиги.

4. Эндокринологик касалликлар.

5. Руҳий касалликлар.

6. ОИВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС).

7. Юрак клапанларини протезлаш ва органларни алмаштириш бўйича операциялардан кейин.

8. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар.

9. 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат фронти қатнашчилари.

10. 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар.

11. Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган - ногирон шахслар.

12. Байналмилалчи жангчилар.

13. Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасдан бериладиган имтиёзлар. Аҳолининг муҳтож табақаларини солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилиш ёки уларнинг миқдорини камаййтириш ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар турмуш кўрсаткичларини юксалтирилида муҳим

аҳамият касб этувчи моддий қўллаб –қувватлаш чораларидан бўлиб саналади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ана шундай имтиёз ва енгилликларнинг кўпгина шакллари аҳолининг мухтож қатламлари учун назарда тутилгандир. Бу имтиёз ва енгилликлар турли солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ ҳолда берилиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра¹⁰⁴ Фуқароларнинг турли тоифаларига кўпгина солилар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан имтиёзлар берилган ва бунда уларнинг меҳнат лаёқати, ёши, саломатлиги аҳволи ва бошқа жиҳатлари назарга олинган.

Даромад солиғи юзасидан имтиёзлар. Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслар даромад солиғи тшлайдилар. Солиққа тортиладиган даромад, уни ҳисоблаш ва ундириш тартиби Солиқ кодекси билан белгиланади.

Фуқароларга даромад солиғи бўйича имтиёзлар солиқ солинмайдиган даромадлар лоирасини белгилаш, солиқдан бутунлай озод қилиш ёки чегирмалар бериш йўли билан амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 171-моддасга кўра юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди ва улар солиққа тортилиши мумкин эмас:

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўт, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси

¹⁰⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й. 12-сон, 1-илова

қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни кўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда - қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;
қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

дала таъминоти;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар),

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

11) талабаларнинг таълим олиши учун, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

12) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳисобварағига муқобил хизмат шартномаси бўйича ўтказиладиган маблағлар;

13) мол-мулкни суғурта қилиш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга тўланадиган суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

14) ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан - иш берувчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади;

15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддасига кўра Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари – тўлалигича

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда - солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан

тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга ошириладиган бўлса;

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

9) саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахсининг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйида кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;

саноат намунасида - уч йил давомида;

фойдали моделдан - икки йил давомида;

10) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, бундан қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини) реализация қилишдан олинган даромадлар, шунингдек амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар мустасно;

12) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам;

15) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

16) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

17) депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

18) халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан - грант олувчидан олган грант суммаси;

19) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш,

хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак

20) меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар;

21) олинган алиментлар;

22) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

23) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

24) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

25) давлат пенсиялари;

26) давлат пенсияларига устамалар:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз йигирма беш фоизи;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг юз фоизи;

д) бошқа касалликлар бўйича I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларга - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи;

з) 1941-1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўлмаганларга) - энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга - хизматларига қараб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз фоиздан бир юз эллик фоизигача;

л) ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи;

м) театр-концерт ташкилотлари артистларига ва бадиий ходимларига, ўқув муассасаларининг театр ҳамда мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрлаш билан банд бўлган профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга кўра - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи;

27) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

28) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

29) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига - юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади;

31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

Жисмоний шахслар Солиқ кодексининг 180-моддасида назарда тутилган қуйидаги ҳолларда солиқ солишдан тўлиқ ёки қисман озод қилинадилар:

Даромад солиғидан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон

Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

7) прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари - уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича;

8) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар - ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар даромад солиғидан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга

тенглаштирилган бошқа ногиронлар. Бу имтиёзларни бериш учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" гувоҳномаси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчаси, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланганларнинг ордени дафтарчаси, уруш ногиронларининг тегишли уруш ногирони гувоҳномаси ёхуд мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёки бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг - Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асос бўлади;

2) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари. Имтиёз Уруш қатнашчисининг гувоҳномаси асосида, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари - Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси асосида берилади;

3) Ленинград шаҳрида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача қамал даврида ишлаган фуқаролар. Имтиёз ушбу шахслар қамал даврида Ленинград шаҳри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида берилади;

4) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ногирон бўлиб қолганлар. Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси имтиёзлар берилиши учун асос бўлади;

5) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

б) ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси мазкур имтиёз берилиши учун асос бўлади;

7) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажариш пайтида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари. Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг беваси (онаси, отаси)" штампи қўйилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмасалар, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёз фақат улар янги турмуш қурмаган тақдирда берилади

8) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Мазкур имтиёзни бериш учун Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлиги мудофаа ишлари бўйича бўлимлари, ҳарбий қисмлари, ҳарбий-ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ёки ташкилотларининг маълумотномаси асос бўлади;

9) Чернобыль АЭСдаги авария оқибатида жабранганлар. Имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган, имтиёз берилиши учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

10) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

11) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги турмуш қурмаганлик ҳамда меҳнат ва ижтимоий таъминот органининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади

12) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда - яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилади

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ. Солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида

бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари саналадилар.

Жисмоний шахсларга мол-мулк солмғи юзасидан имтиёзлар берилади .

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

4) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг). Мазкур имтиёз тегишинча тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилган, имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

6) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

7) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ва рафиқаларининг. Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг беваси (онаси, отаси)" штампи қўйилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёз фақат улар янги турмуш қурмаган тақдирда берилади;

8) муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари ва улар оила аъзоларининг (хизматни ўташ даврида). Мазкур имтиёз тегишли ҳарбий қисмнинг ёки туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади

Белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилар саналадилар.

Солиқ кодексининг 290-моддасига кўра ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

3) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

4) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

7) Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар). Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган пайдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар - уларга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича - ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Давлат божи тўлаш юзасидан имтиёзлар. Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

Жисмоний шахсларга муайян ҳолларда давлат божи тўдаш юзасидан имтиёзлар берилади. Жумладан, Солиқ кодексининг 228-моддасига кўра муимий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар - иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар - муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар - алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар - меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

5) даъвогарлар - ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

6) даъвогарлар - жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

7) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолашилаётган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

8) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

9) юридик ва жисмоний шахслар - жиноят ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

10) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

11) юридик ва жисмоний шахслар:

суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича;

даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;

12) юридик ва жисмоний шахслар - суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;

14) истеъмолчилар - ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари - истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатилган даъволар юзасидан;

Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод қилиш. Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

- давлат пенсиялари ва нафақаларини олиш учун зарур бўлган, шунингдек васийлик қилиш ва фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари тўғрилигини уларга тасдиқлаб берганлик учун;

- мол-мулкани давлат фойдасига, шунингдек юридик шахслар фойдасига ҳадя қилиш тўғрисидаги васиятномалари ва шартномаларини тасдиқлаганлик учун;

-кўйидагилар учун меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун:

Ватанни ҳимоя қилиш чоғида, бошқа давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганлиги муносабати билан ёхуд инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкани ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини адо этиш муносабати билан ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулки учун;

уй-жой (квартира) учун ёки уй-жой-қурилиш кооперативидаги пай учун, агар улар мерос қолдирувчининг вафот этиш кунигача бирга яшаган, турар жойда қайд этилган бўлса ва мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳам шу уй-жойда (квартирада) яшаётган бўлса;

банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкый суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун, адабиёт ва санъат асарлари муаллифи ва ижрочисининг мулкый ҳуқуқлари, ихтиро, фойдали модель ва саноат намунаси учун муаллифлик ва ижрочилик ҳақи суммалари учун;

- пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномани тасдиқлатганлик учун;

- кўп болалик учун уларга орденлар ва медаллар берилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этиш ва ҳалок бўлиш ҳодисасига корхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан суғурта қилинган

жисмоний шахсларнинг меросхўрлари - суғурта пулига ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берганлик учун;

- сурункали руҳий касалликка чалинган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик белгиланган шахслар - мол-мулкка ворислик қилишлари тўғрисида гувоҳнома олганликлари учун;

- 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш фронтларида яраланган шахслар ва 1941-1945 йиллардаги уруш фронтларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг оила аъзолари, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ҳамда Ватанни ҳимоя қилишда ва Совет Армиясида ўз хизмат бурчини ўтаётганда яраланган шахслар, Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини ўтаган шахслар, шунингдек 1986-1987 йилларда Чернобиль АЭСининг заҳарланган минтақаси доирасида авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, 1986 йилда Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан заҳарланган минтақадан кўчирилган (шу жумладан, ўз ихтиёри билан чиқиб кетган) шахслар, агар улар вафот этган бўлса, уларнинг оила аъзолари - имтиёзлар берилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлатганлиги учун;

- йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта суммаларига ҳамда фуқароларга қаршли мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта товони суммалари бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

- фермер хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар - уларга фермер хўжалигининг мол-мулки бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар - уларга дехқон хўжалиги мол-мулки бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божини тўлашдан озод қилиш. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

- туғилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, уларга фарзандликка олинган, оталик белгиланган, жинси ўзгартирилган ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тuzатилган тақдирда гувоҳномалар берганлик учун;

- белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ёхуд қилган жиноятлари учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун;

- реабилитация қилинган қариндошларининг вафот этганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар берганлик ёки илгари берилган гувоҳномаларни алмаштирганлик учун;

- табиий офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар - уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун.

Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини беришда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат божини тўлашдан қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

1) дипломатик паспорт берганлик учун;

2) қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш учун рухсатнома берганлик учун: яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилган тақдирда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) биноан улар чет эл

судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилганда;

3) ўн олти ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси гувоҳномасини берганлик учун;

4) тўлиқ давлат таъминотида бўлганлар - Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик учун.

Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг консуллик йиғимларини ундиришдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро шартномаси мавжуд бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича;

3) чет эл дипломатик паспортларига ўзаролик асосида виза қўйганлик учун;

4) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатларни сўраб олганлик ва легаллаштирганлик учун;

5) чет давлатларнинг белгиланган тартибда аккредитациядан ёки рўйхатдан ўтказилган доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ва чет давлатлар ҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ҳамда филиаллари ходимларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

6) белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган матбуот вакилларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

7) инсонпарварлик ёрдамини кузатиб келувчи чет давлатларнинг фуқароларидан;

8) ўн олти ёшга тўлмаган болалардан;

9) Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек бюджет ташкилотлари таклифига биноан

Ўзбекистон Республикасига келувчи чет давлатлар фуқароларидан, агар контракт шартларига кўра виза олиш билан боғлиқ харажатлар қабул қилувчи тарафга юклатилган бўлса;

10). Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Фуқароларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик (яшаш жойини қайд этганлик) учун давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар;

мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари.

Божхона органлари божхона ишини амалга оширишда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган божхона тўловларини ундиради. Божхона тўловлари ва йиғимлари ундириш чоғида Ўзбекистон республикасининг Божхона кодекси ва "Бож тарифи тўғрисидаги қонунида наўарда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларга муайян имтиёзлар берилиши назарда тутиб қўйилиши мумкин.

Банк-кредит ва суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасидаги имтиёзлар. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг замонавий шакллари билан бўлиб турли мақсадлар кўзгангани ҳолда уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли шартларда кредит берилиши мумкин. Бундай кредитлар берилишидан мақсад ёш оилаларни қўлаб-қувватлаш, ўзини ўзи иш билан таъминлашларига кўмаклашиш кабилардан иборатдир.

Имтиёзли кредитларнинг турли шакллари мавжуд бўли, уларнинг ҳуқуқий режими турли-тумандир.

Ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1697-сон билан "Тижорат

банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ”¹⁰⁵ рўйхатга олинган.

Ёш оила - ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган шахслардан иборат. Кредитлар тижорат банклари томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари асосида берилади.

Ёш оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун, сотиб олинаётган кўчмас мулкни гаровга олиш орқали уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун кредит берилиши мумкин. Ипотека кредитлари ёш оилаларга 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. якка тартибдаги уй-жойни қурилиши ва сотиб олиш учун - қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача;

якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун - қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга молиявий истеъмол кредитлари бериш, мониторинг қилиш ва қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда тартибга солинади.

Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 2 майда 1567-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат

¹⁰⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 41-42-сон, 425-модда.

банклари томонидан Иш билан таъминлашга шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ”¹⁰⁶ га мувофиқ қишлоқ, овул ва кўрғонларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун уй-жой қуриш учун берилган участкаларининг бир қисми - томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортқчасини деҳқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оилавий хўжалик фаолияти ёки деҳқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги юритиш учун ушбу турдаги имтиёзли кредит берилади.

Бундай кредитни бериш шартлари, тарт иблари ва имтиёзлар ҳажми юқоридаги Низомда назарда тутилганг.

Суғурта хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ равишда пенсионарлар,онлар ва бошқа айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзлар бериш назарда тутилган.

Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш. Бу соҳадаги имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни¹⁰⁷ билан белгиланган бўлиб, мазкур қонунни 1-бандига кўра шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

¹⁰⁶ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 18-сон, 156-модда.

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 9-сон, 141-модда

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бениқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс учун сақлаб қолинсин.

Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида НИЗОМ” қарорига кўра¹⁰⁸ таълим кредитлари тижорат банклари томонидан Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига, берилиши мумкин.

Таълим кредитлари, Олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами. 2001 йил, 7-сон, 43-модда.

чин етимларга, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);

талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича кўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам. Ижтимоий ёрдамнинг турлари. Ижтимоий ёрдам кўрсатувчи давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари. Ижтимоий ёрдамнинг натурал турлари. Ёлғиз кексалар ва ёлғиз ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш. Ота-она парвариши ва таъминотсиз қолган вояга етмаган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш. Имтиёзлар ва уларни бериш. Имтиёз бериш мезонлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ижтимоий ҳимояни нг мақсад ва вазифалари нима ?
2. Ижтимоий ҳимонинг ижтимоий таъминотдан қандай фарқлаш мумкин ?
3. Ижтимоий ёрдам ҳақида нималарни биласиз ? ижтимоий ёрдам кимларга кўрсатилади ?
4. Қайси идоралар томни дан ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалга оширилади ?
5. Ижтимоий хизмат деганда нималар назарда тутилади ?
6. Ижтимоий имтиёзлар нима ва улардан фойдаланиш тартиби қандай ?

13-БОБ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ .

13.1. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид халқаро қонунчиликнинг умий тавсифи.

Инсоният тараққиёти натижасида ер юзида гуманистик жамият шаклланди ва инсоннинг маърифатли эканини белгиловчи муҳим мезон сифатида ожиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган инсонларга меҳр-мурувват кўретиш, уларни жамият томонидан моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланиши олий ахлоқий қадрият сифатида қарор топди.

Бугунги кунда объектив сабабларга кўра (кексайиб қолгани, ногирон бўлгани, ҳали вояга етмагани туфайли) ўзини ўзи таъминлашга қонидир бўлмаган фуқароларни давлат ва жамият томонидан моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ўзга инсонлар томонидан уларга меҳрибонлик кўрсатилиши билан боғлиқ ахлоқий қоидалар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилгандир. Бундай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар универсал халқаро

ташкilotлар томонидан ҳам, регионал ташкilotлар томонидан ҳам ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти мустақил Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳамда миллий қонунчилик тизимимизга имплементациялангандир¹⁰⁹.

Инсон ҳуқуқлари, жумладан объектив сабаблар билан ўзини ўзи таъминлай олмайдиган аҳволга тушиб қолганида жтимоий таъминот ва ёрдам олишга умид қилиши мумкинлиги Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг инсон ҳуқуқларига оид Билл деган умумий ном билан аталувчи етакчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан саналмиш “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда” ва бошқа нуфузли халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида“ги Фармони¹¹⁰да кўрсатилганидек: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олти асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

¹⁰⁹ Жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси 1991 йил 30 сентябрда (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991., 11-сон, 278-модда.), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга 1995 йил 31 августда (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 1995., 9-сон, 201-модда), шу кун “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995., 9-сон, 202-модда), Халқаро меҳнат ташкilotининг 13 та Конвенцияларига ва бошқа энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилгандир.

¹¹⁰ Халқ сўзи, 2008 йил 2 май.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган”¹¹¹.

БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” инсон ҳуқуқларига оид бош стандарт сифатида ижтимоий таъмино олиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларни ҳам ўзида мустаҳкамлайди. Жумладан, унинг 22-моддасида “Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр қимматини сақлаш, шахснинг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини миллий саъй-қаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик орқали ва ҳар бир давлатнинг тузилаши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ амалга оширишга ҳақли”. Мазкур универсал ҳужжатнинг бошқа нормалари ҳам инсоннинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасига бағишланган қоидаларни назарда тутди.

БМТнинг “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакти ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқни инсоннинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан бири сифатида таърифлайди ва унинг 9-моддасида “Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиш, жумладан, ижтимоий суғурта ҳуқуқини эътироф этади” дея кўрсатилган бўлса, 11-моддасида эса “ Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этади. Мазкур иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, айти пайтда эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этади.

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг очликдан ҳоли бўлишдек асосий ҳуқуқини тан олган ҳолда, қуйидаги вазифаларни

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2008., 5-сон, 252-модда.

амалга ошириш учун аниқ дастурларни ўтказишни қамраб оладиган зарур чораларни кўришлари керак:

а) техник ва илмий билимлардан кенг кўламда фойдаланиш, овқатланиш тамойиллари тўғрисидаги билимларни ёйиш, табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва ўзлаштириш учун аграр тизимни такомиллаштириш ёки ислоҳ қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш услубларини яхшилаш; ва

б) эҳтиёжга мувофиқ ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда жаҳондаги озиқ-овқат заҳираларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш” деб белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор Конвенциялари ҳам ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоялаш масалаларни назарда тутди. Улар жумласига 1962 йилги “Ижтимоий таъминот соҳасида тенг ҳуқуқлилиқ тўғрисида”ги 118-Конвенция, 1967 йилги “Ногиронлик, қарилик, боқувчисиз қолганлик нафақалари тўғрисида”ги 128 - Конвенция, 1992 йилги “Иш берувчилари тўловга қобилиятсиз бўлиб қолгани тақдирда меҳнаткашлар талабларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 173-Конвенция ҳамда бошқа Конвенциялари киритилиши мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари бевосита ижтимоий таъминот масалаларига тааллуқли бўлмасада, бироқ, уларнинг барчасида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси масалалари назарда тутилгандир.¹¹²

Ижтимоий таъминот в ижтимоий ҳимояга оид қоидалар Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор Тавсияларида ҳам назарда тутилган.

¹¹² Жумладан, Ўзбекистон республикаси томонидан ратификация қилинган “Оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” 1952 йилги (қайта кўриб чиқилган) 103-Конвенция, “Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида”ги 1971 йилги 135-Конвенция, . Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-Конвенция ва бошқа ларда ижтимоий таъминот ва ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ махсус нормалар мавжуддир.

Ижтимоий таъминотга оид халқаро ҳуқуқий қоидалар минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларда ҳам ўз акссин топган. Бунда Европа иттифоқи ҳамда жаҳоннинг боқа регионларида фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ҳужжатлари эътиборда скланмоғи керак.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги дорасидаги минтақавий халқаро ҳужжатлар ушбу иқтисодий маконда истиқомат қилувчи халқларни ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимоси амалғна оширилишида алоҳтиа ўрин тутиши қайд этилмоғи лозим.

Жумладан, ушбу регионал халқаро ташкилот томонидан 1991-2010 йиллар давомида бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, 1992 йил 13 мартдаги “МДХ давлатлари фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги БИТИМ”¹¹³, 1992 йил 26 июндаги “Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги БИТИМ”, 1992 йил 9 октябрдаги “Мулкчилик соҳасида ўзаро ҳуқуқларни тан олиш ва муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги БИТИМ” (Ўзбекистон Ёреспубликаси учун 1992 йил 9 октябрдан амал қилабошлаган), 1992 йил 13 ноябрдаги “МДХ аъзоси бўлган давлатларнинг меҳнат, миграция ва ижтимоий ҳимоя масалалри бўйича Маслаҳат Кенгашни тузиш тўғрисидаги БИТИМ”, 1993 йил 12 мартдаги “Улуғ ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахсларнинг йўл – транспорт соҳасидаги имтёзларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги БИТИМ”, 1993 йил 24 декабрданги (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 23 январдан кучга кирган) МДХ давлатлари Ички ишлар органлари ходимлари пенсия таъминоти ва уларни давлат суғуртаси тартиби тўғрисидаги БИТИМ”, 1994 йил 15 апрелдаги (Ўзбекистон учун 1995 йил 18 сентябрдан кучга кирган) “Меҳнат миграцияси ва мигрант меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорли тўғрисидаги БИТИМ”, 1994 йил 15 апрелдаги (Ўзбекистон Республикаси учун 1996 йил 22 юндан кучга

¹¹³ Мазкур Битимга Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 13 мартдан бошлаб қўшилганг.

кирган) “Улуғ ватан уруши қатанашчилари ва ногиронлари, ўзга давлатлар худудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган шахслар, уларнинг оила аъзолари учун белгиланган имтиёз ва кафолатларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги БИТИМ”, 1994 йил 9 сентябрдаги (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 12 апрелдан кучга кирган) “Социал нафақалар, коопенсацион тўловлар ва алиментлар бўйича фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақидаги БИТИМ”, 1994 йил 12 октябрдаги (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 12 октябрдан кучга кирган) ва бошқа битимлар амал қилмоқда.

13.2. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя.

Жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда аҳолини ижтимоий таъминоти ва мухтож табақаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик тизим шаклланган бўлиб, демократик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларда узоқ йиллик тараққиёт ва тўпланган бой тажриба асосида анча мукаммалш ҳуқуқий тизим ва механизмлар яратилган ва улар самарали ишлаб турган бўлса, ривожланиб келаётган мамлакатларда бу соҳадаги қонунчилик шаклланиш ва такомиллашиш босқичидадир.

Барча даврларда ва жамиятларда ҳам аҳолини ижтимоий таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш ижтимоий заиф аҳоли қатламларини моддий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга давлат ва жамият кўмаги, ғамхўрлиги кўрсатилиши орқали ижтимоий адолатни ўрнатиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш, жамиятнинг турли қатламлари ўртасида ўзаро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туриш мақсадларини кўзлайди.

Бугунги кунда, планетар миқёсда инсоний алоқалар ва коммуникация воситалари кенг тараққий топган шаройтда ижтимоий таъминот ва ижтимоий муҳофаза соҳасидаги ўзаро тажрибаларни баҳам кўриш, ютуқлардан биргаликда фойдаланиш имконияти мсчлсиз кенгаймоқда. Хорижий мамлакатлар қонунчилик тизими ва уни қўллаш тажрибасини диқат билан ўрганиш ҳар қандай мамлакат учун, айниқса ўз мустақил тараққиёт

йўлига яқин даврларда кирган, ривожланаётган малакатлар учун фойдадан холи эиаслиги аёндир.

Жаҳондаги мамлакатларда аҳолини пенсия ва нафақалар билан таъминлашнинг турли-туман тизимлари амал қилади. Уларнинг аксариятида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти амал қилади ва унинг маблағлари шаклланишида бўлғуси пенсионер ўзининг иш ҳақи ва бошқадаромадларидан тўланадиган бадаллари билан иштирок этади.

Бошқа мамлакатларда эса давлат пенсия таъминоти тизимлари жорий қилинган бўлиб, ишловчиларнинг ойлик маошларидан давлат солиғи шаклида мақсадли равишда бюджетга ўтказилган маблағлар ҳисобидан катъий нормаланган тарзда пенсия таъминоти амалга оширилади.

Масалан, **Японияда ижтимоий ҳимоя** бевостиа пул тўловларини амалга ошириш орқали ҳамда ижтимоий натурал ёрдамлар ва имтиёзлар бериш йўли билан олиб борилади . Демографик нохуш тенденцияларга қарши курашиш мақсададида (аҳолининг қариш кўрсаткичлари мунтазам ортиб бораётгани, туғилишнинг эса камайиб бораётгани) ёш болалик олилаларни, кексаларни қўллаб-қувватлашга оид дастурлар қабул қилинди. Шунини қайд этиш керакки, бугунги кунда Япония жаҳондаги энг узок умр кўрадиганлар юрти бўлиб, ўртача умр кечириш ёши аёллар учун 84,01 ни, эркаклар учун эса 77,1 ёшни ташкил этади¹¹⁴.

Японияда ижтимоий ҳимоянинг беш тоифаси назарда тутилиган бўлиб, улар :

- ҳаётни муҳофаза қилиш;
- ижтимоий таъминотни амалга ошириш;
- Ижтимоий суғурталаш;
- Соғлиқ ва гигиенани таъминлаш;
- Ишсизлик нафақаси бериш.

¹¹⁴ Қаранг: Цунэо Инако. Современная право Японии.М., 1981.

Японияда пенсия таъминоти тизими. Японияда миллий пенсия тизими ва ишлаётганларнинг пенсия суғуртаси орал пенсия таъминоти тизими фаолият кўрсатади.

Пенсия ёши миллий пенсия таъминоти тизими орқали пенсия тайинлашда -65 ёш, ишловчилар учун ижтимоий суғурта пенсиясида-60 ёшдир. Аммо, ижтимоий суғурта пенсияларида ҳам пенсия ёшини 65 ёш қилиб белгилашга ҳаракат қилиноқда.

Германияда ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя тизими такомиллашган бўлиб, бу соҳада ўнлаб қонунлар амал қилб турибти¹¹⁵. Давлат пенсиялари билан бир қаторда нодавлат пенсия тизимлари ҳам амал қилади ва ишловчиларнинг ўзлари томонидан олдиндан тўлаб турилган бадаллар ҳисобига жамғариб бориладиган пенсиялар тайинланади ва тўланади.

Бу мамлакатда яшовчи ота-оналар болалари учун нафақа олишга ҳақли бўладилар (Kindergeld). Нафақанинг миқдори оиладаги болалар сонига боғлиқ бўлиб, биринчи ва иккинчи бола учун ойига 250 ДМ, учинчи фарзанд учун 300 ДМ ва тўртинчи ҳамда кейинги фарзандлар учун 300 ДМ миқдорида нафақа тўланади. Болаларга тайинланган нафақа улар 18 ёшга киргунларига қадар, агар улар ўқишни давом эттираётган, касб ўрганаётган бўлсалар нафақап уларга 27 ёшга етгунларига қадар тўланши мумкин¹¹⁶.

Франция Республикаси. Бу мамлакатда ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя аҳолининг тобора кенг қатламларини қамраб олаётгани билан эътиборга лойиқ. Пенсия таъминоти маблағлари тадбиркорлар ва ходимлар тўлайдиган бадаллардан, қисман давлат ажратадиган маблағлардан ташкил топади¹¹⁷.

Пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлган муносабатлар 1956 йилда қабул қилмнган Ижтимоий таъминот кодекси билан тартибга солинади. Ушбу

¹¹⁵ Масалан, ўнта китобдан иборат Ижтимоий таъминот кодекси, “ижтимоий таъминот тўғрисида”ги, Болаларга федерал нафақалар тўғрисида”ги, Ижтимоий ёрдам тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар мавжуд.

¹¹⁶ Шапп ян. Основы гражданского права Германии. М., 1996.

¹¹⁷ Люшер Ф. Конституционная защита прав и свобод личности. М., 1993; Франция. Конституция и законодательные акты. М., 1989.

қонунда пенсиялар, ишлаб чиқаришда жароҳат олиши, касб касаллигига чалиниши туфайли ногирон бўлган, боқувчисин йўқотган шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш назарда тутилган. Пенсия ёши 65 ёш, аммо 37,5 йил суғурта бадали тўланган ҳолда пенсия ёши эркаклар учун ғҳам, аёллар учун ҳам 60 ёшгатушурилади.

Болаларга ва ёш болалаик оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш 1986 йилиги “Болаларга тўланадиган нафақалар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Америка қўшма штатлари. Ижтимоий таъминот асосан тадбиркорлар ва ёлланиб ишловчи ходимлар томонидан тўланадиган бадаллар ҳисобига ташкил топадиган маблағлардан амалга оширилади. Айни пайтда камбағал оилаларга, ногиронларга, беваларга, ёлғиз оналарга федерал бюджет хисобдан бепул овқат учун талонлар, нафақалар бериш кўзда тутилган.

Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун 1935 йилда қабул қилинган. Кейинчалик ижтимоий таъминот масалаларида ирқчиликка йўл қўймасликка қаратилган, имтиёзли тиббий хизмат кўрсатишга оид, ногиронлар тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинган¹¹⁸.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзоси бўлган хамкорларимиздаги ижтимоий таъминот қонунчилиқ тизимлари ва бу соҳада фаолият юритувчи давлат бошқарув органлари бир-бирига яқин бўлиб, собиқ иттифоқ давлати давридаги асосий шаклий жиҳатларини сақлаб қолмоқда. Айни пайта бу соҳада табақаланиш яққол кўзга ташланмоқда ва бугунги кунда давлат пенсия таъминоти тизимлари билан бир қаторда нодавлат пенсиялари ҳам тез ривожланибд бормоқда. Бозор муносабатларининг чуқурлашиб бораётгани ва бу мамлакатларда пенсия қонунчилиқ тизимларини ислоҳ қилиш амалга оширилиши туфайли боқимандалик кайфиятларига аста-секин барҳам берилиб, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият бойликларига кўпроқ ҳисса қўшишига қараб таъминотни амалга ошириўш йшлига ўтилмоқда.

¹¹⁸ Қаранг: Боботов С.В. Введение в правовую систему США. М., 1997.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Ижтимоий таъминот олишга доир халқаро стандартлар. Бирлашган Иллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларига оид универсал ҳужжатлаи. Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялар. Ижтимоий таъминот соҳасида халқаро ҳамкорлик. Мусчтақил давлатлар ҳамдўстлигиши. Ижтимоий таъминот соҳасидаги МДХ Битимлдари. Мигрант меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир МДХ битимлари. Хорижий далаатлар ижтимоий таъминот қонунчилиги.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. *Ижтимоий таъминот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик моҳиятини тушунтириб беринг.*
2. *Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?*
3. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган қайси халқаро ҳужжатларда ижтимоий таъминотга тааллуқли қоидалар мавжуд ?*
4. *Халқаро меҳнат ташкилотининг ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотга доир Конвенция ва тавсиялари ҳақида сўзлаб беринг.*
5. *Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз ?*
6. *Мустақил давлатлар ҳам дўстлиги (МДХ) доирасида ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қандай хусусиятларга эга ?*
7. *МДХнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қандай Битимларини биласиз ?*
8. *Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қандай самаралар бериши мумкинлигини сўзлаб беринг.*

КУРСНИ ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

1. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т: Ўзбекистон, 1996. –394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –429 б.

7. Каримов И.А. Биз келажигимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. –Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.– 280 б.
18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. – Ўзбекистон, 2010. 280 б.
19. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
20. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилинган маъруза. «Халқ сўзи». 2010 йил 12 ноябрь.

2. **ЎҚУВ ВА МАХСУС АДАБИЁТЛАР**

1. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент, ТДЮИ, 2005
2. Андреев В.С. “Право социального обеспечения М., “Юридическая литература” 1997 й.
3. Турсунов Й. Шайимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. ТДЮИ, 2003 й.
4. М.А.Усманова, Й.Турсунов, Ш.Газиёв. Аҳолини йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ, 2006, 158 б.

5. М.А.Усманова. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари. Т., ТДЮИ, 2006 й. 198 б.
6. Аҳмедов Д. Қ. Бозор муносабатлари шароитида давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари. Т., ТДЮИ, 2006 й. 209 бет.
7. М.А.Усманова. Аҳолини йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ, 2009 й. 210 б.
8. Леонов А.С. Социальные права: Россия и Европа. - М.: Социальная защита,1998,- С.127
9. Мачульская Е.Е. Практикум по праву социального обеспечения. - М.: Норма, 1998. - 252 с.
10. Питерс Д. Введение в законодательство о социальной защите в странах членах Европейского сообщества. - Лёвен: Институт Центральной и Восточной Европы, 1994. - №2. - 170 с.
11. Содиқов Х.М., Бобожонов П.Р., Қўчқоров Б.Т. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: ЎзР Адлия вазирлиги, 2004. - 656 б.
12. Усманова М., Турсунов Й., Газиёв Ш. Аҳолини йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳуқуқий муаммолари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 109 б.
13. Холбеков А., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. - 156 б.
14. Гуломов М. Маҳалла - фуқаролик жамияти асоси. - Тошкент: Адолат, 2003. - 302 б.
15. Тучкова Е.Г., Захаров М.Л. “Социальное обеспечение и обслуживание пенсионеров”. М.: “Наука”, 1992 г.
16. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.
17. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения: Нормативные акты о пособиях и компенсационных выплатах. – М., 1995.-235.
18. Усманова М.А., Муродова Г. М. Ижтимоий ҳимоя нима? Т.: ТДЮИ. 2009., 2,5 б.т.
19. Усманова М. А. Фуқаролик муносабатлари ва ижтимоий ҳимоя. Ж // Ҳаёт ва Қонун. №6. 2003., Б – 36-37.
20. Усманова М. А. Ижтимоий ҳимоя объектив эҳтиёж. //Давлат ва ҳуқуқ. 2004. №2.
21. Усманова М.А. Бозор муносабатларига ўтиш даврида аёллар ижтимоий ҳимояси ва унинг хусусиятлари. Ж // Давлат ва ҳуқуқ. 2005. №4. Б-28-31.
22. Усманова М. А. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Т.: Фан, 2000., Б-68-70.
23. Усманова М.А. Бозор муносабати шароитларида ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти. // “Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари.Т.: Фан, 2002. Б-106-108.
24. Усманова М.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари. //“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш асоси” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ, 2003. Б-345-347.
25. Усманова М.А. Ижтимоий ҳимоя фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан. // “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммо ва ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ. 2004. Б-113-117.
26. Усманова М.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва фуқаролар ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш. // “Ўзбекистонда кичик бизнес ривожининг ҳуқуқий муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари.Т.: ТДЮИ, 2005. Б-165-168.

27. Усманова М.А. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати ва унинг конституциявий асослари. // “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш асоси” мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллар. Т.: ТДЮИ. 2005. Б.266-269.
28. Усмонова М.А. Нодавлат ижтимоий ҳимояси: фуқаролик-ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари. Фуқаролик кодекси такомиллаштириш муаммолари Т., ТДЮИ, 2007 й. 69-73 б.
29. Усмонова М.А. “Ижтимоий ҳимоя йили” ва ҳуқуқшунослик фанлари олдидаги долзарб вазифалар// Ижтимоий ҳимояга оид қонунчилик тизимини такомиллаштириш муаммолари. Т., ТДЮИ., 2007 й. 29-32 б.
30. Усмонова М.А. Ёшлар ижтимоий ҳимояси ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалалари. //”Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”, мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари, Т., ТДЮИ, 2008 й.
31. Усмонова М.А. “Ёшлар йили” ва вояга етмаганлар ижтимоий ҳимоясига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. “Оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Т., ТДЮИ. 2008.,31-36 бетлар
32. Усмонова М.А. Ижтимоий ҳимоя–тарихий илдизлари ва такомиллаштириш истиқболлари. // “Инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т.,ТДЮИ. 2009. 38-43 бетлар.
33. “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” ўқув қўлланма. жамоа ҳаммуаллифлиги Т. “Молия” 2000 й.
34. “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” ўқув қўлланма. Турсунов Й., Усманова М.А. Т. ТДЮИ., 2004 й.
35. Ш. Исмоилов. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Т., Тошкент давлат юридик институти, 2006й.
36. Турсунов Й., Усманова М. А. “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” 2-мутахасислик талабалари учун услубий қўлланма. Т.: Тошкент тезкор босмахонаси. Т., ТДЮИ, 2003.,
37. Саттарова Г. Д., Каримов Х. А. Пенсия таъминоти ва унинг ҳуқуқий муаммолари. Ўқув услубий мажмуа. Т., ТДЮИ, 2010., 4. 4. Усманова М.А. , Исрайлов Б.А. Аҳолини йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳуқуқий муаммолари. Ўқув-услубий мажмуа. Т., ТДЮИ, 2010 .
38. Леонов А.С. Социальные права: Россия и Европа. - М.: Социальная защита, 1998.
39. Мачульская Е.Е. Практикум по праву социального обеспечения.- М.: Норма, 1998.
40. Питерс Д. Введение в законодательство о социальной защите в странах членах Европейского сообщества. - Лёвен: Институт Центральной и Восточной Европы, 1994. - №2. - 170 с.
41. Содиқов Х.М., Бобожонов П.Р., Қўчқоров Б.Т. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: ЎзР Адлия вазирлиги, 2004. - 656 б.
42. Усманова М., Турсунов Й., Газиёв Ш. Аҳолини йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳуқуқий муаммолари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 109 б.
43. Холбеков А., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. - 156 б.
44. Гуломов М. Маҳалла - фуқаролик жамияти асоси. - Тошкент: Адолат, 2003. - 302 б.
45. Тучкова Е.Г., Захаров М.Л. “Социальное обеспечение и обслуживание пенсионеров”. М.: “Наука”, 1992 г.
46. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.

47. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения: Нормативные акты о пособиях и компенсационных выплатах. – М., 1995.-235.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгшашининг Ахборотномаси.1993., 9-сон, 338-модда.(Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎЗР 22.12.1995 й. 179-I-сон Қонуни,ЎЗР 25.04.1997 й. 421-I-сон Қонуни, ЎЗР 29.08.1998 й. 681-I-сон Қонуни,ЎЗР 14.04.1999 й. 760-I-сон Қонуни,ЎЗР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни,ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни,ЎЗР 23.05.2005 й. ЎРҚ-2-сон Қонуни, ЎЗР 07.12.2007 й. ЎРҚ-119-сон Қонуни, ЎЗР 28.12.2007 й. ЎРҚ-138-сон Қонуни, ЎЗР 31.12.2008 й. ЎРҚ-197-сон Қонуни, ЎЗР 20.05.2010 й. ЎРҚ-247-сон Қонуни, ЎЗР 09.09.2010 й. ЎРҚ-254-сон Қонуни, ЎЗР 22.12.2010 й. ЎРҚ-272-сон Қонуни
3. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1996 й. 265-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 124-модда, 2001 й. 5-сон, 89-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (Янги тахрирда). 2008 йил 11 июль.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни. Бу қонун 2007 йил 2 майда қабул қилинган
7. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги қонуни
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги ““Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 249-сонли қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 95-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. ҚТ, 1994 йил, 8-сон.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 110-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” 1657-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 йил, 1-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони. ҚТ, 1999 йил, 1-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолини

- ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги 3017-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 15-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 май “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 212-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 7-сон, 134-модда.
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” 1657-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 йил, 1-сон.
 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони. ҚТ, 1999 йил, 1-сон.
 19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Ядро полигонларида ва бошқа ядровий радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1657-сон Фармони. ҚТ, 2002 йил, 4-5-сон.
 20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги “2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида”ги 3227-сон Фармони. ҚТ, 2003 йил, 3-4-сон.
 21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 август “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 32-33-сон.
 22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги Қарори.
 23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрел “Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида”ги 17-сонли қарори. ҚТ, 1992- йил, 4-сон, 13-модда.
 24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июн “Болалик оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 308-сонли қарори. ҚТ, 1994 йил, 6-сон.
 25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 апрелдаги 107-сонли “”Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011., 14-сон, 142-модда..
 26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 апрелдаги 107-сонли қарор билан тасдиқланган “Болалиқдан ногиронларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.
 27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарори, ҚТ, 1994 йил, 8-сон, 40-модда.
 28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сон “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори, ҚТ, 1994 йил, 8-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. ҚТ, 1994 йил, 8-сон.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабр “Даволаш, профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 532-сонли қарори. (Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 344-сонли қарори асосида янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 90-модда.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабр “2000-2005 йилда ёлғиз кексаларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 520-сонли қарори. ҚТ, 1999 йил, 12-сон, 19-модда.
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори тасдиқланган “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил 2-сон, 22-модда.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январ “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 32-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2-сон, 21-модда.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 март “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сонлар, 46-модда.
35. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Адлия Вазирлигининг 2002 йил 14 майда 1136 рақам билан рўйхатдан ўтган. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборот-номаси, 2002 йил, 4-5-сон
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 май 149-сон қарорига илова “Кексалар ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 9-сон, 65-модда.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 май “Ядро полигонларида ва бошқа радиация ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 188-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 10-сон, 83-модда.
38. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия Вазирлигининг 2002 йил 12 август 31,96-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларни ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйларида ижтимоий хизмат бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш Қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси, 2002 йил, 15-16-сон.
39. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 12 октябр “Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси ва-

- зирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив хужжатлар Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон.
40. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2002 йил 21 октябрдаги 87,121-сонли “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив хужжатлар Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон.
 41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 йил, 7-8-сонли 59-модда.
 42. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низом. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон.
 43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 май “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 йил, 9-10-сон.
 44. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия Вазирлигининг 2002 йил 22 июнь 70,11/2001-сонли “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни молиялаш тартиби тўғрисида Қоидалар”. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари Ахборотномаси, 2002 йил, 13-сон.
 45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йил 8 августда “Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 175-сонли қарори
 46. Молия вазирлигининг 2002 йил 26 июнь 71-сонли “ Бюджет ва бюджетдан ташқари воситалардан маблағ ажратиш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш Қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари Ахборотномаси, 2002 йил, 13-сон.
 47. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг “Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида” Низом. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил, 1333-сон.
 48. 2005 йил 24 май 99, 44-сонли “Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт сихатгоҳ йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 27-сон.
 49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабр 744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори. ОМ палаталари Ахборотномаси. 2007 йил, 12-сон. 649-модда.
 50. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 1 февралдаги 2, 5-сонли “Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш

- тартиби тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.
51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 апрелдаги 107-сонли “”Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011., 14-сон, 142-модда.
 52. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010., 51-сон, 483-модда.
 53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли “Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 27-сон, 283-модда.
 - 54.. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил., 37-сон, 377-модда.
 55. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом. . Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил., 37-сон, 377-модда.
 56. “Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 27-сон, 283-модда.
 57. Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши градусини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 27-сон, 283-модда

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси..
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакти”.
3. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1964 йилги “Ишлаб жиқариш жароҳатлари юз берганида нафақа тўлаш тўғрисида”ги 121-Конвенцияси.
4. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1982 йилги “Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни сақланиши ҳақида”ги 157-Конвенция.
5. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1952 йилги “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги 102-Конвенцияси. Конвенция 1952 года о минимальных нормах социального обеспечения
6. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1967 йилги “Ногиронлик, қариллик ва боқувчисини йўқотганлик нафақалари тўғрисида”ги 128-Конвенцияси.
7. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасидаги “Меҳнат миграцияси ва мигрант меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Битим”. 1994 йил 15 апрелда

Москва шаҳрида имзоланган. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 сентябрдан кучга кирган.

8. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасидаги “Социал нафақаларни, болалик оилаларга компенсацион тўловлар ва алиментларни тўлаш кафолатлари тўғрисида”ги Битим. 1994 йил 9 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган. Ўзбекистон учун 1995 йил 12 апрелдан кучга кирган.
9. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасидаги “Хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолдаги жароҳатланиш, касб касаллигига чалиниш ёхуд бошқа тарза шикаст етиши туфайли юз берган зарар ўрнини қоплашга бўлган ҳуқуқларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги Битим”. 1994 йил 9 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 12 октябрдан бошлаб кучга кирган.

И Л О В А

“ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. **Ижтимоий таъмиотга бўлган ҳуқуқни назарда тутвчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни аниқланг.**
 - А). БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси;
 - Б). БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакти;
 - В). Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари;
 - *Г). Барча жавоблар тўғри.
2. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари мустаҳкамланган ?**
 - А) 37-моддасида;
 - Б). 38-моддасида;
 - *В). 39-моддасида;
 - Г). Барча жавоблар тўғри.
3. **Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминолти тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинганлигини топинг:**
 - А). 1999 йил 2 июлда;
 - Б). 1991 йил 15 октябрда;
 - *В). 1993 йил 3 сентябрда;
 - Г). Тўғри жавоб йўқ

4. Ўзбекистон Республикасининг Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни қачон кучга кирганлигин аниқланг.
- А). 1999 йил 1 январдан ;
 *Б). 1994 йил 1 июлдан ;
 В). 1992 йил 1 январдан;
 Г). 2000 йл 1 июлдан.
5. Ўзбекистон Республикасининг Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни таркибий тузилишини аниқланг.
- *А). Муқаддима, тўққиз боб, 67 моддадан иборат;
 Б). Кириш, 12 боб, 48 моддадан иборат;
 В). Етти бўлиб, 56 моддадан иборат;
 Г). Тўғри жавоб йўқ.
6. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунини рўёбга чиқариш учун зарар бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори қачон қабул қилинганини ва нечта иловадан иборатлигини аниқланг:
- А). 1991 йил 3 декабр, 5 та иловадан иборат;
 *Б). 1994 йил 11 май, 15 та иловадан иборат;
 В). 1999 йил 1 январь, 9 та иловадан иборат;
 Г). Тўғри жавоб йўқ.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинганлигини аниқланг:
- А). 1998 йил 2 октябрда;
 Б). 2000 йил 5 январда;
 *В). 2007 йил 6 апрелда;
 Г). Тўғри жавоб йўқ.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинганини аниқланг :
- *А). 2008 йил 19 мартда;
 Б). 2009 йил 19 мартда;
 В). 2010 йил 19 мартда;
 Г). Тўғри жавоб йўқ.
9. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қачондан кучга кирган ва қандай таркибий тузилишга эга ?
- А). 2001 йил 1 апрелдан бошлаб, 19 та моддадан иборат;
 Б). 2008 йил 1 январдан бошлаб, 8 боб, 43 моддадан иборат;
 В). 2004 йил 15 мартдан бошлаб, Муқаддима ва 28 моддадан иборат;
 *Г). 2005 йил 1 январдан бошлаб, 4 бўлим, 27 моддадан иборат.
10. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанинг предмети бўлиб:
- А) меҳнатга лаёқатсиз шахслар ижтимоий таъминоти билан боғлиқ муносабатлар саналади;
 Б) пенсия ва у билан узвий равишда боғлиқ бўлган муносабатлар саналади;
 В) пенсияга оид муносабатлар саналади;
 Г) нафақалар тайинлашга оид муносабатлар саналади.
11. Ижтимоий таъминот турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган ?
- А). Кафолатли тўловлар бериш
 Б) пенсия таъминоти, нафақалар ва бошқа ижтимоий хизмат кўрсатиш
 В) пенсия ва нафақа таъминоти.
 Г) тиббий ва бошқа хил ижтимоий хизмат

12. Ходимлар меҳнат стажига тенглаштирилган фаолиятлар турини аниқланг

*А) давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинадиган шахсларнинг меҳнат фаолияти даври

Б) муайян шароитларда жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганмаган даври

В) деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ўз хўжаликларида ишламаган вақти;

Г) олий ва ўрта махсус билим юртлари, хунар-техника билим юртларида ўқиш билан боғлиқ бўлмаган вақтлар

13. Имтиёзли равишда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига кимлар эга эканини аниқланг.

А) уруш ногиронлари ва экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар эгадирлар

Б) болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари

В) лилипутлар ва паканалар

Г) а, б, в жавоблар тўғри

14. Қандай ҳолларда ногиронлик пенсиялари тайинланади?

А) меҳнатда майибланганда

Б) касб касаллигига учраганда

В) иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш

Г) а, б, в жавоблар тўғри

15. Пенсия нималардан таркиб топади.

А) пенсиянинг таянч миқдоридан

Б) иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан

В) пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан

Г) Барча жавоблар тўғри

16. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат фаолиятининг қайси даврлари эътиборга олинади?

А) охири беш йил учун амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади

Б) дастлабки даврдаги меҳнат фаолиятининг беш йили учун амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади

В) исталган кетма-кет беш йил учун амалдаги энг кам ойлик иш ҳақи олинади

Г) Охири ўн йил давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади

17. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун :

А) пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг беш ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Б) пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг олти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

В) пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади

Г) пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

18. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажи учун пенсия нимага қараб ҳисоблаб чиқарилади?

А) ўртача ойлик иш ҳақига

Б) тирикчилик кечирининг энг кам миқдorigа қараб

В) энг кам ойлик иш ҳақига

Г) энг кўп ойлик иш ҳақига

19. Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори қандай аниқланади?

*А) Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдorigа қараб аниқланади

Б) Пенсия жамғармасига тўланмаган суғурта бадаллари миқдorigа қараб аниқланади.

В) Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармага тўланган суғурта бадаллари миқдorigа қараб аниқланади.

- Г) тўланган солиқлари миқдорига қараб аниқланади.
- 20. Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланадими.**
- А) ҳа
Б) йўқ
В) стажнинг муддатига боғлиқ
Г) пенсияга чиққандан кейин ишлаш мумкин эмас
- 21. Меҳнат стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган даврларни аниқланг?**
- А) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлардаги давр
Б) юқумли касалликлар муассасаларида ишланган давр
В) асосиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган
Г) барча жавоблар тўғри
- 22. Асосиз равишда қамоқда бўлган вақт стажни ҳисоблашда неча ҳисса миқдорида қўшиб ҳисобланади**
- А) икки ҳисса баробарида
Б) бир ярим ҳисса баробарида
В) уч ҳисса баробарида
Г) карралаб ҳисобланмайди
- 23. Пенсиларни қайси орган тайинлайди?**
- *А) Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари.
Б) туман (шаҳар) меҳнат бўлимлари
В) маҳалла фуқаролар йиғини ёки молия органи
Г) а ва б жавоблар тўғри
- 24. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан қанча вақтда кўриб чиқилади?**
- А) 7 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади
Б) 30 кундан кечиктирилмасдан қараб чиқилади
В) 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади
Г) 3 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади
- 25. Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар қаерда тўланилади**
- *А) уларнинг асосий иш жойида
Б) туман ижтимоий таъминот бўлимида
В) маҳаллада
Г) меҳнат бўлимида
- 26. Чин етим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида қанча миқдорда пенсия тўланади.**
- *А) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида
Б) энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида
В) энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида
Г) энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи миқдорида
- 27. Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга қанча миқдорда пенсия тўланади.**
- А) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида
Б) энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида
В) энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида
Г) энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида
- 28. Пенсионерга ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули мурожаат этилганидан олдинги қанча вақт учун тўланади.**
- А) уч йилдан ошган давр
Б) уч йилдан ошмаган давр
В) икки йилдан ошмаган давр
Г) бир йилдан ошмаган давр

29. **Пенсионер вафот этганда унинг оиласига қанча миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади.**
- А) энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда
 Б) дафн маросими бир ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда
 В) дафн маросими икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда
 Г) дафн маросими икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда
30. **Бола туғилган кундан бошлаб нафақа олиш учун қанча вақтда мурожаат қилиш керак.**
- А) 5 ой муддат ичида
 В) 1 ой муддат ичида
 Г) 6 ой муддат ичида
31. **Қандай даврларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайди**
- А) иш ҳақи сақланмаган таътил
 Б) болани парваришлаш бўйича таътил
 В) иш вақтинча тўхтатилган даврда
 Г) а,б,в жавоблар тўғри
32. **Қандай ҳолларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди**
- А) ишдан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказганда
 Б) гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида
 В) ҳибсда бўлган даврда
 *Г) а,б,в жавоблар тўғри
33. **Қўшимча дам олиш куни учун нафақа кимларга қанча вақтга берилади**
- *А) ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига бир ойда бир дам олиш куни берилади
 Б) бола 16 ёшга тўлгунга қадар икки кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.
 В) васийга, ҳомийга бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар ойига қўшимча икки дам олиш куни берилади
 Г) а ва б жавоблар тўғри
34. **Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, ариза ким томонидан берилади.**
- А) унинг ота-онаси
 Б) васийси
 В) ариза олинмайди
 Г) а ва б жавоб тўғри
35. **Ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши керак**
- А) меҳнат стажини тасдиқлайдиган ҳужжатлар
 Б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома
 В) Д) аризачи уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар
 Г) барча жавоблар тўғри
36. **Ногиронлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши керак:**
- А) меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 Б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
 В) агар ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса, унда бахтсиз ходиса ҳақидаги далолатнома тақдим этилади.
 Г) барча жавоб тўғри
37. **Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши керак:**

- А) пенсия тайинланаётган шахсинг ёшини тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;
- Б) оила аъзосининг вафот этган боқувчига қариндошлиги муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- В) фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш бўлимининг боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;
- Г) барча жавоблар тўғри

38. Иш ҳақини гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқлашга йўл қўйиладими йўқми.

- А) ҳа
- Б) йўқ
- В) вазиятга қараб
- Г) камида 2 та гувоҳ қатнашиши керак

39. Ходим пенсия тайинлаш тўғрисида ариза бергандан кейин корхона маъмурияти ариза рўйхатга олинган вақтдан бошлаб неча кун мобайнида барча ҳужжатларни ва ўз тақдимномасини тўлиқ расмийлаштириши керак

- *А) 10 кун
- Б) 15 кун
- В) 20 кун
- Г) 5 кун

40. Ногиронлик пенсияси қанча вақтга тайинланади

- А) бутун ногиронлик даври учун тайинланади.
- Б) 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга-ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади.
- В) 1 йилга тайинланиб, ҳар йили қайта кўриб чиқилиши керак
- Г) а ва б жавоблар тўғри

41. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси қачондан эътиборан тайинланади.

- А) пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан
- Б) пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 3 ойдан ошмаган муддатдан
- В) пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 1 ойдан ошмаган муддатдан
- Г) а ва б жавоблар тўғри

42. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси қанча вақтга тайинланади

- А) марҳумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланган бутун давр учун
- Б) оиланинг: эркаклар - 60 ёшга, аёллар - 55 ёшга тўлган аъзолари учун эса - умрбод тайинланади.
- В) барча ҳолларда пенсия мурожаат этилган кундан эътиборан тайинланади.
- Г) а ва б жавоблар тўғри

43. Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар қаердан тўланади.

- *А) уларнинг иш жойида
- Б) истиқомат қилиб турган жойдаги молия бўлимларидан
- В) халқ банки бўлимларидан
- Г) маҳалладан

44. Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа (меҳнатда майибланиш ходисалари ёки касб касаллигидан ташқари) қанча вақтга берилади.

- *А) кетма-кет икки ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга
- Б) кетма-кет олти ойдан ошмаган муддатга
- В) кетма-кет уч ойдан ошмаган муддатга
- Г) кетма-кет бир ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга

45. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни аниқланг

- А) сил касаллиги

- Б) онкология касалликлари
- В) жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги
- Г) а,б,в жавоблар тўғри

46. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақасининг энг кам миқдорини аниқланг

- *А) белгиланган энг кам иш ҳақи
- Б) иш ҳақиға тенг
- В) энг кам иш ҳақининг 50%
- Г) нафақаниннг энг кам миқдори йўқ

47. Қуйидаги қайси шароитларда юз берган жароҳатланиш меҳнатда майибланиш деб ҳисобланмайди:

- А) меҳнат бурчини бажараётган пайтда
- Б)хизмат сафари вақтида
- В) иш берувчининг транспортида ишга бораётган ёки ишдан қайтаётганда
- *Г) жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланиш ҳоллари

48. Болалиқдан ногиронлик нафақаси кимларга берилишини аниқланг

- *А) ТМЭК томонидан болалиқдан I ёки II гуруҳ ногиронлари деб тан олинган иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан катта бўлган шахслар
- Б) 16 ёшгача бўлган ногирон болалар
- В) ТМЭК томонидан болалиқдан III ёки IV гуруҳ ногиронлари деб тан олинган иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан катта бўлган шахслар
- Г) а ва б жавоблар тўғри

49. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқи ўз ифодасини топган норматив актни топинг.

- А) БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси;
- Б) с) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- В) Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни;
- Г) Брча жавоб тўғри ;

50. Ёшга доир пенсияга оид ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик фактларнинг нотўғри берилганини топинг.

- А). ариза билан мурожаат қилганлик;
- Б.)қонунда белгиланган ёшга етганлик;
- В). камида беш йил меҳнат стажига эга бўлишлик;
- Г) барча жавоблар тўғри;

51. Саноатнинг мавсумий тармоқларига оид корхоналарда тўлиқ мавсум мобайнида ишлаш қанча ишланган деб топилади?

- А) бир йил ишлаган деб ҳисобланади;
- Б) мавсум қанча муддат давом этса, шу муддат доирасида меҳнат стажи ҳисобланади;
- В) тўлиқ мавсум давомида ишлаш икки йил ишлаган деб ҳисобланади;
- д) тўлиқ мавсум давомида ишланган бўлса ҳам меҳнат стажи сифатида ҳисобга олинмайди;
- Г) тўғри жавоб йўқ;

52. “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” тушунчасига мос келадиган таърифни белгиланг.

- А) фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;
- Б) фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясидан алоҳида равишда пул маблағлари билан таъминлаш;
- В) фуқароларни ижтимоий суғурта маблағларидан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;
- Г), тўғри жавоб йўқ;

53. Умумий асосларда ёшга доир пенсияга чиқиш учун қанча ёш ва меҳнат стажи талаб қилинади?
- А) эркаклар учун 60 ёш, қаида 25 йил меҳнат стажи;
 Б) аёллар учун 55 ёш, қаида 20 йил меҳнат стажи;
 В) аёллар учун 54 ёш, қаида 20 йил меҳнат стажи;
 Г) а ва б жавоблар тўғри.
54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинган сана тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
- А) 1994 йил 11 май;
 Б) 1994 йил 22 сентябрь;
 В) 1994 йил 12 май;
 Г) 1998 йил 1 май;
55. Пенсия жамғармаси қайси вазирликка қарайди?
- А) Молия вазирлигига;
 Б) Соғлиқни сақлаш вазирлигига;
 В) мустақил жамғарма ҳисобланади;
 Г) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига
56. Меҳнат дафтарчаси кимларга юритилади?
- А) мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда беш кундан ортиқ ишлаган фуқароларга;
 Б) муайян муддатга ёлланган ходимларга;
 В) давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзланган тақдирда, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга;
 Г) а,б;
57. Кимлар умумий белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳода пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар ?
- А) гипофизар миттилик касаллигига чалинганлар (лилипутлар); с) кўрлар;
 Б) гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар;
 В) а ва б;
 Г) Кўрлар.
58. Пенсиянинг қайси турини олишда оила субъект бўлиши мумкин?
- А) ижтимоий пенсия;
 Б) ёшга доир пенсия;
 В) ногиронлик пенсияси;
 *Г) боқувчисини йўқотганлик пенсияси;
59. Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалиги аъзолари қандай асосда ижтимоий суғурта қилинадилар?
- А) мажбурийлик асосида;
 *Б) ихтиёрийлик асосида;
 В) етиштирилган маҳсулотга солиқлар солиш асосида;
 Г) тўғри жавоб йўқ;
60. Агар фуқарода давлат пенсияларининг бир нечтасини олиш ҳуқуқи пайдо бўлса қайси бири тайинланади?
- *А) уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади;
 Б) ижтимоий таъминот бўлими томонидан битта пенсия танланиб тайинланади;
 В) пенсияларнинг барча турлари тайинланиши мумкин;
 Г) тўғри жавоб йўқ;

ТЕСТЛАРНИНГ КАЛИТИ

Тест саволининг номери	“А” жавоб	“Б” жавоб	“В” Жавоб	“Г” жавоб
1				+
2			+	
3			+	
4		+		
5	+			
6		+		
7			+	
8	+			
9				+
10		+		
11		+		
12	+			
13				+
14				+
15				+
16				+
17			+	
18			+	
19	+			
20		+		
21				+
22		+		
23	+			
24			+	
25	+			
26	+			
27				+
28		+		
29			+	
30				+
31	+			
32				+
33	+			
34			+	
35				+
36				+
37				+
38				+
39	+			
40				+
41	+			+
42				+
43	+			
44	+			
45				+
46	+			
47				+
48	+			
49				+
50			+	
51	+			
52	+			
53				+
54			+	
55	+			
56	+			
57	+			+
58				+
59		+		
60	+			